

Баҳор иншоноси Р. НУРИМБОВЕВ суратга туширган.

# 3. 1991

پايش كويچ





Ҳадемай далаларда меҳнат қайнайди. Деҳ-  
 қончиликдан кўра савоблироқ меҳнат йўқ. Су-  
 раткаш мухбиримиз А. Кудряшов келтирган  
 шу лавҳа жумҳуриятимизнинг қайси хўжалиги-  
 дан эканлигидан қатъи назар уни кўриб Муҳам-  
 мад пайғамбарнинг қуйидаги муборак ҳадис-  
 лари ёдга тушди: «Сизларнинг яхшиларингиз  
 ўз аҳлу аёлига яхши муносабатда бўлганла-  
 рингиздур... Хотинларни фақат яхши одам-  
 ларгина иззат-икром қилур, аҳлу аёлларни фа-  
 қат ёмон одамларгина хору зор қилур».





## «ЕШ КУЧ» ОЙНОМАСИ МУШТАРИЙЛАРИ, ҲОМИЙЛАРИ, ВА БАРЧА МУХЛИСЛАРИГА МУРОЖААТНОМА

Қимматли дўстлар, ўзингиздан қолар гап йўқ, иттифоқимизда бошланган бозор иқтисоди муносабатлари беҳисоб қийинчиликларни эҳтимол тутилганидан ҳам кўпроқ келтириб чиқармоқда. Бу қийинчиликлар ҳаммамиз учун ҳам катта синов, катта имтиҳондир. Севимли ойномангиз «Еш куч»нинг 1991 йилги обуна нархини белгилашда, гарчи, ҳар бир сонига сарфланадиган қоғоз ва меҳнатнинг умумий қиймати 80 тийин бўлса-да, таҳрир ҳайъати жумҳуриятимиз меҳнаткашларининг бир қисми қашшоқ ҳолатда яшаётганлиги, энг муҳими муштарийларимиз асосан мактаб ўқувчилари, техникум ва илмгоҳлар талабалари эканлигини ҳисобга олиб, ойноманинг нархини 55 тийин қилишга қарор қилган эди, яъни йиллик баҳосини 9 сўм 60 тийин эмас 6 сўм 60 тийин белгилаб, ҳар бир муштарийга 3 сўмга энгиллик берилган эди. Шундай қилиб, «Еш куч» жумҳуриятимиздагина эмас, балки Совет Иттифоқидаги энг арзон ойнома бўлган эди.

Обуначиларимиз ойномани ташкил этишда, унинг йўналишини, мазмунини, ўзига хос қиёфасини белгилашда ходимларимиз билан теппа-тенг иштирок этдилар, ёш бўлишига қарамасдан Иттифоқдаги энг катта ойномалар билан беллаша оладиган даражага кўтардиларки, унинг умумий нусхаси ҳозир 650 000 дан ошиб кетди. Ойноманинг оммалашиб, умумхалқ ойномасига айланиб бораётганлиги лоақал кунига олаётганимиз 500 га яқин хат ва мактублардан ҳам билиниб турибди. 1990 йили муштарийларимиздан 50 000 дан ортиқ хат ва хабарлар олдик, улар билан бевосита алоқада бўлдик.

Демак, кун сайин ўсиб бораётган, обуначилар сонининг кўплиги жиҳатидан жумҳуриятда биринчи ўринга чиқиб олган ойномани асосан Сиз ташкил этдингиз, у бошдан оёқ сизникидир, унинг бугуни ва келажаги ҳақида қайғуриш

ҳам кўп жиҳатдан сизга боғлиқ бўлиб қолди.

Уйдаги гап кўчага тўғри келмайди деганларидек ҳайрия йилидаги олижаноб мақсадимиз, яъни энг арзон ойнома чоп этиб муштарийларимизни мамнун этамиз деган яхши ниятимиз катта тўсиқларга дуч келиб қолди: қоғоз нархининг беш баробар ошиши, босмаҳона ва маъмурий бошқарув ҳаражатларининг 2—3 баробар кўпайиши, матбуот бирлашмаси ва алоқа Вазирлигининг ойнома нархидан 26 фоизини бизга берасан деб оёқ тираб олиши — мажбурий ҳаражатларни кўз кўрмаган, қулоқ эшитмаган даражада кўпайтириб юбордики, севимли ойномангиз — «Еш куч» 1991 йилда салкам 400 000 сўм атрофида зарар кўрадиган бўлди.

Ўзингиз жон куйдириб ташкил этган, ўзингизнинг дарди ҳасратларингизни, фойдали фикр-мулоҳазаларингиз ва ҳал бўлмаган муаммоларингизни дадиллик билан ёритаётган, Сиз учун, Сизнинг маънавий маданият ва руҳий баркамоллигингиз учун тинмай курашаётган ойноманинг тақдирига бефарқ бўлаолмаслигингизга астойдил ишонамиз.

Марказда чоп этилаётган «Правда», «Известия», «Комсомольская правда» рўзномаларини, боринги, жумҳуриятимиздаги барча рўзнома ва ойномаларни муштарий ва ҳомийлар бозор иқтисоди зилзилаларидан омон сақлаш учун қандай молиявий ва маънавий ёрдам берган бўлсалар, Сизни — яъни «Еш куч»нинг барча муштарий, ҳомий ва мухлисларини ҳам ана шундай ёрдамга чорлаб

**МУРОЖААТ ҚИЛАЕТИРМИЗ:**  
Комсомол кўмиталари фаолларига!  
Халқ таълими жонкуярларига!  
Келажак авлоднинг маънавий тарбияси учун қайғураётган мураббийларга!  
Фарзандларининг руҳий ва ахлоқий камолоти учун масъул бўлган ота-оналарга!

Энг муҳими, муштарийларимизнинг шахсан ўзларига мурожаат қиламиз: миллионлаб ёшларнинг маънавий маданияти бутунлиги учун, ёш талант ва истеъдодларнинг мукамал тарбияси учун, социал адолат, ҳақ ва ҳуқуқ учун, тенглик ва кенг маънодаги демократия учун, ислом маданиятининг гўзал дурдоналари учун, унутилган тарих ва бой тарихий маданият учун, халқлар дўстлиги ва тенг ҳуқуқли ҳамкорлик учун — нимаики шахсни камолотга етказишда ва ўзини англашда хизмат қилса — ҳаммаси учун астойдил курашаётган «Еш куч»ни молиявий тангликдан кутқаришга баҳоли қудрат ёрдам берингиз!

Ойноманинг обунасига чин кўнгилдан жон куйдирган почтачиларимиз, олийгоҳ, мактаб, техникум ва билим юртлари маъмурияти жойлардаги комсомол кўмиталари муштарий ва барча кўнгилдилардан тушадиган катта-кичик ҳадяларни жамлашга бош-қош бўлсалар савоб устига савоб бўларди. Лоақал муштарийларимизнинг ўзлари биз яхши ният билан ўтиб берган 3 сўм эвазидан 1 сўмдан ҳада этиб жамғармани йиға бошлаган почтачи ёки бошқа мутасаддиларга келтириб берганларида молиявий танглик тезроқ бартараф бўларди.

Азиз дўстлар, такрор айтамиз, ойнома Сизники, уни молиявий танглик йилида кутқариб қолиш ҳам Сизнинг ҳиммат ва ғайратингизга боғлиқдир.

**Ҳисоб рақами — 001700016**  
Тошкент, Акмал Икромов райони  
«Жилсоцбанк» код — 734105  
«Камалак» бирлашмаси «ЕШ КУЧ»  
журнали фондида.

«Еш куч» ойномаси таҳрир ҳайъати номидан

Бош муҳаррир:  
Худойберди ТУХТАБОЕВ.



# МАЪРИФАТ

**С**овуқ ва қордан қарахт ухлаб ётган, тошдек қаттиқ тупроқ қатида мудраган уруғлар ва илдизлар ерни тешиб яшил қилич кўтариб чиқадилар. Тириклар волидаси — Қуёш қиличларни «Ҳаёт» сўзи битилган туғга

айлантиради. Ёруғликдан сармаст қилтириқ майса алпомишона товуш билан: «Баҳор келди!» — дея ҳайқиради. Бу товушни эшитган дарёлар ўзани сувга тўлади, тоғу тошлар қорли пўстинларини ечади, шодмон қушчалар галаси осмонга кўтарилади. Тераклар барг чиқариб, майин шабада эсганда қуш тилидек нозик барглар шодаси майин шитирлайди. Дарахтлар учигаги миттигина япроқ дарахтни осмонга кўтариб учгудек безовталанади. Бу саноксиз япроқларнинг ҳар бири юрак шаклида, гўё толиққан одамлар қиш бўйи бўғриққан юракларини дарахтлар шохига илиб кетгандек...

Изғиринли қиш давомида мудраб ётган ташвишлар яна деҳқон кўнглини безовта қилади. Енгиллашган вужудларни парвоз туйғуси қучади. Шоирлар яна баҳорга мадҳиялар битадилар. Аммо баҳор келиши билан уни мадҳ эта бошлаган шоирлар шоирликни касб қилганликлари учун шундай қиладилар. Асл шоирлар баҳор ҳақида уни қўмсаб изғиринли кунларда шеърлар яратадилар. Зеро, эрк ҳақидаги энг улуғ сатрлар ҳаминша эрксизлик ва асорат қафасида бўғриққан юракларда туғилган.

Азал-азалдан инсон баҳор келишини интиқлик билан кутади, кўп орзу ва ниятларини, ушалмаган армонларини шу фаслга боғлайди. Кузги ҳосил хирмонидан кўнгли тўлмаган деҳқон, ёшини яшаб, ошини ошаб қўйган қариялар, қиш давомида хасталанган беморлар, қаҳратон совуғи уйларга қамаган болақайлар кўклам ташрифини умид ва соғинч ила пойлайдилар. Аммо «Баҳор келди!» деб ҳайқирган яшил

## БАҲОРИ

чечакка, осмонга учгудек шиддат билан талпинган дов-дарахтга, сиз суратда кўриб турган гулу гўнчаларга қувват бераётган куч — уларнинг замин қаърига чуқур ботган илдизлари. Шу илдизлардан мўъжизакор шарбат олаётгани учун ҳам қилтириқ ва нимжон майсанинг овози дунёга сиғмайди, дарахтлар абадият кўшиғини кўйлайди.

Баҳорни интизор кутаётган инсон ҳам илдизсиз яшолмайди. Унинг илдизи — ўзи мансуб бўлган миллат ва киндик қони томган тупроқ тарихи, маданияти. Мана шу илдизларидан узилган инсон неча-неча баҳорлар келди-ю, уйғонмади. Кўксини совитиб ётган қўрқув ва хотирасизлик қорлари умид ва орзу уруғларини ниш уришга йўл қўймади. Ниш отишга улгурган уруғларни эса қатағон ва зулм изғиринларидан совуқ урди. Юраклардаги ҳурлик уруғлари қор босиб ётган совуқ кўкракни — заминни тешиб ўтолмагани учун улар ичкарига — юрак ичига илдиз отдилар. Зулматда йўлини йўқотган бўлсалар-да, юракда илдиз отган ҳурлик уруғларидан кўзлари равшан одамлар кўклам томон йўл изладилар.

Баҳор ерни, чечакни, дов-дарахтни уйғотади, аммо қуллик ва жаҳолат қаърида ухлаб ётган одамни уйғотолмайди. Қул ва жоҳил одамни уйғотадиган баҳор маърифатдир, маърифат

баҳоридир. Маърифат инсон руҳига ва маънавиятига таъсир қиладиган илм, демак фикрдан иборат маънавий қувватдир. Маърифат инсонларнинг мадори, ҳаёт нажотидир. Маърифат қувилган ерда жаҳолат ҳукмрон бўлади. Жаҳолат эса, улуғ аллома Абдулла Авлоний айтганидек, инсониятнинг энг зўр душмани ва ёмон хулқларнинг бошлиғидир. Авлоний инсон руҳиятининг қаҳратони бўлмиш жаҳолат ҳақида яна шундай ёзади: «Маорифдан, фунун ва маданиятдан

маҳрум қолган халқ жаҳолат панжаларини орасида хамир каби эзилгондек, афъоли замимадан ҳам ўз нафсининг ёқасини бўшатолмас... Жаҳолат энг қўрқинч, фақир ва муҳтожликдан зиёда даҳшатлироқ бир мусибатдур... Жаҳолат инсоният номина ярашмагон бир сифат ўлдигиндан баҳарҳол илм йўлида ҳаракат қилмак, ақли салим соҳибларининг ҳикматли сўзларидан ҳиссаланмак, азиз жонимиздан азизроқ авлодларимизни жаҳолат ва нодонлик балоларидан қутқормак учун жонимиз борича, кучимиз еткунча чопишмоқимиз лозим ва ло биддир».

Биз қиш қўйнида ухлаган, кўксимизни манқуртликнинг совуқ қорлари совитиб ётган одамлармиз. Илдизимиз бўлмиш боболар мероси, халқимиз маданияти хазинаси билан бизнинг ўртамызда жаҳолатнинг ва қўрқувнинг занглаган қиличи турибди. Бу қилични суғириб оладиган куч — маърифат. Биз қатқалоқ қисган, нимжон илдизлари тупроқ юзасида аранг илиниб турган майсалардек омонатмиз, илдизларимизни ўқ томирга улайдиган боғбон маърифатдир. Маърифат инсонлар баҳоридир.

Алпомишни эмас Брус Лини суйган, Ҳожи Абдулазизни эмас Майкл Жексон овозига маҳлиё, Бобонбекни эмас Иван Сусанинни билган, эй, ўзбек ўғлони, ўзбек қизи, уйғон!



Сени гиёҳларни, дарёларни, тоғларни уйғотган, дунёга гулу гўнчалар тортиқ қилган кўклам уйғотолмайди. Уйғонмасанг муҳаббат ҳам сенга бегона. Муҳаббат ҳам маърифат, аммо у олий маърифатдир. Уни кўзи юмуқ юрагинг кўрмайди, кўриб ҳавога у қуш каби учолмайди. Сени кимдир уйғотишини кутма. Совуқ ер остида ётган данак ҳам улкан дарахт бўлиш истагида қалин тупроқни ўйиб қуёшга талпинади. Сенинг қуёшинг — маърифат. Зулмат ичида турган ўғлон, қуёшингга инти!

Уйғонмасанг, кўзинг юмуқ бўлганидан юртингни сотасан, она тилингни унутасан, дарёларни қуритасан, тупроқни заҳарлайсан, халқингга хиёнат қиласан. Баҳор келганида уйғониб кўз очмаган данаклар ва уруғлар ер остида чириб ҳалок бўлганидек, сен ҳам жаҳолат, ёмон хулқлар асоратида ҳалок бўласан.

Ҳар қандай интилиш, ҳар қандай ҳаракат маърифат билан йўғрилган тақдирдагина муваффақиятга эришади. Шундай экан, жаҳолат заҳарлаган муҳит қаърида ётган данак каби эй ожиз ўғлон, маърифат нажот йўлидир. У бизни уйғотажақдир.

Баҳорни ҳаёт боши деб атайдилар. Демак, баҳор умид бошидир. Умид қор остида ётган чечакни уйқудан эмас, ўлимдан уйғотади. Зеро, доно шоир битганидек, «ҳар қандай уйқу ҳам — ўлим ҳар қачон!» Маърифат ҳам мудроқ дилларни жаҳолатдан эмас, ўлимдан қутқаради. Баҳор уйғотган гиёҳлар, дарахтлар дунёга гулларни — бўлажак неъматларни тортиқ этса, уйғонган инсон инсониятга муҳаббатини инъом этади, абадият илдизига руҳий қувватини улайди.

Сиз кўриб турган гуллар ҳам оний, ҳам абадийдир. Бу гуляпроқлар бир неча кундан кейин бўлажак дарахтни — данакни қолдиради. Минг йиллар давомида шундай бўлди ва шундай бўлаверади. Уйғоқ инсон умрининг неъматлари бўлмиш билим ва маърифат ҳам ўзидан кейин дунёнинг абадияти бўлмиш муҳаббатни қолдиради. Муҳаббат эса яна инсонни яратади. Минг йиллар давомида шундай бўлган ва шундай бўлаверади.

Хуршид ДАВРОН



# Хабарингиз 2-борми

АҚШда 22 ёшли Р. Тайсон исмли аёлнинг юраги алмаштирилганда янги юрак тўғри келмай қолди, шунда ўша кунгун 3200 чақирим олисликдаги шаҳардан иккинчи бегона юрак етказиб келиб ўрнаштирилди. Икки ҳафтадан сўнг бемор уйига ўз оёғи билан қайтди.

Утган йилнинг ноябрида Тошкентда Исо пайгамбарнинг ҳаёти тўғрисида бадий фильм кўрсатилди, фильм томошасига келганларга «Исо» деб номланган китобча бепул тарқатилди. «Ўша фильмни кўрган ва китобни ўқиган мусулмон одам христиан динига ўтиб кетиши мумкинми?» деган савол туғилади.



Италия фуқароси Р. Мабелли билан Э. Гавацин хизмат сафари юзасидан Волгоградга келиб йўловчи «Жигули»га ўтиришдию орадан тўрт кун ўтиб шаҳар яқинидан уларнинг... жасадлари топилди.

Буюк адиб Франц Кафканинг шу пайтгача номаълум бўлган 3 мактуби топилди.

1981 йили Амур вилояти осмонида ҳарбий учоқ — самолёт билан тўқнашув оқибатида «АН-24»да бораётган йўловчию учувчилардан биргина Л. Савицкая исмли қиз соғ қолган эди. Беш чақирим осмондан қулаб омон қолган бу бахтли қиз ҳозир оилали, фарзанди бор. Аэрофлот Ларисага йўқолган юклари ҳақини тўлади. Давлат суғурта идораси эса 75 сўм ҳиммат кўрсатди, холос.

Детектив асарлар устаси Жеймс Хедли Чейзнинг асл исм-шарифи Ренэ Брабазон Раймон. Унинг Жеймс Л. Догерти, Рэймонд Маршалл, Эмброс Грант деган тахаллуслари ҳам бор. Ж. Чейз Жюль Верн сингари уйига қамалиб ҳеч қаяққа борма-нетмай ёзади. Узи Буюк Британияда яшаса ҳам (топиш-тутишига барака киргач Швейцарияга кўчган) асарларидаги воқеаларнинг бари АҚШда кечади.

Шарқ табобатчилигида 2 минг йиллардан буён қадрланадиган ҳаммага маълуму машҳур мумиёга марказий ойномалардан бирида «мумиё — Помирнинг кўз ёшлари» деб таъриф берилди.

«КПСС сафидан чиққанларни мен ортга қайтишга чақирмайман. Ундан чиқиш тарадудидагиларни партия сафида қолишга ундаш ниятим ҳам йўқ. Менингча, партияга аъзолик ҳудоба ишонидек гап — ҳудоба чала эътиқод қўйиб бўлмайди». Латвияда чиқадиган «Горизонт» ойномасининг бош мақолаларидан бири шу сўзлар билан бошланибди. Бундан 5—6 йил аввал бундай мулоҳазаларни ошкор этишни ҳеч ким тасаввурига сиғдира олмас эди.

Белоруссия пойтахти Минск шаҳрида қиёматни муносиб қарши олувчилар жамияти тузилди. Аъзо бўлишни истовчилар жамиятга чекланмаган миқдорда қабул қилиниши ҳам эълон қилинди.

«Ривожланмаган капитализмда яшаган маъқулми ёки ривожланган социализмдами?» деб муштарийларига савол ташлабди Латвияда чиқадиган ойнома.

Ешларнинг севимли рўномаси «Комсомольская правда» шу йилдан эътиборан муштарийларнинг хат-хабаридан эркин фойдаланиш тартибини жорий этди: яъни, мактубларга жавоб ёзиш-ёзмаслик муҳарририят ходимларининг ихтиёрига кўра бўлади.

Руминиянинг собиқ ҳоқими Н. Чаушеску «маданиятни ошириш ва деҳқонларнинг яшаш тарзини яхшилаш» ниқоби остида мамлакатдаги 7000 қишлоқни бузиб ташлаш режасини ишлаб чиққан эди.

Қиёс учун икки кўчирма: К. Маркс (1818 — 1883) — «Одам аввал фақат ўзини ойнага солгандай бошқа одамга разм солади. Павел деган одамга ўзи сингари одам деб қарар экан Петр шундагина ўзини одам деб била бошлайди».

Муҳаммад пайгамбар (569 — 632) — Мўмин — мўминнинг кўзгусидир. Унда бирор камчилик ёки нуқсонни кўрса дарҳол тузатиб қўяди».

Шу ойда Ҳамза 100 ёшга тўлганига икки йил бўлди.

Русча «Спасибо» деганингиз «спаси(ва)сбог» маъносини англис тилини биласизми?

Ҳозирги битта танкни ишлаб чиқишга сарфланган маблағ эвазига 30 минг бола ўқийдиган мактаб биноси қуриш мумкин. Битта катта сув ости атом кемаси учун сарфланадиган маблағга 16 миллион болани йил мобайнида беминнат боқиш мумкин.

Муҳаббат изҳор этиб жўнатилаётган мактуб учун венесуэлаликларга конверт икки баравар арзон нарҳда сотилади.

Челябинскда қанд олиш учун навбатда турган аёллардан бири юрак хасталигидан дўконнинг ўзида жон берди.

Улуғ Октябрь инқилобининг 73 йиллиги шарафига «Еш куч» ойномаси ходимларининг ҳар бирига 10 дондан тухум сотилди.

*Бир саволга бир жавоб «Академия» сўзи қардан келиб чиққани ҳақида маълумот берсангиз.*

**Мирнаби МИРАЛИМОВ,**  
Тошкент шаҳар, Иби Сино мазеи.

Қадимий замонларда худолар шоҳи ва отаси Зевс номи билан аталган. Афина шоҳи Эгейнинг ўғли Тесей Зевснинг қизи Елена ни ўғирлаб кетади ва яшириб қўяди. Зевснинг ўғлонлари Диоскурлар ҳарчанд излашмасин уринишлари зое кетади. Шунда Академ исмли ўз даврининг қаҳрамони ака-уканинг жонига аро киради, у Елена яширилган жойни кўрсатади.

Вақтлар ўтиб вафот этган Академ Афина чеккасидаги қабристонга дафн этилади. Унинг қабри теварагидаги салқин хиёбон марҳумнинг номи билан Академия деб юритила бошланади. Милоддан илгариги IV асрда бу хиёбонда Афлотун ўз шоғирдларига маърузалар ўқиган, шунинг таъсирида у асос солган мактаб ҳам Академия деган ном олган.

Ҳозир илм-фан ёки санъатни ривожлантириш учун тузилган олий илмий муассасалар академия деб юритилади. (Фанлар академияси, Санъат академияси сингари.)



# МАКТАБ

# ЗАРУРМИ



**М**ен қишлоқда яшайман. Ешим 15 да. Кўп болали оиланинг тўнғич қизиман. Отам жамоа хўжалигида тракторчи, эрта билан ишга кетади. Онам кечгача укаларим ва сингилларим билан овора. Шунинг учун хўжалигимиздаги оғирроқ ишларни ҳам қилиб кетавераман. Қийинчиликлардан нолияпти деб ўйламанг, мен ҳаётни севаман. Ҳатто, куз тонгида ҳовлимиз этагига тўкилган дарахларнинг олтин ранг япроқларини супураётиб уларга меҳр билан қарайман, оғилхонадаги сигиримизнинг елинидан оқаётган мойдек сутини жажжи укам тамшаниб ичишини ўйласам янада ғайрат билан ишлагим келади.

Мактабдан кейин далага чиқиб 15—20 кг пахта тераман. Ҳозир қуриқ маошга кун кўриш қийин. Ўқув қуроллари, унча-мунча кийим-кечакни ўзим бутлайман. Яна бу ёқда обуна бор. Уқишни яхши кўраман, айниқса, «Еш куч»ни, ундаги тенгдошларим ҳаёти, уларнинг ўқишлари ҳақидаги мақолаларни қизиқиб ўқийман. Мактабда ўқишим ҳам ёмон эмас. Спорт билан шуғуллангим келади-ю, бунинг учун мактабимизда шароит йўқ, мактаб биноси ўқув талабига жавоб бермайди, зах, синфхоналари тор, яхши ёритилмайди, қишда совук. Баъзан ўйлайман: биз — қишлоқ болаларига ҳам замонавий мактабда ўқиш насиб этармикан...

Матлуба, Жиззах вилоятидан.

**К**ейинги пайтларда жаридамизга қишлоқ жойлардан, айниқса, Жиззах вилоятидан бундай, мактублар кўплаб келмоқда. Уларнинг аксарияти ўқувчиларнинг бўш вақтлари зерикарли ўтаётгани, спорт билан шуғулланиш учун шароит йўқлиги, мактабларнинг аҳволи ночорлиги ҳақида. Аҳволни чуқурроқ ўрганиш учун биз вилоятнинг Пахтакор ноҳиясидаги мактабларда бўлиб, ўқувчиларнинг ҳаёти билан яқиндан танишдик.

Пахтакор — марказида 47 минг аҳоли яшайдиган шаҳарча. Бозорига кириб у ердаги мева-сабзавотларнинг нархини кўрган кимса жумҳуриятнинг бошқа жойларидаги каби бу ноҳияда ҳам пахта яккаҳоқимлиги ўз ҳукмини ўтказганлигини сезади. Шаҳар дўконларида гўшт, қўлбости, пишлоқ, қаймоқ, сузма кўрма-

дим. Гўшни кооператив дўконлардан сотиб олиш мумкин, лекин нархи ўзингизга маълум. Ноҳиядаги рус тилида ўқитиладиган барча мактаблар шаҳарчада жойлашганлиги учунми, пахтазорда фақат ўзбек ўқувчиларини учратдик.

Пушкин номли 8-ўрта мактабнинг 11-синф ўқувчилари билан суҳбат бозор иқтисодиётига ўтиш арафасидаги қийинчиликлар тўғрисида бўлди.

Ҳасан Нишонов: — Сиз дўконларда озиқ-овқат, хусусан гўшт ва сут маҳсулотларининг сотилмаслигини кўрибсиз. Ҳозир ҳақиқатдан анча қийин давр бошланди. Менинг отам 180 сўм маош олади. Тирикчиликка нимаям қилардик... Мана, биз 5 мол, 7 қўй боқамиз.

Дилфуза Омонова: — Қўй-мол ҳар қимнида бор. Бу — қишлоқда одат. Уларни боқиш учун қанчадан-қанча ем-хашак керак. Албатта, озуқани тайёрлаш биз ўқувчиларнинг ҳам чекига тушади. Шунинг учун дарсдан кейин ҳам тинмаймиз. Шароит шундай бўлгач...

Наргиза Яхшибоева: — Биз оилада 6 фарзандимиз. Отам шу мактабда ўқитувчи бўлиб ишлайдилар. Мен ҳамқишлоқларимни кўп кузатаман, улар давлатга қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари топшириш билан банд бўлсаларда, ўзлари унга зориқиб яшашади.

Абдураҳим Норқулов: — Мен ҳам кўп болали оиладанман. Отам ишламайди, касал. Онаминг ойлик маоши 80—90дан ошмайди, бу нимагаям етарди. Совхоздан 2 гектар ер олганмиз, унга қовун экканмиз. Йиллик даромад ўн минг сўмларни ташкил этади. Онаминг йиллик даромадига солиштириб ҳайрон бўламан. Давлат ташкилотидан пулни кам тўлашади. Деҳқончиликда ёмонмас-ку, лекин шу даромадга ҳам бемалол яшаб бўлмаяпти. Қимматчилик...

13-мактаб ўқувчилари билан суҳбат пахтадан бошланди. Сабаби, мактаб «Оқбулоқ» тажриба хўжалигининг пахта экилган даласига туташган бинога жойлашган.

Насиба Мустонова: — Утган йилда ҳосил мўл бўлди. Пулни ҳам яхши тўлашди. Дарсдан сўнг далага чиқиб ҳар куни 20-25кг. дан пахта тердим.

# АДАБИЁТ

**У**збек совет адабиётининг йирик намояндаси, бахт ва шодлик куйчиси Ҳамид Олимжон ижодини ўрта мактабда ўргатиш учун бир неча соат ажратилган. Шу режа асосида 4—5-синфларда Ҳамид Олимжоннинг ижоди «Семург ёки Паризод ва Бунёд» асари юзасидан 4 соат, 5—6-синфларда «Ойгул билан Бахтиёр» асари бўйича 4 соат, 8—9-синфларда «Ўзбекистон» шеърини ўрганишга 1 соат, 10—11-синфларда «Бахтлар водийси» ҳамда «Зайнаб ва Омон» асарлари учун 5 соат вақт ажратилган.

Юқоридегилардан келиб чиқиб, имкон ва шароит тақозо қилса, ўқитувчи ўқувчиларга мактабда берган билимларини музей залларида мустаҳкамлаши мумкин. Бу тадбир ўқувчиларда нафосат туйғусини шакллантиришда, уларнинг маънавий оламини бойитишда, хотира ва фикрлаш кўникмаларини ўстиришда, диққат ва қизиқишларини оширишда жуда катта ёрдам беради. Бу ёрдамни Алишер Навоий номидаги Давлат адабиёт музейининг «Ҳамид Олимжон ҳаёти ва ижоди» ҳақидаги экспозицияси орқали олиш мумкин. Биз қуйида адабиёт ўқитувчилари билан шу борадаги баъзи кузатиш ва тажрибаларимизни ўртоқлашиб, айрим методик тавсияларни берамиз. Зеро, мактаб ва музей ҳамкорлиги таълим-тарбия ишларига улкан ижобий таъсир кўрсатади.

Саёҳат дарсининг 1 соатлик режаси тахминан қуйидагича бўлиши мумкин:

1. Экспозиция хусусида умумий маълумот.
2. Шоир ҳақида сўз.
3. Рассомлар ижодида шоир сиймоси.
4. Ҳ. Олимжон — олим.
5. Шоирнинг уруш даври ижоди.
6. «Бунда булбул китоб ўқийди».

Ўқитувчи музейда дарс ўтишидан аввал, экспозиция материаллари билан яхши таниш бўлиши керак. Кўшимча адабиётлардан, қўлланмалардан хабардор бўлиш, турли ҳужжатларни ўрганиш — саёҳат дарсининг таъсир кучини янада оширади.

Айни пайтда, ўқувчиларни ҳам музейга олиб бориш учун тайёрлаш керак. Улар музейга нима учун саёҳат уюштираётганидан тортиб, ҳатто у ерда юриш, туриш ва тинглаш маданиятидан хабардор қилиниши зарур. Шунингдек, музейга боргунга қадар ўқувчиларни шоир ҳаёти ва ижодига оид қўшимча материаллар билан таништириш кутилган натижалар беради.

Экспозиция ҳақида умумий маълумот берилгач, дарсининг асосий қисмига ўтилиб «Шоир ҳақида сўз» айтилади. Бу эса кўргазма материалларига мос тушиши ва айни чоғда мактабда ўқитилганларнинг давоми бўлиши керак.

Ҳамид Олимжоннинг асарлари 1926 йилдан «Зарафшон» газетасида чиқа бошлади. Шоирнинг «Кўк-лам» номли ilk шеърини тўплами 1929 йилда нашр этилди. Шундан сўнг «Улим ёвга», «Пойга» каби кўплаб китоблари чоп этилди. Бу асарлари музейда муносиб ўрин эгаллаган.

Давр билан бирга одим ташлаган, ўз ижодига халқимизнинг меҳнат қаҳрамонликларини тасвирла-

ган шоир 30-йилларда шеърининг энг яхши намуналарини яратди.


Ҳамид Олимжон шеърининг қаҳрамони — ватанпарвар совет кишиси. «Ўзбекистон» шеърларида лирик қаҳрамон янги турмуш яратувчиси сифатида ўқувчи кўз олдида намоён бўлса, Улуғ Ватан уруши йилларида «Жанчи Турсун» бўлиб гавдаланади. Дўстлик туйғуси «Роксананиннг кўз ёшлари» баллада-сида ғоятда ҳаётини ифодаланган. Бу номлари тилга олиб ўтилган асарлар ҳам кўргазмада намойиш этилмоқда. Ушбу материаллар ўқувчиларнинг ижодкор ҳақидаги тасаввур ва билимларини янада бойитади.

Шу ўринда ўқитувчи кўргазмадан ўрин олган матнли материаллар орасидаги шоир замондошларининг айтган фикрларидан айримларини ўқувчилардан бирига ифодали ўқитса, дарс анча жонли ўтади. Масалан, мана бу матнли материални ўқиш мақсадага мувофиқдир:

«...Ҳамид Олимжон туғма ва нодир истеъдод эди. Унинг қонида, ўзлигида, кўз қорачиғида, тўқсон икки томирида туғма бир зукколик, шоирона бир билгичлик, бурролик, нурбахшлик, ёрқин қалб ва адаб аён, унинг пешонасида ва йирик кўзларида улғулик очиқ-ойдин, унинг билмагани оз, ўқимагани кам эди». Шоирга берилган бу таъриф устоз шоир



# МАЖЛИС ХОНА?



Акбар Сулаймонов: — Биз қишлоқ ўқувчилари пахта теришдан қочмаймиз. Лекин мени бир нарса ўйлантиради: қачон мактабимиз биносига сон кираркин? Янги бинога аллақачон кўчиб ўтишимиз керак эди. Бироқ қурилиш йилдан-йилга чўзилиб ётибди.

Сайёра Мўминова: — Мен Акбарнинг гапини тўлдирмоқчиман. Бу бино ўқиш учун бутунлай ярамайди. Айниқса, жисмоний тарбия дарсларини ўтишга ҳеч қандай шароит йўқ. Раҳбарларимиз назаримда бизнинг даладаги ҳаракатларимизни назарда тутиб мактабда жисмоний тарбияга ҳожат йўқ деб ўйлаётдилар шекилли...

Озода Усмонова: — Камчиликлар кўп. Бизлар мактабга жуда узоқдан автобусда қатнаёмиз. Қишлоқда газ масаласи ҳалиям ҳал қилинмаган. Лекин, энг ёмони ўқишимиз учун етарли имкон яратилмаган. Ўзингиз эътибор беринг, шу бинода ўқиш мумкинми?

13-мактаб ўқувчиларининг гапида жон бор. Улар 1986 йилдан бери ўқув-тарбия ишлари талабига ҳеч ярамайдиган бинода ўқишмоқда. Мактаб икки қаватли турар-жой учун мўлжалланган икки хонали олти хонадонга жойлашган. Хоналарда коммуникация тармоқлари ўтказилмаган, жуда тор, биринчи парта билан доска орасидаги масофа бир қулочга етар-етмас, парта қаторлари торлигидан ўқувчилар

улар орасидан қандай ўтишни ўйлаб гаранг. Ўқув ва кўргазма қуролларини кўрмадик, бўлгандай улардан фойдаланиш ва сақлаш учун жой йўқ. Хуллас, ўқишга ҳам, спорт билан шуғулланишга ҳам ҳеч қандай шароит йўқ. Дарвоқе, мактаб ошхонаси асосий бинодан икки юз қадамча наридаги коттежларда жойлашган, мен кирганимда ишламаётган эди.

Пахта яккаҳоқимлиги ҳатто таълимга ҳам ўз таъсирини ўтказганини мактаб биноси билан ёнма-ён қурилган СОЮЗНИИХИ филиали биноси билан солиштириб дарров сезса бўлади. Кўпқаватли ва шинам бу бино пойтахтдаги чиройли маъмурий бинолардан қолишмайди. Ҳокимият қаерга қараяпти деб ўйларсиз. Чамаси, жойларда партия ташкилотларининг ўзи КПССнинг обрўсини поймол қилмоқда. Йўқса, ўтган йили Пахтакор ноҳия партия кўмитаси учун топширилган катта ва шинам мажлислар зали ўрнига 13-мактаб биноси қурилиши битирилса бўлмасмиди? Ноҳия раҳбарлари ўқувчилар кутаверади, мажлисимиз тўхтаб қолмасин, деб ўйлаётдилар чоғи. Ўқувчилар янги мактаб биноси 1988 йили 1 сентябрдан ишга тушиши кераклигини, қурилиш шу пайтгача чўзилаётганини биладилар. Бу вақт ичида эса ноҳия марказида фирқа кўмитаси учун каттагина мажлислар зали қурилганидан ҳам, унинг деворига катта ҳарф-

## МАОРИФ ВА ҚАЙТА ҚУРИШ

лар билан «Партия давримизнинг ақли, идроки ва виждони!» деган сўзлар ёзилганидан ҳам хабардорлар.

Ўсингизда бўлса «қайта қуриш»дан олдин партия ва ҳукуматимиз «ўрта ва махсус таълимни ислоҳ қилиш» ҳақида қарор қабул қилганди. Уша қарор қоғозда қолиб кетмаётибдимикан, деб ўйлаб қоламан. Редакцияга келаётган мактубларнинг мазмунига эътибор берилса ўқувчилар компьютер, кабинет системаси (жумладан физика, кимё каби элементар фанлари хонасида автоматик тарзда ёпиладиган қора дарпардали ва бошқа техник воситалар), қишин-ёзин чўмилиш учун ҳовузлар, кўм-кўк ўт билан қопланган футбол майдонлари, баскетбол ва волейбол учун соҳ замонавий заллар қуриб беришни эмас, қишда музхонадай совуқ бўлмаган, ошхонасида иссиқ овқатлар тайёрланмаса-да лоқал ейишга бирор нарса бўлган, жисмоний тарбия дарси ўтиш учун шароити мавжуд, умуман ўқиш учун ҳозирги замон талаби даражасида бўлмаса-да, шароити озроқ яхшилланган мактабларда ўқишни орзу қилмоқдалар. Наҳотки маорифимиз шу даражада оқсамоқда? Ҳа, афсуски шундай. Бу ҳол Жиззах вилоятга ҳам тегишли. Вилоятда кўп мактаблар ночор аҳволда, айниқса қишлоқ мактаблари талабга жавоб бермайди. 1990 йилда 10161 ўринли мактаблар қурилиши керак эди. Тўртинчи кварталгача бор-йўғи 4000 ўринли мактаб қурилди, яъни режанинг 38-39 фоизи бажарилди. Бу билан биз катталар яна бир марта ёш, ўсиб келаётган авлодга ўз муносабатимизни билдирдик. Улар-чи?

Пахтакорлик ўқувчиларнинг ҳаёти ва турмуш тарзи билан танишиб шундай хулосага келдим: қишлоқда қимматчилик авж олаётган бўлса ҳам, ўқишлари учун етарли моддий замин яратилмаган бўлса-да, улар ўқишни давом эттиряптилар, тушдан кейин далага чиқиб ота-оналарига, жамоа хўжалигига ёрдам бермоқдалар, ем-хашак жамғариб гўшт танқислигига барҳам беришга уринмоқдалар. Аммо жойлардаги раҳбарлар-чи, ёшлар билан шуғулланувчи ташкилотлар-чи... Улар қалби олов, давр ғала-говурларига қарамай келажакка ишонч билан кетаётган қишлоқ ёшларининг эътиқодига, ишончига, меҳнатига, ташаббусига сунистьёмолчилик муносабатида бўлмаётдиларми? Бу ҳақда жиддий ўйладиган вақт келмадимикан?!

Суннат АЗЛАРОВ.

Миртемир қаламига мансуб бўлиб, матнли материаллар ичида алоҳида ажралиб турибди.

Сўнгра ўқитувчи кўргазмадаги санъат асарлари ҳақида сўз юритади. Маълумки, бу каби материаллар ўқувчиларнинг адабиётни ўрганишларида асосий ва зарурий кўргазмалар қурол сифатида ниҳоятда кучли таъсир кўрсатиши билан характерлидир.

Истеъдодли рассом В. Ковинин «Ҳамид Олимжон» (1975) номли портретини, машҳур мисгар расом О. Азизов эса шоирнинг қандақорлик усулида мис лаганда ишланган бўртма сиймосини яратдилар. Бу икки жонли яратилган санъат асарларида томошабин кўз олдида атоқли шоир сиймоси яққол гавдаланади. Кейин ўқитувчи ўқувчилар диққатини юқорида таъкидлаган санъат асарларидаги шоир сиймосининг характерли кирраларига қаратиб, ижодкорнинг қалб дунёси санъат асарларида қандай очиб берилганлиги ҳақида суҳбатни давом эттиради. Бу эса ўқувчиларга санъатнинг сеҳрли томонларини идрок этишларига кўмаклашади, гўзаллик билан маънавий оламларини бойитади.

Ўқитувчи кўргазмадаги ижодкорнинг илмий тадқиқотчилик фаолиятига боғлиқ материаллар ҳақида

ҳам ўқувчиларга маълумот бериб ўтиши лозим. Зеро, 1943 йилда Ўзбекистон Фанлар академиясининг муҳбир аъзоси қилиб сайланган Ҳамид Олимжон ўзбек адабиётининг долзарб масалалари бўйича бир қатор мақолалар ёзган. Улуғ шоир ва мутафаккир Алишер Навоийнинг 500 йиллигини ўтказиш юбилей комитетининг аъзоси сифатида буюк ижодкор ҳаёти ва адабий мероси юзасидан илмий тадқиқот ишлари олиб борган. Экспонатлар орасидаги суратлардан бирида Ҳамид Олимжон шу юбилей комитетида таниқли олимлардан Ходи Зарипов ва Порсо Шамсёвлар билан ўзаро фикрлашиб турганлиги ўз аксини топган.

Ўқитувчи шоирнинг уруш даври ижоди ҳақида алоҳида тўхталиши мақсадга мувофиқ. Айни шу даврда шоир «Дарё кечаси», «Чирчиқ соҳиллари», «Улка», «Бахт» тўпламларида даврнинг юксак гоёларини куйлади. Урушнинг оловли йилларида жангчиларимизга ота-боболаримизнинг қаҳрамонликларини эслатиб қўйиш зарурияти туғилганда унинг «Муқанна» номли шеърини драмаси яратилди. Бу драманинг асл қўлёзма нусхаси кўргазманинг нодир материаллари сафида намойишга қўйилган.

## ҚУШИМЧА ДАРС

Ниҳоят, ўқитувчи витринадаги шоирнинг «Ўзбекистон» шеърининг асл қўлёзмаси хусусида тўхтайдим. Бу шеър Ватанга муҳаббат, овоз, фаровон ҳаётни тараннум этганлигини таъкидлайди. Шеър ўқувчилар қалбига ажиб бир таассурот уйғотади. Айни пайтда, уларнинг кўпчилиги бу шеърни ёддан ўқий олади.

Шу фурсатда ўқувчилардан баъзилари бу шеърдан парча ёд этиб берсалар саёҳат дарс анча жозибали, жонли ва таъсирчан ўтади.

Сўнгра ўқитувчи саёҳат дарсини мустаҳкамлаш учун ўқувчиларга саволлар беради. Айни замонда, уларни қизиқтирган саволларга ҳам жавоб қайтаради. Ҳаммаси тушунарли бўлгач, «Музейда ўтилган дарс» деган темада уй иншоси ёзиш вазифаси топширилади. Бунинг учун юқорида қайд этиб ўтилганлар юзасидан ўқувчилар дафтарига қисқача ёздириб борилса бу янада ижобий натижалар беради.

Қадрли ўқитувчилар! Биз сизларга баъзи кузатиш ва тажрибаларимиздан айримларини тавсия этдик. Бу бир қолипга тушган қонундек қабул қилинмаслиги мумкин. Негаки, бу ижодий жараён маълум режа, ўқувчиларнинг савияси ва тайёргарлигига кўра турли кўринишларда намойиш бўлиши мумкин. Энг асосийси: музейда ўтилган дарс!

Хуллас, музей ва мактаб ҳамкорлиги давом эттирилиши керак. Бу борада фидойи, жонкуяр ва илгор ўқитувчиларимизга муваффақият тилаймиз.

Маҳмуда ВАЛИЕВА,  
Тошкент шаҳридаги 274-ўрта мактабнинг  
ўзбек тили ва адабиёти ўқитувчиси.

# МУЗЕЙИДА САБОҚ



**Еш муаллима ҳасратлари  
Адолатсизлик, лоқайдлик...  
98 ёшли момо:  
Иссиқ овқатлар ичгим  
келади...**

Сизлар турғунлик даври деб қоралаган замонда ҳамма нарса етарли эди. Ҳозиргидек магазинга бирон нима келса одамлар қий-чув солиб, уруш-жанжал қилиб таласмас эдилар. Ҳозирчи? Магазинларга кирсангиз шип-шийдон. Ун йўқ, шакар йўқ, совун йўқ, гуғурт йўқ, газмол йўқ, ҳатто оддий ип ҳам йўқ, болаларга кийим ахтариб чиқсангиз овора бўласиз. Ўзбекистон қанча пахта экади, пахтадан бўлган штапел газмол топилмайди. Бу йил далаларимизда мисли кўрилмаган оқ-олтин етиштирилди, деб «Ахборот» эртаю-кеч гапиради-ю, аптекадан баъзан бир тугам пахта тополмайсиз. Умуман яшаш жуда оғир бўлиб қолди. Бор маҳсулотлар ҳам кун сайин қимматлашиб борапти. Бу аҳволда бозор иқтисодиётига биратўла ўтилгач халқ қандоқ яшар жан-а? Мисол, ўзим яшаётган қишлоқ ҳаётини олсак, қишлоғимиз одамлари асосан пахтачилик билан шуғулланади. Ҳар бир оилада ками 5-6 та фарзанд бор. Пахтанинг нархи ошганлиги учун колхозчилар фақат мавсумда кўп пул олади. У ёғига — худо пошмо! 4 ой далада иш йўқ. Бечора колхозчи аёллар ишлаган маошларига ўзлари севган атлас кўйлак олиб кийсинларми, килоси 10 сўм бўлган гўшт олиб болаларига едирсинларми, савдогардан килоси 2 сўм бўлган шакар сотиб олсинми? Баъзи жойларда халталаб шакар, яшиклар совун ачиб ётгандир?! Қўли узун кимнингдир уйда ҳамма нарса етарли, тўкин-сочиндир! Фақат ойлик маош билан кун кечираётган камбағал одамларни ким ўйлайди?

Қишлоғимиз магазинларига 3-4 ойда бир қоп шакар, 2 яшик совун келади. Магазинчи оиладаги одамлар сонига қараб буларни бўлиб чиқади. Оилада 10 киши бўлса 3 кило шакар ва 3 та совун берилади. 3 та совунни эплаб 4 марта кир ювсак тамом бўлади. Ҳозир нон ейиш ҳам қийин бўлиб қолди, чунки ун йўқ. Дўконимизга оилаб ун келмайди. Болаларимизга ўқиш учун китоб етишмайди. Езиш учун дафтар йўқ. Мен ўзим бошланғич синфларга дарс бераман. Ешим 34 да. Уқитувчиларнинг ойлиги ошди-ку, дерсиз. Тўғри, илгари 170 олардим, ҳозир 200 сўм оляпман. Алдагани болалар ўқитувчиси яхши. 6 та фарзандим бор. Бошим қотиб қолди.

Фароғат ДИЕРОВА,  
Сурхондарё вилояти Сарносиё ноҳиясидаги  
22-мактаб ўқитувчиси.

## АНОРАНИНГ ТАШАККУРИ

«Агар сени алдаса ҳаёт» мақоласи (1990 йил, 10-сон) эълон қилинганч...

Журналимизда Аноранинг мактуби босилгач, юзлаб муштарийлар унга ёрдамга ошиқдилар — кимдир моддий ёрдам кўрсатиш ҳимматида, кимдир илиқ сўз билан. Биз ана шу ёрдамни жамлаб, Қашқадарё вилоятининг Чироқчи туманига йўл олдик. Чироқчи туман бўлса ҳам катта бир вилоятчилик жойни эгаллаган экан. Икки кун юриб, ниҳоят Анораларнинг хонадонини топдик. Чоғроққина бир уйда Анора эмалаётган бир яшар қизчасига тикилганча мақола босилгандан кейинги ҳаётини бизга сўзлаб берди. У ҳомиладорлик таътилига чиққунга қадар бир муддат боғчада тарбиячи бўлиб ишлабди. Ҳозир ҳаёти анча изга тушибди. Кўпчиликда учрайдиган ҳол-редакцияга хат ёзганига бироз афсусланди.

Биз унинг «ҳаётдаги армоним — ўқиш»

«Еш куч» журналида армиядаги тартибсизлик ҳаққоний ёритилибди. Холамининг ўғли Маъруфжон Шарипов 1989 йил декабрь ойида хизматни ўташ учун собиқ ГДРнинг Магдебург шаҳрига кетган эди. Афсус... уни 1990 йил 8 августда темир тобутда келтирдилар. Олиб келган икки одам — рога сиёсий бўлимнинг бошлиқлари қандай фожа юз берганини айтишмади. Улими ҳақида ҳеч қандай тиббий хулоса йўқ. Инсонга бўлган қадр-қиммат шуми?..

Маъруфжоннинг отаси илгари дунёдан ўтганди. Бечора онаизор темир тобутни кўриб кимга ёпишишни, нима дейишни билмас, чунки у киши ногирон — гапиролмас эдилар.

Ҳарбий хизматдаги тартибсизликлар қачон изга тушаркин-а?..

Мардон ҲАМИДОВ,  
Самарқанд вилояти Самарқанд ноҳияси  
Шўрбойча қишлоғи.

Юрагимда йиғилган дардлар дoston бўлади. Турмушга чиқибманки тинмайман. Қўлим — косов, сочим супурги. Азонлаб ҳамир қориб, молга қараб, далага чиқ, яна қоронғида мол-ҳол, кир-чир... Аммо барибир қайнонамага ёқмадим. Ҳамон бирим икки бўлмади. Энди ногирон бўлиб қолдим. Етиб қолсанг яқин одамингга ҳам ортиқча бўлиб қоларкансан. Қорнимга эмас, қадримга йиғлаб сизларга мактуб битаяман. Аҳволим жуда ночор...

АБДУЛЛАЕВА М.  
Фарғона вилояти Риштон ноҳияси.



Суратдаги табаррук момо бизга шундай мактуб йўллабдилар:

«Хурматли «Еш куч!» Кўп қатори менга ҳам ёрдам берарсан, деган умидда хат ёзаяман, болам. Ешим 98 да. Елғиз яшайман. Ўғлим бундан 50 йил бурун Улуғ Ватан урушида ҳалок бўлган. Шу ўғлим учун олдин 30 сўм, ундан кейин 45 сўм нафақа оладиган бўлдим. Яқиндан бугун 60 сўм оляпман.

Мен Самарқанд вилоятининг Нарпай ноҳиясидаги «Иттифоқ» колхозида яшайман. Шу колхозда 30-40 йил азоб чекиб меҳнат қилганман. Ўғлим учун бериладиган 60 сўм тирикчилигимга етмагани учун колхоздан ёрдам сўраб ариза ёздим. Илойим колхозчи-

## етдим йиқилган

миз раҳбарларининг умри узоқ бўлсин, ҳиммат қилиб ойига 4 сўмдан, 1989 йил учун 50 сўм пулга бош буғалтиримиз буйруқ чиқарибдилар.

Ўзимга пенсия беришмайди. Ахир мен ҳам колхоз учун ишлаганман-ку. Танамда кучим бор пайтда мен керак эдим-ку, энди қариган чоғимда ҳеч ким ҳолимдан хабар олмас...

«Дард устига чипқон» деганларидек, оёқларим сунган. Бир товۇққа ҳам дон, ҳам сув керак. Иссиқ овқатлар егим келади. Қолаверса, электр, газга пул керак. Оёғим ногиронлигидан ҳеч жойга бора олмайман. Яхшиям эримнинг жияни бор экан — қарашиб туради. Ҳукуматимиз қаровчиси йўқ ҳамда нафақаси камларга пул ажратган деб эшитаман. Еки булар ҳам ошна-оғайничилик бўлиб кетганми? Ҳозир касалман, кўрпачи-тўшак қилиб ётибман. Улиб қолсам мени ким кўмади? Виласизлар, мусулмончилик — бунга ҳам анча чиқим кетади. Сизлардан умид қилиб ёрдам сўрайман. Урушда ҳалок бўлган ёлғиз нуридийдам ҳурмати колхоздан ёки райсабиздан ёрдам беришларини илтимос қилиб кўринглар. Пешонам шўр экан. Агар ўғлим урушдан майиб-мажруҳ бўлиб келганида ҳам ҳеч нарса керак эмас эди. Ҳалигача ўғлимни кутаман. Умид билан сизлардан ёрдам кутиб қолувчи Обида момо Мирзаева».

Бу мактуб изоҳга муҳтож эмас. Энди яна бир мактубга эътиборларингни тортаман. Уни 87 ёшли табаррук отахон ёзганлар. Обида момонинг мактубларидан фарқли ўлароқ отахоннинг арзи анча илгари — 1989 йилнинг 3-сонида «Қатортолга мактублар» саҳифаси-





## Ёш мутахассислар учун меҳнат шартномасидаги имтиёзлар

**Ў**қув юртлирини битирган талабалар ёш мутахассис сифатида ҳаётга йўлланма олишиб бирор жойга ишга борар эканлар, аввало ўзларининг қонун томонидан ҳимоя қилинадиган ҳуқуқларини билишлари керак.

Совет меҳнат ҳуқуқига мувофиқ олий ёки ўрта махсус ўқув юртлирининг тўлиқ ўқув курсини ўзлаштирган, диплом лойиҳасини ҳимоя қилган, давлат имтиҳонларини топшириб, шахсий тақсимот комиссиясининг йўлланмаси билан ишга юборилган шахслар икки-уч йил мобайнида ёш мутахассис ҳисобланади. Уларнинг ишга тақсимотини у қўйган ўқув юрти бўйсунган вазирлик томонидан тузилган «Ёш мутахассисларнинг тақсимот комиссияси» амалга оширади.

Агар мутахассислар I ёки II гуруҳ ногиронлари бўлсалар уларнинг саломатликларини назарга олган ҳолда доимий яшаш жойларига ёки уларнинг розилиги билан комиссия томонидан тақлиф этилган жойлардан бирига ишга юборилади.

Агарда ёш мутахассисларнинг I ёки II гуруҳ ногирон бўлган ота-оналари бўлса ва оилада бошқа меҳнатга яроқли оила аъзолари бўлмаса, уларнинг илтимосларига мувофиқ ота-оналарининг доимий яшаш жойларига ишга юбориш мумкин. Тақсимот даврида юқоридаги каби бошқа узрли ҳолатлар ҳам инобатга олинади.

Ишга юборилган ёш мутахассис ишни бошлашга қадар бир ой дам олиш ҳуқуқига эга. Бу даврда унга юборилган корхонаси, муассасаси ёки ташкилот ҳисобидан бир ойлик стипендия берилади. Агар ёш мутахассис мустақил равишда ишга жойлашса бундай ҳуқуқдан маҳрум бўлади.

Агар ёш мутахассис ўқув юртига киргунига қадар халқ хўжалиги тармоқларида ишлаган бўлса, уларнинг меҳнат дафтарчаларига ўқув юрти томонидан ўқишга қабул қилиш ва уни тамомлаганликлари тўғрисидаги буйруқларга мувофиқ тегишли ёзувлар ёзиб қўйилади.

Агар ёш мутахассис ўқишга хўжалик ҳисобидаги корхона, ташкилот ёки муассаса томонидан юборилган бўлса, ўзaro келишилган шартномага ҳамда ўқув юрти билан корхонанинг тузган шартномасига мувофиқ у ўша корхонага юборилмоғи лозим.

Йўлланма билан халқ хўжалигининг турли соҳаларига борган ёш мутахассислар албатта, меҳнат шартномаси тузмоқлари лозим. Шартноманинг асосий шартларидан бири — ишга қабул қилинаётган ёш мутахассисни корхона йўлланмада белгиланган мутахассислик ва лавозим бўйича иш билан таъминлашидир. Ёш мутахассис билан корхона ўртасидаги шартнома 2 ёки 3 йиллик муддатга тузилади. Бу ёш мутахассиснинг 3 йил мобайнида ўз хоҳишига мувофиқ ишдан бўшаб кетиш ҳуқуқига эга эмаслигини билдиради. Ўз навбатида корхона ҳам уни шу муддат ичида «малакаси етарли бўлмагани учун» деган асос билан ишдан бўшата олмайди. Шунингдек, ёш мутахассислар бу 2—3 йил мобайнида аттестациядан ўтказилмайди. Агар ёш мутахассис бошқа жойга ишга юборилса, унга компенсацион тўловлар тўланади, юборилган корхона томонидан уй-жой билан таъминланади. Бу эса меҳнат шартномасининг қўшимча шарт ҳисобланади. Агар корхона ўзининг турар-жой фондига эга бўлмаса, у ҳолда ёш мутахассислар халқ депутатлари маҳаллий кенгашлари томонидан турар-жой билан таъминланмоқлари лозим.

Хуришда БУРҲОНХУЖАЕВА,  
Тошкент фармацевтика институтининг катта ўқитувчиси.

Биз энди ҳақиқат қарор топди деб суюнган эдик. Афсус...

Ленинград архивидан ҳужжатлар келгач отамга нафақа тўғрилайман деб 5 ой югурдим. Қашқадарё вилоят ижтимоий таъминот бошқармаси шаҳарникига, шаҳар таъминот бўлими ВТЭЖка югуртиравериб, отам иккаламизнинг тинка-мадоримизни қурипти. 87 ёшли чол бу сарсон-саргардончиликка чидаёлмай, бир тийин ҳам нафақа ололмай, 12 июль кун бу ҳақиқат йўқ жамиятдан, дунёдан кўз юмдилар».

Бу мактуб изоҳга муҳтож. Биз Қашқадарё вилоят ҳамда Қарши шаҳри ижтимоий таъминот бўлимида ўтирган бюрократ кимсаларга нисбатан жумҳурият ижтимоий таъминот вазирлиги ушбу фожиали ҳодиса юзасидан тегишли чора-тадбирлар белгилашини истаб қоламиз.

Дарвоқе, Обида момонинг мактуби юзасидан «Еш куч» қилган ишларга келсак. Момонинг мактуби олинган заҳоти Самарқанд вилояти комсомол қўмитасининг саркотиби Бекзод Зокиров орқали Нарпай ноҳия партия қўмитасининг саркотибига етказилди. Момонинг арзини жумҳурият ижтимоий таъминот вазирлиги ўртоқ С. Хўжаевага ҳам етказди. Момога нафақа тайинлаш муаммоси энди ижобий ҳал бўлишига шубҳа йўқ. Лекин жумҳуриятимизда ҳали оддий ҳақ-ҳуқуқни тиклай олмайётган қанча Обида момолар, ҳаётдан армон билан кетган, кетаётган Шукрулло отахонларимиз бору...

Эътибор берган бўлсангизлар, бозор иқтисодиёти ҳаётимизга ўзининг салбий таъсирини яққол кўрсата бошлагач, шаҳар-қишлоқларимизда қўлини йўловчиларга чўзган қариларимиз-онахон-отахонларимиз кескин кўпайди. Агар бозор иқтисодиёти биратўла ўтилса, уларнинг аҳволи нима кечади? Бунинг ким йўлайди?..

Редакциямизга кечагина келган мана бу мактубни Фарғона вилояти Киров туманидаги «СССР 50 йиллиги» давлат хўжалигидаги Қияли қишлоғи аҳолиси йўллаган. (Жами 12 имзо).

«Дардимизни бир неча бор қишлоқ Шўро-си, ҳарбий комиссариат, ҳукумат идораларига айтиб чарчадик. Ҳеч қайсиси қулоқ солмади. Қишлоғимизда Улуғ Ватан уруши фахрий (ветеран)лари, ўз йигитлик бурчини Афғонистонда ўтаган йигитлар кўп. Лекин уларга ҳеч қандай шароит йўқ. Табаррук отахонларимизнинг нафақаси ўз вақтида берилмайди. Ҳолбуки, улар орасида боқувчиси йўқ, тирикчилиги ёлғиз нафақа пулига қараб қолганлари бор. Чол-кампирилар хасталаниб қолса, инқиллаб-синқиллаб 25 чақирим наридаги район касалхонасига бориши керак, автобусда бир кун юриб. Шулардан баъзи-баъзида врачлар хабар олиб турса бўлмайди? Урушда қатнашган отахонларимизни ҳеч қурса бир — лоқал Ғалаба байрамида оғзаки табриклашса бўладику! Ветеранлар магазинига иссиқ, яхши кийим келса, магазиндаёқ қия бўлиб кетади. Илтимос, уларга ёрдам берсангизлар».

Жойларда қария отахон-онахонларимиз иззат-ҳурмат кўриш ўрнига оёқ ости қилинаётганлиги ҳақида куюниб битилган бундай мактублар афсуски, кам эмас. Биз юқоридаги шикоятни Киров тумани ижроия қўмитаси раисига йўллар эканмиз, ҳар биримиз, айниқса раҳбар лавозимларда ўтирган ўртоқларнинг табаррук ёшдаги ота-буваларимизга эътиборлироқ бўлишларини сўраб қоламиз.

Зеро, нуруний отахон-онахонларимизни хор қилган халқнинг келажаги ҳам шунга яраша бўлади.

Б. КАРИМ,  
хатлар ва шикоятлар бўлимининг мудир.

да босилиб чиққан. «87 ёшли чолнинг арзи» деб сарлавҳаланган ўша мактубда отахон уруш ногирони эканликлари, бир оёқдан яраланганлари, афсуски, 1966 йил Косон туманида учётдан чиқаётганларида ҳарбий билетлари йўқолганини маълум қилганлар.

«Ушандан буён бир тийин ҳам нафақа ололмайман. 1979 йили иккала кўзим ҳам ожиз бўлиб қолган. Ҳаттоки кўзим ожиз бўлиб қолгани вазидан ҳеч қандай моддий ёрдам ололмайман. Кампиримининг 61 сўм нафақасига кун кўряпмиз. Қаерга мурожаат қилмайлик, бари бефойда.

Урушга 1941 йили кетганман. Аввал Москва — Меткарино деган жойда хизмат қилдим. Москва орқали Сталинградга отлич разведкачи қаилиб жўнатилдим. Ворошиловград мудоғасида турганман. 1943 йил ёзида чап оёғимдан яраланиб Саратов вилоятидаги Энгельс шаҳар госпиталида ётдим. Орден ва медалларим жуда кўп. Масалан, «Жасорати учун» медалининг гувоҳнома-сининг номери — 360671».

Биз ўшанда мактубни жумҳурият ҳарбий комиссариатига йўллаб кўп ўтмай отахоннинг қизларидан қуйидаги қувончли мактубни олдик.

«Салом, мен учун энг улуғ бўлган редакция! Сизларга дил изҳоримни, ташаккуримни қай йўсинда изҳор қилишни билолмайман. Бугун мен сизлар орқали 20 йилдан буён излаётганим — ҳақиқатни топдим. Мунис дадагинамининг урушда бўлганликларини тасдиқловчи ҳужжат, сизларнинг ёрдамингиз билан Ленинград Ҳарбий медицина музейи архивидан келди. Унда дадамнинг чиндан урушда бўлганликлари, госпиталда даволанганликлари — ҳамма-ҳаммаси тасдиқланди. Дадамнинг иккита ожиз кўзларидан мен умуман кўрмаган ёшлар оқди. Бу — севинч, армон ёшлари эди. Падари буз-

## Деганда бобо

руковоримнинг бу кўз ёшлари гўдакнинг кўз ёшларига ўхшаш покиза эди. Ахир дадам урушда оёқларидан яраланганликлари учун ёхуд кўзлари ожиз бўлиб қолганликлари учун эмас, йўқ-йўқ, ўз қадрлари учун йўлаётгандилар-да. Кеч бўлса ҳам ҳақиқат қарор топди. Сизларга катта раҳмат, беминнат ёрдамларинг туфайли биз ва бизга ўхшаган ҳақиқат кетидан қувиб, қанчадан-қанча тўсиқларга тўқнашиб, кўпларнинг кўнглида армон бўлиб кетаётган муаммоларни юзага чиқараяпсизлар. Отам ҳам туну кун сизларни дуо қилаяптилар, минг раҳмат сизларга.

Назира МАЖИДОВА,  
Қарши шаҳри, Авангард кўчаси, 14-уй.

Бу мактубни биз қилаётган ишимизни кўз-кўзлаш учун ёритаётганимиз йўқ. Агар мақтанниш ниятида бўлганимизда уни мактуб келган пайтида — 1989 йилнинг ёзида эълон қилган бўлар эдик. Гап тагида гап бор. Мавриди келгани учунгина уни ёритишга мажбур бўлдик. Негаки, юқоридаги қувончли мактубдан сўнг, орадан 6 ойлар чамаси ўтгач, Назира опадан қуйидаги фожеъ хатни олдик.

«Салом, «Еш куч» журнали ходимлари! Мен сизларга уруш ногирони отам Шукрулло Мажидов номидан мактуб йўллаган эдим. Сизларнинг ёрдамингиз билан 20 йиллик ечилмаган муаммо ҳал бўлиб, дадамнинг урушда бўлганликларини тасдиқловчи ҳужжат топилган эди.



# АДАБИЁТ-ЖАМИАТНИНГ РУҲИЙ ҲОЛАТИ

Атоқли адиб, Ҳамза номидаги ЎзССЖ Давлат мукофоти соҳиби Асқад Мухтор билан суҳбат



— Ҳурматли Асқад ака, аввало суҳбатимизнинг мавзунини белгилаб олсак...

— Суҳбатимиз «Еш куч» журнали учун бўладиган бўлса, мавзу танлаш ҳақида бир гап айтмоқчиман. Кейинги вақтда иқтисодиёт, ислохотлар, адлия, хўжалик бошқарш каби мураккаб мавзулар ҳақида ҳам бу соҳаларнинг мутахассиси бўлмаган одамлар шунчаки мухбирчилик савиясида кўпгина ғайри-илмий фикрларни дадил-дадил айтмоқдалар. Менимча, бу тўғри эмас. Ҳар ким ўзи чуқур билган соҳасида ишлаши, ўзи чуқур билган, билими, тажрибаси бўлган соҳада дадиллик қилиш керак. Кўп муҳим махсус соҳаларда тасодифий одамларнинг ўтириши, гап уриши олдинги йилларимизнинг оғир касаллиги эди. Эндиликда бунга чек қўйиш учун имкон туғилляпти. Мутахассислар, усталар замони келаяпти. Аслида усталар бу дунёнинг устунларидир. Мен шу жумлани бир ҳикоямга эпиграф қилиб ҳам олган эдим. Халқ айтган-ку: «Чумчуқ сўйса ҳам...»

«Еш куч»ни касб-кор танлаётган ўсмирлар севиб ўқишади, улар учун ихтисос ҳақидаги гап жуда муҳим. Сиз билан биз, Маликжон, ҳар ҳолда адабиётчилармиз, бадий ижод масалалари бизга яқин, шунинг учун, ўзимиз чаламулла бўлган соҳаларга бош суқмасдан...

— Гапингиз тўғри, мен ҳам шундай ҳаёл билан

келган эдим. Ҳозир адабиётда ҳам, худди бутун ҳаётимиздагидек, гоят мураккаб масалалар кўп. Сизни ҳам оғир ўйга толдирган муаммолар бордир.

— Бўлганда қандай! «Литературная газета»да чиққан мақолаларга қараганда баъзи бир гуруҳлар бутун совет адабиётининг азасини тутишаяпти. Сиз ўйга толишни айтасиз, юрак гоҳо бўм-бўш... Мен етмишга кирдим, адабиёт соҳасига қадам қўйганимга эллик йилдан ошяпти. Наҳотки, мамлакатимиздаги менга ўхшаган ўн минглаб ёзувчи етмиш йил ичида тилга олгулик бирон қадрият яратмаган бўлса? Менинг фикримча, маданият соҳасида, шу жумладан адабиётда ҳам олдинги қадриятларни тамом инкор этувчи кескин инқилоб яшашга уриниш ғайри табиийдир. Маданият тадрижий, яъни эволюцион йўл билан ривожланади. Ундаги бутун тарихий қадрият барча ўтмиш бойликларини бирдан, революцион йўл билан йўқ қилиб, йўқ ердан барини бошқатдан бошлаш — хом ҳаёл. Ҳамма соҳада инқилоб бўлиши мумкин, лекин маданиятда, адабиётда эмас. Биз Октябрдан кейин пролеткульт деган ваҳшийликларни кўрганмиз. Хитойдаги «маданий инқилоб» деган фожиани ўз кўзимиз билан кўрдик, уларнинг хунук оқибатлари маълум. Мен аминманки, анъана ва давомийлик бошқа соҳаларда узилсада, маданиятда, адабиётда узилиши мумкин эмас. Бу соҳада ҳар қандай тараққиёт яхши-ёмон анъаналарни ҳисобга олади. Ҳар қандай зим-зиё асарларда ҳам маданият ўз уруғларини сочиб қолдирган. Кейинги давомийлик шу уруғларда жон сақлайди. Дейлик, бугдой уруғлиги қандай бўлса ҳам уни тамом ёндириб ташлаб, сўнгра янги уруғлик кашф этиб бўлмайди-ку. Билмадим тагин, балки бўлар, балки шундай қилишмоқчидир. Лекин бунга менинг ақлим етмайди.

— Бу шунчаки хом ҳаёлгина эмас, балки сунъий хом ҳаёл.

— Тўғри тушундингиз. «Келинлар, бошқатдан бир адабиёт яратайлик!» дея енг шимариб столга ўтирган билан бир нарса чиқиши қийин. Шиор ё қарор билан адабиёт яратиш ё уни ривожлантириб бўлмаслигини тажрибада кўрдик. Адабиёт — ҳамма вақт жамиятнинг руҳий ҳолатидир.

Масалан, ҳозир адабиётда публицистик бўёқлар кучайди. Биров шундай бўлсин деб шиор ташлагани йўқ, бу ҳақда қарор ҳам қабул қилинмаган. Бу ҳали айтганимдай жамиятнинг руҳий ҳолати. Ҳозирги кескин, исёнкор, тезкор, сермуаммо жамиятимизнинг ҳолати.

Бунини мен яхши ёки ёмон деяётганим йўқ. Бу реаллик: жамиятимиз қандай бўлса адабиётимиз ҳам шундай.

Аммо, назаримда, катта маънодаги адабиёт публицистика билан қаноатланиши мумкин эмас. Тўғри, публицистикани адабиётга ёт нарса деб бўлмайди, адабиётнинг публицистик руҳи озми-кўпми даражада ҳаммиша яшаб келган, аммо адабиёт публицистикада эмас, публицистика адабиётда яшаши керак.

Яна айтиш зарурки, чинакам катта адабиёт даврга ҳам тамоман бўйсунмайди, у билан баҳслашади, ўзаро таъсирга киришади, гоҳ енгади, ўзиб кетади. XIX аср рус адабиёти, ёки Навоий давридаги ўзбек адабиёти — бунинг исботидир.

— «Янги адабиёт» яратувчи инқилобчилар ижодни мафкурадан, гождан холи қилиш ҳақида гапиришляпти.

— Ҳа, «деидеологизация» деган сўз чиққан. Иқтисодиётда, компьютерлашда, хўжалик соҳасида, ё кўпгина табиий ва аниқ фанларда бу мумкиндир. Аммо ижод руҳий, маънавий соҳа. Қаранг, ҳатто қабристонда ҳам сағаналарда гоҳ ой билан юлдуз, гоҳ юлдузнинг ўзини кўрасиз. Ахир биз ҳали тирикмиз. Инсоний қадриятлар — ижоднинг асосий мафкураси эмасми? Гоҳисизлик ҳам ўзига яраша утопия. Бир мафкура йўқолса ўрнини бошқаси эгаллайди. Адабиётда мафкурага қарши курашувчилар ҳам маслаксиз эмас. Аммо у қандай маслак? Бу саволга чап бериб бўлмайди.

— Унда ёзувчилар уюшмасини гоҳвий ташкилот деб биллишимиз керакми!

— Йўқ. Ёзувчилар уюшмаси ижодий ташкилот. Уни биз умуминсоний қадриятларга зид келмайдиган барча маслакдаги ёзувчилар ва ижодкор гуруҳларнинг уюшмасига айлантиришимиз керак. Ҳозир мамлакат Ёзувчилар уюшмасининг декларацияси тайёрланаяпти. Москвада жиддий олишувлар билан ўтган кейинги пленумимизда бу декларациянинг қондалари ҳақида келишдик: Марказий уюшма кўпмиллатли адабиётчиларнинг федератив ёки конфедератив уюшмаси бўладики, унда барча миллий адабий уюшмаларга ҳар жиҳатдан тўла мустақиллик берилади.

Ёзувчилар уюшмасига аъзо бўлганимга ярим аср бўляпти. Уни тамом тарқатиб юборишга қаратилган баъзи ҳаракатларга қаршиман. Чунки у ўз уйимдай бўлиб қолган. Аммо унинг ташкилий тузилиши, иш услуби эскиб қолганига анча бўлди. Бу ҳақда йигинларда кўп марта фикр билдирганман. Аввало уюшмамизнинг вазиралик ва нозирлик маҳкамаларига ўхшаш қиёфасидан, эскича ташкилий тузилишдан воз кечишимиз лозим. Бу бошқарувчи ё раҳбар идора эмас, (ёзувчи раҳбарлиқнинг зарурати йўқ) ижодий суҳбатдошларнинг файзли масканига айланиши керак. Унга кабинету қабулхона расмиятлари, узундан-узоқ мажлису докладлар шартмас, бир-бирини қадрайдиган, бир-бирининг фикру-маслагини ҳурмат қиладиган, бир-бирини ҳимоя этадиган ижодкорлар гурунгига раис ё котиб ўрнида илҳом бош бўлса деб орзу қиламан. Дилимизда касбдошлар билан ўртоқлашадиган оғир, дардли ўйлар, ижодий режалар, зиддиятли фикрлар тўлиб ётибди, хоналардаги файз, гиламу юмшоқ курсилар, бир пиёла чой, иноқлик ва самимият бу фикрларнинг қайнаб чиқишига ёрдам берарди... Ёзувчи учун соғлом муҳит ва яхши кайфият — энг муҳим нарсалар.

— Асқад ака, юқорида «Литературная газета»ни

## НАВРЎЗ ПАЙШАНБАГА ТЎҒРИ КЕЛСА...

Асрлар оша бизгача етиб келган қўлёзма ва кейинчалик ихтиро қилинган тошбосма услубида битилган китоблар биз учун битмас-туганмас илм манбаидир.

Сизларга ҳавола қилинадиган маълумот Ўзбекистон Фанлар академиясининг Ҳ. С. Сулаймонов номидаги Қўлёзмалар институтининг қўлёзмалар ва тошбосма китобидан олинган. Унда ажодларимизнинг ҳаётий тажриба ва кузатувчанлиги ўз аксини топган.

### Солнома баёнидур

**И**бн Тармиз ривоят қилурларким, агар наврўзи олам якшанба кунини бўлса офтобга тааллуқдур. Ул йили кенгишлик бўлғай. Асло сифатга рост қилмағай. Неъматлар бисёр бўлғай. Хуштуюрлар жумласи ожиз, мур бисёр бўлғай. Халқ орасида муҳолифчилик бўлғай. Халойиқни насибаси васию (кенг)

хушҳоллик бўлғай. Аммо зироатнинг кўпи хўб бўлғай. Аммо бу йилда фойда хўб бўлғай ва лекин халойиқ орасида вабо бўлғай. Валлоху аълам билсабоб.

**А**гар наврўзи олам душанба кунини бўлса, қамарга тааллуқдур. Ул йилда ҳам неъмат бисёр кўп бўлғай, қору ёмғур кўп бўлғай. Бу йилда заифларнинг аҳволи хўб бўлғай. Аммо катталарки ва мансабдорларки, улар бисёр мансаблик бўлғайлар. Ва зироатлар миёна бўлғай. Зироатларга офат тушғай. Аммо тоғларни зироати хўб бўлғай. Аммо кунжу-



тилга олдинги. Кейинги пленумларингда бу ҳафталикнинг тақдирин ҳам муҳокама қилинди чоғи!

— Ҳа, бу жуда катта жанжалга сабаб бўлапти. Иш судлашишгача бориб етди. Бу ҳафталик матбуот ҳақидаги қонуннинг чала-чулпалигидан фойдаланиб, ўзини Ёзувчилар уюшмасидан, адабий жамоатчиликдан четга олмоқда. Ҳафталик жамоаси қинғир йўллар топиб, бу нашрни ўз тасарруфига ўтказиб олди. «Озодмиз» деб эълон қилди. Ёзувчилар нашрининг ёзувчилардан «озод» бўлиши қизиқ. Ҳафталикнинг неча ўн йиллардан бери неча минглаб ёзувчилар кучи билан орттирган нуфузи, обрўси, номи, бойлиги бирданга бир неча ўн кишининг шахсий мулки деб эълон қилинса бутун мамлакат ёзувчиларига алам қилмайди? Бунинг устига Бутуниттифоқ ҳафталиги биргина жумҳуриятнинг нашрига айланиб қоляпти, чунки уни Иттифоқ матбуот кўмитаси эмас, Россия маҳкамаларидан бири рўйхатга олган. Бошқа жумҳуриятлар, бошқа ўнлаб миллий адабиётлар гўё йўқ. Биз, табиийки, буни ўзимизни камситиш деб қабул қилдик ва фикримизни қатъий айтдик. Иттифоқ ёзувчиларининг бирдан-бир газетаси бегона қўлга ўтиб кетмаслиги керак. «Бегона» деганимки, ҳафталик муҳаррирлари ҳозир чет эл матбуот қироллари билан боғланиб, пулдор шерик қидиришмоқда. Албатта, ҳафталикнинг ҳозирги жамоаси ва бошлиқларини ҳурмат қиламиз, уларнинг бозор иқтисодиёти даврида мустақилликка интилишини ҳам тушунамиз. Аммо улар абадий эмас, бориб-бориб ҳафталик ёмон одамлар қўлига тушса, ундан бизни ким ҳимоя қилади? Йўқ, ҳафталик ёзувчилар Уюшмаси қўйнида қолиши зарур!

— Адабий масалалардан сал четга чиқиб, журналистик фаолиятга яқин бир савол берсам: мактаб ислоҳоти, ёшлар тарбияси соҳасида ҳозир кўпчиликини бесаранжом қилаётган муаммолар кўп. Сизда қандай ўйлар бор!

— Бу соҳанинг адабиётга дахли йўқ, деб бўлмайди, мактаб билан адабиётнинг вазифаси бир. Иккаласи ҳам келажак учун ишлайди. Яқинда жумҳуриятимиз Президентини бир ҳикматли фикр айтди: агар биз ҳозир болалар тарбиясига маблағни аясак, кейин шу болалар катта бўлгач, уларни қайта тарбиялаш, йўлга солиш, жазолаш ва бошқа чоралар учун бир неча бор кўпроқ маблағ талаб қилиниши мумкин. Чиндан ҳам, русларда бир мақол бор: қурумсоқ икки қайта тўлайди, деган. Мактаб учун ҳозир ҳеч нарса аямаслик керак. Жумҳуриятимиздаги барча мактаб ўқитувчиларига янги имтиёзлар бериш тўғрисидаги фармон бу ишнинг яхши бошланиши, деб биламан.

Мактаб ислоҳотида адабиёт ўқитишга алоҳида эътибор берилишини истардим.

Биз инсон ҳақида, ҳаётнинг моҳияти, виждон, муҳаббат ҳақида ёзамиз. Бу янгилик эмас, дерсиз. Тўғри, бу кўпдан, бизгача ҳам маълум бўлган. Аммо, гап шундаки, бу тушунча ва фазилатларни янги авлодлар маънавиятига сингдириш осон иш эмас. Ҳар бир янги авлод, ҳар бир ўсмир, ҳар бир шахс ҳаёт моҳиятини, виждон ё меҳр-муҳаббат каби юксак инсоний фазилатларни ўзлаштириши учун барини бошидан кечириши керак. Бу жиҳатдан адабиёт ўсмирларга ҳаёт тажрибасидан олдинроқ ёрдамга келади. Бола мустақил фикрлашга, атрофдаги воқеаларга ўз муносабатини, ўз нуқтаи назарини белгилаб, шахс бўлиб етишини интилиши зарур, бу ишда адабиётнинг энг таъсирчан ҳамроҳи бўла олади, фикрлаш, завқ ва дид ахлоқий меъёрларни, маънавий қадриятларни таниш, оруз-хаёл қила бишли фазилатларини ривожлантиради.

Ёзувчиликка ўргатиб бўлмайди, дейдилар. Бўлса бордир, лекин адабиёт муаллими барибир шунга интилиши, ҳар бир боладаги ижодий завқ булоқ-

ларининг кўзини очишга ҳаракат қилиши керак. Уларнинг ҳар бирдан ёзувчи ё шоир чиқиши шарт эмас. Бошланғич мактабда ўқиганимда Гулсум опа деган муаллимимиз бизга ғалати-ғалати «адабий-ижодий» вазифалар берарди. Шулардан бири эсимда: Масалан, бир телеграммадаги «Ботаника боғи» деган гап эгасига «Ботаника боғи» бўлиб янглиш етиб келган. Шундан нима воқеа келиб чиқиши мумкин?

Ҳар биримиз шу тугундан воқеа тўқир эдик. 45 минутда ўттиздан ортиқ қизиқ-қизиқ сюжетлар пайдо бўларди... Муҳими, дарс программа ва дарслик расмийларидан қўтилиб, қизиқ ижодий гуруннга айланарди. Мустақил ўйлаш, фикрни ифодалаш, «ижодий» мусобақа, муаллимнинг биз билан тенгма-тенг гаплашиши, кулсак кулиб, олишсак олишиши — булар бари шахс сифатларини тарбияларди.

Мактабни, дарс ўқитишни расмий исканжаларидан холи қилиш ҳақида кўп ўйлайман. Бунинг учун, менимча, аввало шахслар керак. Мураббий шахслар. Фақат уларгина ўз ўқувчиларидан шахслар етиштириши мумкин.

— Асқад ака, тил масаласи ҳам адабий муаммолардан бири, нима дейсиз!

— Тилга алоқаси бўлмаган соҳа йўқ. Адабиёт эса... Горький домла уни «адабиётнинг қурилиш материали» деб, назаримда, бироз камситганлар. Тил халқнинг бебаҳо ва беназир мулки. Адабиётнинг маънавий моҳияти тилда.

Сўнги йилларда китобхонларимиз бундай каммайиб, тилимиз бундай қашшоқлашиб бораверса, биз ёзувчиларнинг келажиги нима бўлади, деб таҳликага тушиб қолган эдик. Шунинг учун она тилимиз ҳуқуқлари ҳақидаги тарихий фармон (ҳа, тарихий!) биз учун бахтли тақдир ҳужжати бўлди. Миллий тилимизнинг азалий бойликларини тиклаш имкониятлари туғилди. Ҳозир бесабаб унутиб юборилган сўз ва атамалар жойига қайтиб, тилимизга миллий фойза бағишламоқда: жумҳурият, вилоят, кенгаш, рўзнома, муаллиф... бари табиий, бари осонгина қайта ўзлашяпти. Аммо бу жараёни илмий асосда бошқариш, астойдил кузатиб бориш керакка ўхшайди. Акс ҳолда, тилни яна унинг табиғати бегона, ясама, ёт, сунъий сўзлар билан булғаш хавфи туғилади. Тилни ўз хазиналари ҳисобига бойитиш зарур. Бунда классик адабиёт, халқ ижоди, тилиннг четлатилган ва унутилган ўз бойликлари, кўп сонли шева-лар катта ёрдам бериши мумкин.

Ҳозирги жараёнда бирдамлик ва илмийлик етишмаяпти. Бир неча мисол: кенгаш сўзи ўз ўрнида жуда табиий — вазирлар кенгаши, ижодий кенгаш, бадий кенгаш... Аммо кенгаш мамлақати, кенгаш паспорти, кенгаш ёзувчиси, кенгаш фуқароси деб бўлмайди. Чунки бу ўринларда «совет» Ленин таълимотида кашф этилган янги ҳоқимият шаклини билдирадими, бу бошқа мамлакатларда йўқ. Бу «совет» барча тилларда совет деб аталади. Фуқаро сўзи ҳам ноқулай. Биринчидан, унинг маъноси — «камбағал», амин-мизки, камбағаллик бизнинг пешонамизга ёзилмаган бўлса керак. Иккинчидан, арабчада бу кўплик (бирлиги «фақир»), биз эса фуқаролар дея қўллаб, билган одамнинг кулгисига қолаямиз. Мен бу сўз ўрнига ўзимизнинг оддийгина «юртдошлар» сўзини таклиф этардим. Тайёра сўзи ўзлашмоқда. Аммо шундан чиққан «Тайёрагоҳ» тилшунослик жиҳатидан нотўғри. Тайр — қуш, учмоқ; тайёра — самолёт. Шу қатордаги сўзлардан сайр ва сайёра бор. Сайроғоҳ ҳам шундан чиққан. Демак, аэродромни «тайроғоҳ» десак табиий ва тўғри бўлади.

«Рўзнома» ўзлашяпти. Чунки бу ўзимизда асли бор сўз. Шунга мослаб ҳафтанома, ойнома деган сўзлар чиқаяптики, бу, менимча, сунъий сўз тўқишдир. Рўзномада кундалик воқеалар ёзилади, шунинг учун «рўзнома» — тушунарли. Журналда эса ойлик

воқеалар ёзилмайди. Эски адабиётимизда журналнинг унутилган номи бор: мажалла. Бу сўз тилимиз табиғати ҳам мос, маъноси ҳам тўғри.

Ноҳия сўзи ҳам на адабиётимизда, на халқда, на бирон шевада бор. «Район»нинг маъносини ҳам бермайди. Бу маънони ўзимизда асли бор «туман», «депара» каби сўзлар қаторидан қидириш керак. «Муҳарририят» деган қийин, ғайри табиий, ғайри илмий сўз қўлланиляпти. Уни ҳам таҳрир бўлими, таҳрирхона каби оддий сўзлар билан ифодалаш мумкин.

Бу хилдаги мисоллар жуда кўп. Қисқаси тилшунослар, адабиётчилар, халқ билан яқиндан кенгашиб ишласалар тил бойликларини тиклаш жараёни тўғри изга тушади, деб ўйлайман.

— Анъанага мувофиқ, сўз охирида «Еш куч» муштарийларига ўз ижодий ишларингиз ҳақида ҳам айтсангиз.

— Ҳар жиҳатдан оғир келган бу йили ҳам, шукр, иш суръатим пасайгани йўқ. Москвада икки китобим чиқди, улар янги асарлар эмас, аммо кўпларининг рус тилида биринчи чиқиши. Ўзимизда янги қиссам, яна пьесалар тўпламини нашр этилди. Қиссанинг таржимасини эълон қилдим. Болаларга ёзилган икки китоб (кўпи қайта нашр) чиқди. Ҳозир янги шеърларимнинг каттагина тўплами нашрдан чиқаётир. «Чодирхаёл» деган янги ҳикоялар тўпламининг тайёрлаяпман. Оғир, ўйчан шеърий туркумлар туғилмоқда. Уларнинг қандай руҳдалигини тасаввур этиш учун бир намуна ўқиб берай:

Йўқ, у зарб йўқолмас,  
Аввал шарку ғарб  
Учар у бамисли мажруҳ қарчиғай.  
Абадият саҳросига синган томчидай  
Изсиз, сассиз йўқолмас у зарб.

Уни эшитар Ерда одамлар.  
Қанотлари синиб гар тушса ногоҳ,  
Жилла,  
Болаликнинг есир, бегуноҳ  
Сўқмоқлари бўйлаб қадамлар.

Изсиз, сассиз йўқолмас, йўқ, йўқ.  
Бу ишонч — ечим чигалларимнинг.  
Меҳрим татиб ўсган жигарларимнинг  
Кўксига санчилар бу зарб мисли ўқ.

Космоснинг қоп-қора сукутида, ажаб,  
Бундай ҳалқа тўлқинлар сон-минг...  
Жилла бир сатримга кўзи тушганларнинг  
Кўнгил родарлари уни тутажак.

Балки қонундир у, ё машъум хато  
Дақиқанинг юздан бир бўлагига.  
Лекин мен биламан,  
дўстлар юрагига  
Момоқалдиқроқдай берар акс-садо.  
Агар тунда бўлса,  
тонг сал ушланар

Уфқлардан жиндай нарида.  
Юртимнинг поёнсиз кенгликларига  
Буюк жимлик, балки, аста сесканар.  
Киприкдан қулаган бир томчи каби  
Зайф бўлса ҳамки,  
Эпик бўлса ҳамки эшиклар,  
Эшитилар,

эшитилар,  
эшитилар  
Юрагимнинг энг сўнги зарби...

— Сизни толиқтирдим, Асқад ака. Сўхбатингиз ва шеърингиз учун раҳмат.  
— Саломат бўлинг.

Сўхбатдош: Маликжон БОБОРАҲИМОВ.

унгай. Аммо бу йилда савдогарчиликдин манфаат кўп бўлғай. Валлоҳу аълам билсавоб.

**А**гар наврўзи олам сешанба кунин бўлса, бу йилда ҳам неъмат кўп бўлғай. Нарх-наволар арзон бўлғай. Гиёҳлар ҳам бисёр бўлғай. Аммо халойиқлар бир-бирларига бераҳм бўлғай. Уғулу қизларнинг орасида хусумат бўлғай. Зироатлар хўб бўлғай. Аммо бу йилда узум бисёр бўлғай. Заифаларнинг аҳволи танг бўлғай. Валлоҳу аълам билсавоб.

**А**гар наврўзи олам чоршанба кунин бўлса Аторудга тааллуқлидур. Ул йили хунрезлик бўлғай. Андак таом тотлиқ бўлғай. Аммо амирларнинг кори баттарроқ салоҳга келгай. Гўдак бисёр бўлғай. Илону чаён, жин — булар

бисёр бўлғай. Аммо ош, ловия, тариқ хўб бўлғай. Аммо халойиқлар орасида кўз оғриғи тўла бўлғай. Валлоҳу аълам билсавоб.

**А**гар наврўзи олам пайшанба кунин бўлса, Муштарийга тааллуқлидур. Ул йилда сипоҳларнинг аҳволи хўп бўлғай. Қору ёмғир, бисёр бўлғай. Подшоҳларнинг аҳволи танг бўлғай. Валлоҳу аълам билсавоб.

**А**гар наврўзи олам одина кунин бўлса Зухрога тааллуқлидур. Ул йилда арзону неъмат фироҳ бўлғай. Зироат кўп бўлғай. Кунжут миёна бўлғай. Сипоҳларнинг ҳоли заиф бўлғай. Фитнакорларнинг фитнаси корга қилгай. Аммо ботроқ (янаям) солоҳига (уруш) келгай. Қору ёмғир ёқгай. Аммо ҳақ

субхонаҳу ва таоло имони рўзи қилғай. Валлоҳу аълам билсавоб.

**А**гар наврўзи олам шанба кунин бўлса, Зуҳайлға тааллуқлидур. Ул кун ул йилда қахатлик бўлғай ва хуржга қирон бўлғай. Подшоҳлар орасида хунрезлик бўлғай. Зироат хўп бўлғай. Фосиқларнинг, ўғриларнинг аҳволи танг бўлғай. Қиши кўп бўлғай.

Маълумингизким, бу йил наврўзи олам пайшанба кунига тўғри келди.



Тайёрловчи Бахтиёр ТОИРОВ.



**Ж**умхурийят ёш ижодкорларининг VI кенгашига йиғилган несиралар ижодида жуда қизиқ бир ҳолат кузатилди: бурунги кенгашлардан фарқли ўлароқ, бу сафар ёзиш йўсини — воқеликни ўзига хос баъдий идрок этувчи хилма-хил тоифадаги каламкашлар шаклланаётгани аққол кўзга ташланди. Номлари зикр этилишга лойиқ қатор ижодкорлар бўлса-да, биз кўзд машаққатини зиммасига олган йигит-қизларинизга омадлар тилаб қўйида бири-бирига ўхшамасган уч йўналишдаги ҳикояларни «Ёш куч»га тавсия этишни лозим топдик. «Ёмғир ёққан тунда» хийла анъанавий ҳикоячиликнинг давоми бўлса, «Ўқиган қалла»да аниқли 30-йиллар воқеаси аччиқ кулги орқали, бунинг устига соф маҳаллий шева воситасида баён этилади. Терминалик В. Туреуповнинг машқлари эса мутлақо янги ёки ўзгача. Бу ўринда ҳикояларнинг ютуқ-камчиликлари ҳусусида атай тўхтамадик. Яхши-си, уларни ўқиб, ўрганиш ва баҳолаш ўқувчиларнинг ўзлари-га ҳавола.

## ЁМҒИР ЁҚҚАН ТУНДА

(ҲИКОЯ)

Эмин УСМОН.

**В**оқеа бундан бир йил муқаддам бўлганди. Билиб туриб қилган ўша номаъқулчилигим ёдимга тушса, суяк-суягимгача зиркираб кетади. Ушанда тўртинчи синфни тугатиб, таътилга чиққандим. Маҳалламиздаги болалар эртадан кечгача қишлоқ ортидаги қамишзорда ўзларига най ёки ёй учун ўқ ясашди. Албатта, улар ичида мен ҳам борман. Ейим учун ўқ ясаш жону дилим, кимсан Абдуҳалил мерганнинг неварасиман-да! Хуллас, эрта-лабки нонуштадан сўнг уйдан чиқиб, тушликда бир келиб-келмай, кечкурун қулоққача чангга ботиб ортага қайтардим. Бунинг учун мени уйда ҳеч ким уришмасди. Дадамнинг айтишларича, ҳеч кимни хафа қилмасам, ҳеч ким билан жанжаллашмасам бўлгани эди.

«Ёш бола ҳеч қачон хафа бўлмаслиги керак (ҳатто ноҳақ бўлса ҳам), аммо у ўзидан каттани ранжитмаслиги шарт» — бу гапни деворбир қўшнимиз Мирза бобо айтган. Чангга ботсам ҳам, бетим тирналса ҳам, тинчгина ўйнаб юргандим. Ҳамма гап Тошкентда яшайдиган Назокат холамнинг ўгли Қаҳрамон бизларникига меҳмон бўлиб келгандан кейин бошланди. Уларга маза. Шаҳарнинг машина энг кўп юрадиган кўчаларидан бирида тўққизинчи қаватда яшади. Уйларига кишки таътилда борганман. Эшиklarининг остигача лифт олиб бориб қўяди. Шаҳарда тугилмаганманда, бўлмаса эртадан-кечгача лифтда сайр қилардим. Менимча шаҳарда яшаш яхши. Хоҳлаганча музқаймоқ ейиш, газли сув ичиш мумкин. Қаҳрамон бўлса қишлоқда туриш яхши дейди. Футбол ўйнаш учун кенг майдон, чўми-

лиш учун истаганча жой эмиш. Унинг қўл-бети қиз болаларнинг юз-қўлини эслатарди. Оппоқ, Унинг қизиқ феъли бор. У қишлоқдаги ҳар бир нарсасига ҳайрат, қизиқиш, энтиқиш билан қарайди. Назаримда унинг учун ҳамма нарсаси чиройли, эртақлардагидек. Бонимиз тўридаги бир текисда ўсган, бўйлари йигирма метрлар келадиган теракларни кўриб, «қалъа деворларига ўхшар экан» деганди. Биз роса кулдик. Биз — бу қўшнимизнинг ўгли Меливой, жўрабонимиз Акбар, Файзулла муаллимнинг ўгли Жўравои ва соҳига ёғ суртиб, ялтиратиб юрадиган Худойкул сарик. Кулишимизга сабаб теракларни «қалъа деворларига» ўхшатиш биз учун жуда эриш туюлганди.

Бизларнинг энг яхши кўрган ўйинимиз — дарахт шохида қувалаш ўйнаш. Бу ўйинни Акбар Қўқонга — аммасиникига борганда ўрганиб келган. Марра жойимиз — Каттаҳовуздаги толзор. Бу ўйинимиз ҳар куни нари борса икки соат давом этарди. Шу икки соат ичида ҳам ҳаммамиз чарчаб қолардик. Шохдан-шоҳга маймундек осилиб юриш осонми? Қаҳрамон бўлса ўйинимизга қўшилмайди, ўзича-ўзи қўшиқ айтиб юраверади. Бизлардан хурсанд ҳам, хафа ҳам эмасди. Уша куни ўйинимиз тез тугади. Сабаб — Акбар шохдан йиқилиб қўли синди. Шу кунийек уни касалхонага кузатдик. Кета туриб у мени вақтинча жўрабоши этиб тайинлади. Энди мен жўрабоши! Жўрабоши бўлиш зўр-да! Ҳеч ким сенга иш буюрмайди.

Шу воқеадан сўнг бу ўйинни бас қилдик. Навбат чиллака етганди. Бу ўйинда Қаҳрамон бизга қўшиларди-ю, шумлигидан бўлса керак, зувулаш ҳеч чекига тушмасди. Албатта, бу ҳолат ҳаммамизга алам қиларди. Нима бўлди-ю, чек унга тушди. Зувулаш масофасини Меливой белгилайдиган бўлди. Урган чилчўпи қўшнимиз Раҳмонқул амакининг дарвозаси олдида бориб тушди. Дарвоза олдида бўйи бир метрдан зиёд келадиган ит — Оқтўш ётарди. (Тўши оппоқ бўлгани учун шундай деб атардик.) Қаҳрамон Оқтўш тугул Ҳалил бобонинг мушукдек келадиган тозисидан ҳам кўрқади. У итни кўриб зувулашни ҳам унутганди. Ранги оқариб кетди. Гапирмади ҳам. Аста-

аста уйимиз томон кета бошлади.

— Қўрқоқсан, йигит киши бундай бўлиши керакмас! — дедим, бир кун олдин магазинда икки маст уришган пайтида эшитган гапларимни такрорлаб. Кейин чоғроқ тошни икки қўллаб кўтарганча Оқтўш томон кетдим. Раҳмонқул амаки ҳозир чўлда пиёз экади. Эрта баҳорданоқ кўчиб, кеч кузда қайтади. Уйни қўриқлаб якка Оқтўшгина қолади. Ҳар ёз болалайди. Ҳаво иссиқ бўлгани учун у ҳар доим дарвоза олдида цементланган майдончада тўшини ерга бериб ётарди.

Тошни кўтарганча унга яқинлашдим. Шарпамни сезиб кўзини бир очиб, юмди. У менга ҳатто кечасим тегмасди. Орамизда ҳеч қанча масофа қолмади. Тошни унинг калласига ташладим. Қўлларим қалтирамадим. Худди бир-икки бу ишни қилиб юргандек ҳаммасини хотиржамлик билан бажардим. Кейин Оқтўшдан кўрқиб, мени кузатиб турган болаларга қўшилиб қочдим. Қочаянман-у, кўзимни ундан ололмасдим. У бошини ердан узолмай, судралганча дарвозадан ичкарига кириб кетди. Ортидан ақиллашиб кучукваччалари эргашди.

Жўраларим мени ўраб олишган, худди чемпионларга қарашгандек қарашади менга. Уша куни кечкурун Раҳмонқул амаки уйимизга келди. Қилган ишим тўғрисида дадамга айтибди. Бу гапларни синглим Дилбардан эшитдим. Лекин ўша кечкурун дадам менга ҳеч нима демасди. Эртасига тушга яқин меҳмонхонага чақирдилар. Укам ёки мени койиб қўймоқчи бўлсалар бу тадбир қўлланиларди. Катта хонада дадам ва мен. Урсалар керак, деб ўйлагандим, акси бўлиб чиқди. Узоқ гапирдилар. Бундан урганлари ҳам маъқул эди...

Эртаси куни мазам қочиб, аҳволим оғирлашди, танам ўт бўлиб ёнарди. Мени касалхонага элтишди. Эртаю кеч кўз ўнгимда ўша манзара. Бошини судраганча кетаётган Оқтўш ва пилдирашганча эргашган болалари... Орадан бир ҳафта ўтди. Мени кўргани касалхонага дадамга қўшилиб укам Собир ва Меливой келишди. Улар олдимда қолишди-ю, дадамни врач чақириб кетди. Шунда улардан Оқтўшнинг аҳволини сўрадим.

## ЖУМХУРИЯТ ЁШ ИШТИРОКЧИЛАРИ

Бу дунёнинг  
Бир чеккасида  
Қабрим ётар  
билмайди ҳеч ким.

Шу дунёнинг  
бир чеккасида  
Мени кўнган  
энг азиз кишим.

Улар чоғим видолашмаган  
амал қилган васиятимга.  
— Бир қиз бордир мен деб йиғлаган  
шу дунёнинг бир чеккасида!

### Манзара

Оғир туман кезинар жимжит  
Оғир туман ўхшар рўёга.  
Чор атрофда мизғийди сукут,  
Эси оғиб қолган дунёда.

### Истак

Кундуз бир ҳаловат бахш этса бизга,  
Тун — олов рангида товланса.  
Қўлимиз етолса осмонга,

Йўлимиз қуёшга боғланса —  
Биз ернинг баҳридан ўтардик, жоним...

Висол тўлиб оқса Ишқ ўзанида,  
Наволар дил пойин айласа тавоф.  
Юрак ўзлигидан кечган ониди,  
Руҳлар диёрига сайр этсак шитоб —  
Биз шеърнинг бағрига кетардик, жоним...

### Танглик

Мен дунёни асир қилмоқчи бўлдим,  
Уни асир қилиш — мушкул иш экан.

Мен дунёга асир бўлмоқчи бўлдим,  
Асирлари кўп экан унинг.

Мен кетмоқчи бўлдим дунёдан,  
Навбат тегмади...

Паҳлавон СОДИҚ.

### Куз япроқлари тўкилаётир

1  
Куз япроқлари тўкилаётир:  
— Анқонинг уруғи эмас-ку сабр.  
Вужуддаги шайтон исёнин бостир!..

Қабрда сабр қиларсан,  
Қиёматни кутиб...  
Куз япроқлари тўкилаётир...  
тўкилаётир...

II  
Куз япроқлари тўкилаётир:  
— Бу дунёнинг, дўстлар, сизда қасди бор.  
Қалбингизга андуҳ чўқадир,  
Бир кун биздек тўқадир!!  
Бир кун биздек тўқадир...  
Куз япроқлари тўкилаётир...  
тўкилаётир...

3  
Куз япроқлари тўкилаётир...  
Худди тўкилаётгандек  
Орамиздаги меҳр-оқибат!  
Куз япроқлари тўқилар...  
Куз япроқлари тўқилар...  
тўқилар...





— Улди, кўмиб келдик, — деди оддийгина қилиб укам. Меливой эса Оқтўшининг боши қай аҳволдалиги ҳақида жаврай кетди. Мен эса ҳеч нима эшитмасдим. Атрофимда тўрт-бешта ҳамширадар югуриб қолишганинигина эслайман, холос. Роппароса қирқ беш кун деганда касалхонадан чиқдим. Аммо ҳалиям кўк-рагимнинг чап томони ўқтин-ўқтин оғрийди. Касалхонадан мени дадам аравачали мотоциклларида қишлоққа олиб келдилар. Ундан тушарканман уйга ҳам кирмасдан тўғри Раҳмонкул амакиларниқига бордим. У киши уйда экан. Салом бергач, аввалига кечирим, сўнгра Оқтўшининг боласидан бирини беришларини сўрадим. Гап-сўзсиз рози бўлдилар. Кучукчани кўтарганча уйга келдим. Уйимизда укамнинг Сиртлони бўлса ҳам, менинг хошимга ҳеч ким қарши чиқмади. Унинг отини Йўлбарс қўйдим.

Ҳозирда дарсадан чиққанам заҳоти Йўлбарснинг ҳузурига чопаман. Барча егулигини ўз қўлим билан бераман. Кейин қора шомгача онасини билмай ўлдириб қўйганлигимни тушунтироқчи бўламан. У гоҳ ҳеч нима тушунини хохламагандек ағнаб мен билан ўйнашади. Гоҳ ҳамма гапларимга тушунгандек қаршимда бош эгиб тураверади. Ҳар доим кўзимга тик қараганида бир маънони уқаман: «Онам сендан буни кутмаганди!»

Охири чидаб туролмадим. Уни етаклаб қамишзорга бордим. Мен тиззалаб ўтирдим, у қаршимда чўнқайди. Тушунса-тушунмаса унга «энди ҳеч бундай иш қилмайман, ҳатто мени қақаетган пашшани ҳам ўлдирмайман» деб сўз бериб, кечирим сўрадим. Шундай қилмасам бўлмасди. Назаримда бу изтироб, бу дард мени кундан-кун елкамдан босиб ерга киргизаётгандек, бугун айтмасам эртага кеч, жуда кеч бўлаётгандек туюлаверарди.

...Иккаламиз қувалаш ўйнаганча ярим тунга яқин уйга келдик. Ёмғир ёғиши забтига олди. Кийим-бошларимнинг шалаббоси чиққан. Йўлбарснинг бели, қўймичидаги ёмғир излари хира ой ёруғида жилваланади. Назаримда, ёмғир ёққан ўша тунда гуноҳим кечирилган, мутлақ ювилган эди...

Баҳодир ҚОБУЛОВ.

## ОЙ ЎРТАДА МУҲОРАБА

**Т**ўрларнинг ширин тамшаниши. Одам. Вишиллаш. «Дагдага». Кўзингизни нам босибди. Тўрлар беварамжон. Тортанак алфоз яшайверибсиз. Осмоннинг пўпаги сизмидингиз? Момақаймоқ. Оғриқ хаёл туш кўрур. Тасаввур зиндон. Мен яшай оламан. Ғамгусор ночорлик. Дераза раҳида зардоб. Гулдон илон қафас. Фароғат алданиб туш кўрдим.

«Тўрлар сув ичар»  
«Мен пақирнинг тубида»



«Завол — дақиқам завол»  
Мушук фариштам. Оламан. Кўлман. Мен ўлгур хазонман. Фариштаман — мушук. Фароғат алданиб тушда яшайман. Сим-сиёҳ. Ёнаётган тирноқ — абас чўғлари тиловат уйғонган кўзгу. Пастқам тана. Мушарраф.

Тортанак ивир — чарчоқ тўрлар — чарчаш — чарчадим.

Осмон кулимсирар: «Ой ўртада муҳораба. Шапалак, кўнғир шапалак зардобни эмиздирган тун сен куёш эдинг, атиги миттигина куёш. Шу қафас, шу зиндон — шу эди, холос.

## ИККИ

Кулгу жаранглари. Мис табоқ томарди. Чак. Даҳшат хаёлотда тирноқ кирланарди. Кулгу йиғларди. Сен куёш эдинг егим. Эланавер...

Булбул тухум очган сахар шамол туғди — Уни. Табонида гул экдирган шафақ музлаб кетди — Мен сени ейман. Сўра — Мен саволман, де. Кулман, дей. Занжирбанд халослик, ишон, шу сенинг — Озодлигинг. Мен уни сотиб едим. Муҳаббат. Мен уни севаман.

Она, куннинг кўзи бунча узун. Она, ойдин мени нега алдар. Она бир сароб хонадон ясадим, осилиб қолдим, осилиб қолди-ку, у. Она, она менинг чарчаганим сиз эмас, йўқ, йўқ, йўқ, кўлмакка айланган зардоб — қуйилган, кўлкаланган, севилган. Она, мени севинг, севсин, сева олсин...

Мушук бешта туғди. Кўраверди. Тўртта. Кўра олди. Учта. Кўрса эди. Иккита. Даҳшат — иккита. У ола, бу була. Булажон, қўлларингни кўтарсанг мен сени олиб кетаман қаёққа. Осмонга-а... Мени қўлла, булажон, мени ўлдир, булажон, мени севдир, булажон, севдир...

Мен сени севмадим — Ола.  
Тиловат уйқаш — Узр. Ой ўртада муҳораба. Кўк дафтгар. Куфр лаънатлаган тавки лаънат куфр. Мен ўшаман. Ола, Кўр. Маҳал. Ғижимлаган эдим. Оламан. Ола.

## ИШҒОЛ

**С**ени соғинмасликни истайман.  
Тегирмон таъхир келди. Сийна қатқалоқ. Ишониш нуқтаси кадар сўроққа сарбасар ишонди. Биллур севги суралди. Майлими?

Майлими? Ҳайрон кадар. Осийдан осий, тавофдан тавоф — биз Ҳайрон эдик. Менингча ҳаммаси шабнамга ўхшаши керак. Менингча томчилар логарлашиши сўнг сўз сўраш керак. Ва умрлашиш. Тоблашни қарога истайман. Яшил. Чолдан чарос кўзни сеҳрлатиш сўрайман. Яшашни ўлдириш қандай ўлдирилади. Қандай тикилади ўзи бу пайпоқ. Кўрфаз лаънатланар. Сиққикликни афзал ундамоқдан чорамни йўқдан йўқлигини йўқлайман. Чол ичкиади.

## ҲИКОЯ

Судралиб келаверади. Қизини суяйди. Ягона. Қуши бор. Чол қалдирғочларни айвонга қамаб қўйди. Симоб ичирди. Ғимирлар оҳангларни қудуқда йўқлатди. Беҳишт кетишди қалдирғочлар. Кўриниш узилган моҳтоб жимирланар. Дайдининг пешонаси оғир кўсак. Юлдуз устунларни орқалаб кетди. Сени ўлдирмайман. Сен яшама. Киндигинг кўрғина сев. Шис. Кел, исинамиз. Дилдираш аҳволингми, ё. Намозшом эркалаш. Жияним-ей, жияним. До-о-о-о-одд. Чолнинг ҳайкали тирналар. Басира Ҳайрона. Сўқир ўлган шуур. Девонами чолнинг алласи. Жаранглар қобирғаси юлдуз бекиниш. Қулоғи кичкина одамман. Ириган чўпчак. Моҳрўй сумалаги сен кесган олов. Чол тебранар бешикда. Мен чайқалар бешикда. Чайқалар. Чолини-и-и-ибб кетди. Ҳайқириқ жамоли кенгайсин. Алхусус — сабр, тошқин ва лаънат.

Бахтиёр ТУРСУНОВ.

## ИЖОДКОРЛАРИНИНГ — VI КЕНГАШИ МЕҲМОНИМИЗ

Азизим, диёнатни сўрадингми?  
Бу саҳрога айланаётган боғнинг бир четида у  
Ўзини осиб қўйганига анча бўлди...

Жамолиддин МУСЛИМ.

Бўрилар, тулкилар, чайнлар,  
Буларнинг ҳаммаси одамлар,  
Фақат  
Ўлганларидан сўнг шу қиёфага кирганлар.  
Ҳозир сиз кўриб турган, бўридай ғажиб  
тортқилаётган, тулкидай авраётган,  
чайндек чақиб ғийбат қилаётганларнинг  
барчаси ўлганидан кейин ана шундай ўз  
қиёфасини топади.  
Улардан ҳазар қилинг  
Азиз одамлар!  
Менинг кунимга тушманг илоҳо!  
Кўнғилчанлик чегарасини унутиб  
қолманглар танҳо.

Худонинг йлчови ҳақиқий йлчов,  
Неча йил ўтса-да асло бузилмас.  
Еруғлик беради офтоб ҳам олов,  
Бири тез сўнади, бири ҳеч ўчмас!

Алихон ИБРОҲИМ.

Дарахтга илашган ойнинг сочлари,  
У сочларин ечиб оломай Ҳайрон.  
Тўсатдан шамолнинг тушиб назари,  
Кўмак бермоқликка шошилар шу он.

Шамол эпчилгина қўллари билан  
Ойнинг зар сочларин ечар бир пасда.  
Ой табассум ҳадя эгиб дафтган.  
Йўлига равона бўлади аста...

### Марварид

Денгиз тубидаги ўтлар остида  
Хира йилтирайди муштдек марварид.  
Балиқлар шошилиб ўтар устидан,  
Лойга қапиштириб ўтиб кетар кит.

Мовий денгиз узра жилмайганда кун,  
Бирор бир жонзот ҳам пайқамас уни.  
Бироқ денгиз узра чўкса қора тун,  
У ёрита бошлар денгиз тубини...

Маҳмуд ҒОФУР.

### Руҳим

Нигоҳларим олисларга бош қўяр,  
Судралади таниш — эзгу хаёллар.  
Умид яна қаноатга ёлворар,  
Гувоҳликка ўтар кесилган толлар...

Тўшалари дардчил аёл остига,  
Ҳасратлардан ёнаётган дала-туз.  
Руҳим менинг — Шаҳри Кешнинг даштига,  
Орзуларни кетмон билан кўмган қиз...

Нигоҳларим олисларга бош қўяр...

Моҳинисо КАМОЛОВА.

Оғрийди кўзимда унут армонлар,  
Ой кўзёш тўқади туннинг ортидан.  
Мен дунёга тўйиб — тўймаган онлар,  
Юрагим ботиб кетди дардлар тошидан.  
Елғиз саҳролар ҳам оҳимга тўйди,  
Кўрқинч қалдириқдан титрар қабрлар.  
Тоғлар лолалари қўлимда сўлди,  
Лаби куйиб сарғайиб қолди адирлар.  
Заминнинг бағрида дарддир ҳар бир тош,  
Улар оҳларимдан эриганча йўқ.  
Қуруқ дарахтларда бир гала қушилар,  
Қисмат қўшигини узганича йўқ...

Хуршида ЭШОНҚУЛОВА.

### Сен худони кут

Мен каби телбавор чўлдаги янтоқ,  
Олло деб билмагин қаро булутни.  
Фалақдан овозлар келганда ҳар чоқ



Жимгина тинглагин, сақлагин сукут —  
 Сен худони кут.  
 Шошилма, одамни гуноҳга қўйма,  
 Ҳозирча уларнинг номини унут.  
 Қўёшининг нурида шошилиб куйма  
 Фалакда кимдир бор, хотирангда тут —  
 Сен худони кут.  
 Бир кун келади одамдан кўрқмай,  
 Узингни Оллонинг бағрига отгин  
 Телбалик жонингга текканин айтмай,  
 Азобнинг барини ичингга ютгин  
 Сен худони кут.  
 У бир кун келарку хотирангда тут.

Қўлларимни узатаман,  
 Узимга ҳам етмайди.  
 Бу дунёни кузатаман —  
 Бахт ҳеч қачон ўтмайди.  
 Қорним тўйиб бу ҳаётдан,  
 Бошқа захар ичмасман,  
 Кетдим энди бу дунёдан  
 Қайтиб ҳеч ҳам келмасман.

Бахтиёр ОСТОНАҚУЛОВ.

Кетаялман,  
 Киприкларинг нам,  
 Худди чечак ва қатра шабнам.  
 Қўйгил, мени қийнама кўп ҳам.  
 Юрак кўндан безовта нетай,  
 Онагинам, о мунисгинам  
 Ижозат бер, рухсат бер, кетай!

Кетай олис — олис ёқларга,  
 Йўлим тушсин майли тоғларга.

Интилганим — ўша чоғларга,  
 Уша нурли чўққига етай,  
 Онагинам, о, мунисгинам  
 Ижозат бер, рухсат бер кетай!

Кетай гарчи хавфли у тараф,  
 Саҳарларда ғанимлар саф-саф.  
 Унда мени кутмоқда шараф...  
 Шарафимни топиб ёр этай,  
 Онагинам, о, мунисгинам  
 Ижозат бер, рухсат бер кетай...

Фозил ТИЛОВАТ.

## Қафасдаги эрк

Мен қафасда жон бераман —  
 Қафасда эрк яширин.  
 Саҳроларда қон ичаман  
 Азобдайин бир ширин.



# Ўқизган калла

(ҲИКОЯ)

**М**енинг ҳалиги Жарқишлоқдаги ошнам бир кеп кетсин депди. Зарил ишим бор деганмиш. Менимча ёқинда бачаларининг қўлини ҳаллолатмоқчи бўса керакда. Бозор-ўчарима ёрдам берсин деганма. Сен бачаларди ийрип ўтир, кўбиминам тўрт кунда қайтаман, хотин.  
 — Ҳалиги жигит ўлғир ўқишдан келади-йимшиққу, жонигани сиз, яна излап қолама, тезрак қайтмасангиз, Эшмондинг отаси.  
 — Вў энағор, бир ҳафтасиз қайтмайди, кеча идарадан эшиттим.  
 — Ишқилип эртарак кенгда, одам кулозип кетаберади, уйда эркак бўлмаса.  
 — Оттинг эгар жобувини ечиб ташладим, биров-ёрим минаман десаям бермагин.  
 — Нима, пиёда кетасизма? Кўлик турғонда.  
 — Пиёда кетмасам бўлмайди хотин, тўй қилаётқан одамга минутага кўлик керак бўп туради. Минип кетсам тиндирмайди, ҳали у, ҳали бу деп. Биров-ёрим сўраса ошнасиникига кетти дегин.  
 — Белингизга ип бувип опсизма, қани белбов?  
 — Белбов нима керак. Қайтарда

бир орқа-ярим орқа ўтин олип қайтарман деп ип бувип олдим.  
 — Ўтин қочаёптима, ип бувип исноти бўп юрасизма, ҳеч сонга кирмадингизда. Эртаминам кетасизда, мунча ҳовлиқмасангиз, биров сал изласа шуйтип юрагингиз тошин қолади.  
 — Кечаси салқинда юриш ўнади, ҳалмазан ой тувади хотин, иккинчидан биров бергандай бўлади-да кечаси юрсанг.  
 — Нима бўлсаям эртаминам яхши эдида Эшмондинг отаси.  
 — Биров бир жойга жўнапканда иккинчи лот бергичи бўма, хўпма, сенга шу пандият бўсин.  
 — Майлий! Сизди чипқоқ енгсин, улуш-пулуш оп келарсизда.  
 — Ҳа! Энди сенга мойини шўриллатип палов кўтарип юраман.  
 — Айтим-қўйдим-да, кўтармаслигингизди биламан, ўзингиз тўқ бўсангиз бўлдида...  
 Эрناзар кал дастлабки режасини хамирдан қил суғургандай бажарди. На бирон одам билди, на ит хабар топди. Тонг отгунча бемалот Яккабоққа етиб олади, бозорга солади. Бундай тулпорнинг оёғини ерга текказмай олиб кетади. Хаш-паш дегунча гум қиладию кечгача бир амаллаб Жарқишлоққа етиб келади. Вассалом,

туя кўрдингми йўк! Раис бовасининг тўйига ўз отининг пулидан тўёна қилади. Каттароқ ҳўкизча сотиб олсаям ўзига бир-икки йиллик чой-пули барибир қолади. Буни — этагидан олиб енгига ямаш дейди. Ана гапнинг кетишини кўринг, дирдай камбағал Эрназар раиснинг тўйига ҳўкиз тўёна қилди! Балким орага одам қўйиб колхознинг ҳосилотлигиниям олиши мумкин бўлар. Ҳосилот бўлиб олсаку нариги ёғи бир қадам. Писмаки Ҳафиза билан ҳам дон олишиб юрса бўлади, раисни бўлса ўлғидай ёмон кўради. Эҳ, аттанг! Бир вақтлар Ҳафиза билан хат олиб хат бериб юришарди, Ҳафизаям ўлармонда-куярман эди. Замон чапга кетди. Отасини кулоқ қилиб бор мол-дунёсини шилиб олишди. Ҳафизани зўрлаб Эштўхтарга беришди. Ким билади, ҳозирлар Ҳафизага ўйланиб Эрназар раис бўлиб юрармиди. Ҳа, уккагар Шеран тентага-а, отасини ёзиб бермаганда Эштўхтарга нима кун эди. Уйинг куйгур зомона, зомон бўмади-да, хати саводи бор одамнинг калласидан қайси гўрдаги тентакнинг таёғи аримасая! Таёқнинг зарбидан кал номини олиб юрса, шунча элдан бир тентакнинг шомини қайтарадиган мард топилмаса, бу нима кўргулик!..

Ой тепага келганда Эрназар кал Қизил зовнинг остидаги бир ўтарнинг камарига етган ҳам эдики, не кўз билан кўрсин Эштўхтар раис худди ғойибдан йўлиққандай лопиллаб қаршисидан чиқиб қолди. Писинишга пита йўқ. Орқага қайтишнинг ҳам иложи йўқ.

Ойнинг гира-шира ёруғида Эштўхтар раис калнинг кўзига кутурган айиқ бўлиб кўринди.

— Туш, энағар кал! Ҳазир қонингни ичаман!

— Раис бова, мен... мени...

Раис билан кал, от билан от жанги бошлаб юборишди. Раис кални ҳуморидан чиққунча урди. Калнинг калласидаги битиб кетган яра-чақа яна янгиланди.

Эрназар кал раиснинг оёғи остида калхат босган какликдай питирлаб зўрға нафас оларди.

— Гапир, энағар! Буни энангдинг қолинига об едингма!? Ҳе, қизингди!..

— Раис бова, мени чечам сизга юборди.

— Чечангдинг қизини!.. Нимага юборди сени?!

— Иш чаток бова, жуда чаток.

— Нима, колхозди ревизия бости-ма?  
 — Оёгингизди олинг раис бова,

бир бошидан гапирайин.

— Гапир энағар! Ҳе, нутунга!..  
 — Раис бова, ҳали ҳеч нарсадан хабарингиз йўқма?

— Энағар, гапир тезрок, йиғламсирамай, хўпканга!..

— Ревизиялар бўғондаку гўрға эди. Тиновин тўрт кишини қамоққа олиб кетти. Уч кун олдин етти кишини обкетганакан. Жами йигирма тўққиз кишини қомади. Кўпи Ҳузординг турмасида.

Бир гўринг куйгир қирқта тентакнинг рўйхатида берганакан. Бир хилини отип ташлаяпганмиш.

— Ёхши бўпти, қомаца қомалип ўлип кетмайми! Узимиздан нечов?

— Узимиздан «Убирай пўстак» минам ҳалиги сизга армиядан «мой жена искем гулайит» деб хот ёғич жунгуруш ошнангиз. Ҳозирча қамоқда. «Убирай пўстак» ни отипти дейишаяпти.

— Шўлардинг кетгани ёхши бўпти. Ҳўқимат билади.

— Билмай кетсин ҳўқимат, сизди рўйхатдинг бошида дейишаяпти, ўзим ўқидим дейди чечам. Уйингизда изи-чув ётипти, сиз бўса менинг ёхшилигимди билмай урасиз.

— Йўге Эрназар, дав уруппа мени қомап, каллам авалги каллаямас, ўқигон калла, биласанма, ўқигон калла!

— Минови-раис, минови-райкум, минови-ўқигон калла, ўқимоғон калла деп суриштирип ўтирмаяптида.





Гар тугилса сеҳр ва жоду  
Мўъжизалар кўтарса газот  
Келажакка айланса тарих  
Ва тугилсам қайтадан ҳайҳот.  
Тагин сени деган бўлардим.

Адиба ХУДОЙНАЗАРОВА.

Шундан ўзга азобинг  
Йўқмикан-эй, худойим.  
Чилдирманинг зарбидан  
Ерилади юрагим.  
Елғизгина сенга ҳам  
Бўлмай қолди керагим.

Ойдин Орифжон қизи.

Чилдирманинг зарбидан  
Титраб кетар юрагим.  
Етим бўлди, ёт бўлди,  
Елғизгина тилагим.

Дард талаган уйимга  
Кириб келар ёр-ёр.  
Қирқ кокилим қилидан  
Ясаб берар дор-дор.

Навкарлари ичида  
Норгинаси ўзинг-эй.  
Ешларини яширган  
Кўзга тушмас кўзинг-эй.

Кипригимга қоқилиб  
Юмалаб борар ёшим.  
Тўйгинангни кўрмоққа  
Етмас экан бардошим.

Тиканмиди босганим,  
Чўғмикан-эй, худойим.

Сизди ушласа дарров отади дейишяпти. Кеча Ҳашиза келди, раис бовангиздинг келар вақти бўлди, йўлга чиғип қайтаринг, бирон йўл ўйир-буйирда оёқ илип турсин деп. Э, худо! Мунча шўрим кўп бўмаса, мундайлигингизди билганимда тани кемаседим. Воҳ, калламей, ёмон тепдингизда. Вой, бошим!.. Маҳмарайимингиздинг кўнглигаем кемай-дей.

— Маҳмарайим бачча-да ҳали, нимани билади. Нима қилдиқ энди, Эрناзаржон?

— Билмадим, менингам бошим қотип қолди. Воҳ, бошим!..

— Кўпчилик бўп юришибтимакан?  
— Етти киши, барининг нагани бор, барида мос от. Узим кўрдим. Сатторипдин колхозидан бировди сал толхотовлиқ қиғонакан, жойида отип ташлапти. Яна бировди бесулка қип, Сибиряга жўнатипти. Шу ёқта музлап ўлади дейишяпти, қайтмасангиз, бўлмайди.

— Қайтаман Эрназар, қайтиш керак.

Эрназар, сен мана бу саманди мин, отимди ўзимга бер, чечанга бир дарак берасанда дарров изингга қайтасан. Молия агинтининг оти, уйини биласана?

— Биламан, раис бова. Энди мундайда раис бова, сиз райондаем ҳеч кимга кўринманг, иложи бўса Шойим кўсанкигаем кечаси боринг, тушип ўтирманг.



— Ҳа уккағора, менда калла жўқма, шуларди билмасам.

— Чечанга бир дувойи салом битип бермасангиз кўнгли тинчимайди, раис бова.

— Майли, мен ойтип тураман, ёз, ма, даштар-қалам.

— Узингиз ёзингизда, менинг ёзувимди тонийди, мактапта бир портада ўтиргичедик, яна ўзинг ёзип кепсан, деп ўтирса. Езишди ўрганган дирсизда олти ойда.

— Сен калдинг миянғ йўқда, бормоқ босиб колхоздинг муҳирини босгондакайин энасининг ҳақи қолама? Ез дегандан кейин ёз-да, энагар!

— Сабил кундузи бўғондаем эди.

— Гаж қима, кўзинг иттинг кўзиданам ўткир.

— Майли, айттип туринг бўмаса.

— Созлап ёз, ўзим ойтқондай қилип.

— Улолмой ўтирипюйма, сиз ойтқондай ёзаман-да.

Эрназар кал хатни шундай ёзди.  
«Дувойи салом.»

Соғинип ёздим солонди  
Қўлима олип қоломди.

Тез кунлар ичида етиб малум ва равшан бўлсинки, ул гўзал Хотиним Ҳашизага.

— Хотин, ўқишга бекорга чоқирмоғонакан. Узимамку кўп раисдинг ичидан мени сайлаб чоқирди, бир гап бўса керак деб ўйлабедим. Ойтқонимдай чиқти. Инкидига ишга ўтип кеттим. Каттарип кеттим хотин. На-чайлигимиздинг бир қизи боракан, шу воқтгача тенгини товип беролмай журганакан. Сизардан уч-тўрт ёш катта. Утирип қоғон қизакан. Омосанг кўтарилмайсан дейишяпти. Айтганимдай уйланганимдан кўтарилиб кеттим. Сенга толоқ тушурдим, бир кунингди кўрабер. Маҳмарайим-жонди хориқтирма, тўйди ўтказинглар, Эрназар кал базорлиқ қилип кеп беради. Эрназар калди кўп гапиргич эдинг, тийсангам ўзинг биласан. Мен энди шаҳарлик бўп кеттим.

Ижодкорларнинг ушбу кенгаши шеърятимизнинг ёшараётганини кўрсатади. Буни алоҳида таъкидлаётганим сабаби — шеър, шеърят суянадиган устунлардан бири ёшлиқдир. Паҳлавон Солиқ, Дилбар Донабоева, Хуршида Эшонкулова, Шуҳрат Иброҳим, Бобомурод Эралиев, Исмаилов каби ёшларнинг шеърлари кўп томондан яхши. Уларда янги мавзуларда ёзилган шеърлар, кўҳна мавзуга янгича ёндошишлар, шаклий изланишлари эсда қоладиган, салмоқдор образлар, сатрлар, иборалар анча-мунча. Тўғри, баъзи ёш шоирларда ўзларидаги талант ва илҳомга эътиборсизлик бор. Шу боисми яхши бошланиб қиёмига етмай тугаган шеърлар ҳам учрайди. Шубҳасиз, кенгаш янги шоирлар учун фойдали баҳсу мунозаралар ва хотираларга бой бўлди.

Чори АВАЗ



кўз югуртириб аста дарвозани тақил-лата бошлади.

— Ассалому алайкум! Келинге раисжон. Мундай бемаҳалда юриптилар?

— Шойимжон, иш чатоқ.

— Нима, колхозингизди ревизия бостима?

— Ревизиялар бўғондаку майли эдия, бир ўтардинг камарида Эрназар кал ошнанг олдимдан чиқти. Сўрамай-нетмай очувкапар бир-икки солдим. Камбағал ўпкасини босолмайди. Ингирма тўққиз киши қомолди деп.

— Ҳе! Нимага қамалади?

— Бир болонгди... қирқта тентакдинг рўйхатини берипти, барисини қамаяпти, бир хилини отаяпти дейди. Мени бўса рўйхатдинг бошига ёзганимиш. Шойим кўса ўзини кулгидан зўрга тийиб, сўради:

— Эрназарди кўп урдингизма?

— Очувкапар беш-олти солдим.

Кўса дарҳол нима гаплигини тушунди-да, деди:

— Энди нима қилмоқчисиз? Кал нима деб маслаҳат берди?

— Кал бирон йил тоғнинг нарёғига ошиб кетинг, кўринмай туринг деди. Сенданам маслаҳат олишти тойиннади.

— Менамку бу гапди эшитимда, уккағалла сиздиам ёзганини билман эканманда. Эрназар айтган бўса тўғри, сиздиам ёзиши аниқ, ганимингиз кўп-да, раисжон. Тушингчи, маслаҳатам бир гап бўлар, чой-пой ичайлик.


— Чойинг кўп бўса отанга бер, ошно. Мени тутиб бермоқчимсан?!

— Ҳая, буям тўғри, кун чиқмаси Яккабоғдан чиғиб кетишингиз керак. Иложи бўлса уч-тўрт йил кўринманг, бу машамша кўп давом этади. Сочингизди қирдирип олдингиз, эски-туски кийип олинг, отингизди Сурхонга ўтказиб Шерободнинг бозорида ўтишига пуллаб олингизда, бир мусопирдай бўп қишлоғ орада мол-пол боқиб юринг, қаердан-лигингизди айтманг, айтсангизам Деновданми, Бойсунданми денг. Йигит омон бўса мол-дунё, раислик топилади.

— Бу бошқа гап, кўса ошна. Мен кеттим.

— Сени раис қилиб сайлаганингни уйи кўйсин. Даб бўле, уккағор тентак, — деди-да, Шойим кўса кула-кула уйига кириб кетди.

Денов ТОШАНОВ.





**Йўлдан адашган бола**  
(руҳ билан суҳбат)

Ўн етти йил бурун сен туғилгандинг. Ушанда Салоҳиддиновлар оиласининг қувончи чексиз эди. Сенга Умид деб ном қўйдилар, ҳаётга умид билан кириб келсин, ҳаётдан умидсиз бўлмасин, деб шу номни танладилар. Ота-онанг сени оқ тараб, оқ кийинтириб ўстирдилар. Етти ёшга тўлиб мактабга борганинда уларнинг қувончи оламга сиймасди. Лекин сен эса кейинчалик кўча сангувчиларга қўшилиб кетдинг, кўшилмаганинда ҳозир тирик юрган бўлармидинг. Эҳ, Умид ҳаётдан жуда-жуда ёш кетдинг. Бадбахт ўғрилар ҳаётингга зомин бўлдилар. Улар-ку ўз жазосини олдилар, аммо ота-онанинг ёлғиз арзандасини ким қайтариб беради энди, ким уларни овутади, ким уларнинг умидларини рўёбга чиқаради...  
Эҳ, Умид нима учун сенинг жонинг уларга керак бўлиб қолди. Ахир улар ўртоқларим дегандинг-ку! Йўқ, улар сенинг дўстларинг эмас, ашаддий душманларинг эди. Сен янглишгандинг! Улар қандай жирканч башаралар эди: кўрингандан пул сўраб, бермаса калтаклаб юрар эдилар. Ҳатто бировни ўлдириб юборишдан ҳам чўчишмасди. Сен билмадингки, бундай тақдир сенга ҳам насиб этишини. Сен-ку майли-я, улар ҳатто ўз туққан онасини ҳам хурмат қилмасдилар. Улар одамларгагина эмас, балки давлатга ҳам зарар етказардилар. Яъни омонат касса борми, дўкон борми ўпириб кетардилар. Сен шуларни била туриб уларга қўшилдинг, дўстларинг Баҳром ва Мирсаидни

четга суриб қўйдинг. Аслида-ку сенинг ўлимингга ўғри болалардан кўра кўпроқ ота-онанг сабабчи эдилар. Сен саккизинчи синфда ўқиб юрганинда отанг сенга: «Сен энди катта бола бўлиб қолдинг, ўзинг пул топишинг керак», деб насиҳат қилди. Сен ажабландинг. Чунки ўқувчи эдинг, ҳали ота-онанг қарамоғида яшаётганингни билардинг. Лекин отанг насиҳатларини тўхтатмади. Сен «қандай қилиб пул топсам экан, нима учун отам менга пул топасан деяпти, ўғирлик қилайми...» деган ўйгача борардинг ва буни отангга айтдинг. Отангнинг жаҳли чиқиб сени урди. «Саккизини битиру хунар билим юртига кир. Битирганиндан сўнг ишлаб пул топасан», деб сенга йўл кўрсатди. Отанг ичкиликка ружу қўйган эди. Отанг касрига сени ҳам хурмат қилмасдилар. Отанг ичкиликни деб ишдан ҳайдалди, ойинг топган маошини ичкиликка ишлатадиган бўлди. Оқибатда эса, сенинг ҳаётинг фожиага юз тутди.  
Сен пул топишга қасд қилган кунингдан бошлаб ўғри болаларга қўшилиб кетдинг. Билим юртига киришни хоҳламадинг. Чунки сен мактабни битиргач, институтга киришни орзу қилардинг. Афсус, янги дўстларинг сени не кўйга солмадилар. Сен аста-секин кўникдинг, ўғирлик орқали яхши кийиниб замондошларингдан орқада қолмаётганиндан хурсанд бўлдинг. Бу йўлнинг охири фожиа билан тугашини билмадинг. Вилганинда, бу ишларингга вақтида чек қўйганинда, балки ҳозир тирик бўлармидинг... Сени бу йўлдан қайтаришнинг иложи бор эди. Лекин ота-онанг ҳам, мактаб ҳам, ўртоқларинг ҳам сенинг қилиқларингни бил-

салар-да, «Майли нима қилса қилаверсин, бизларнинг ишимиз нима», — деб юришаверди. Бундай бепарволик, лоқайдлик эса...  
Агар илк бор магазинни дўстларинг билан ўмарганингни билган мактаб директори Ғаниев милицияга хабар берганида ёки тартибга солиб қўйганида эди... Лекин Ғаниев милиция ходимларининг «ўқувчингизни тарбиялай олмабсиз-да», — деб ҳайфсан беришларидан кўрқди. Мактаб шаънига ёмон гап бўлади, деб чўчиди.  
Бугун Салоҳиддиновлар оиласида мотам куни. Уларнинг сеvimли, ҳали ўн гулидан бир гули очилмаган, ҳаётининг аччиқ-чучугини тоғимаган фарзандлари Умид оламдан ўтди. Золим ўғрилар, нима учун сенлар Умидни ўлдирдинглар? Ахир у ҳали жуда ёш эди-ку! Нима қилган бўлса сенлар учун қилган-ку? Ахир у ҳали жуда ёш эди-ку! Кўчада кетаётган қизларнинг бўйинларидан, қўлларидан қимматбаҳо тақинчоқларни ол, деганларингга «хўп» деб жон-жон деб олган-ку. Нима учун сенлар уни ўлдирдинглар, милицияга хабар беради деб кўрқдингларми? Ахир у сенларни дўст деб билар эди-ку!  
Азиз тенгдошлар бу бўлган воқеадир. Сизлар ҳам Умидга ўхшаб йўлдан адашманглар. Кўчада беҳуда сангувчиларга қўшилманглар, улар ҳеч қачон сизга дўст бўлмайди.

**Ботир СУЛТОНОВ,**  
Тошкентдаги 200-ўрта  
мактабнинг 11-«А» синф  
ўқувчиси.

**Сиз ҳаётни қандай тушунасиз?**

(Баҳс давом этади)

Едингизда бўлса, журнализмнинг ўтган йилги учини сониди «Сиз ҳаётни қандай тушунасиз» деб номланган баҳс бошланганди. Сўнгра саккизинчи сониди уни муштарийларимиздан келган хатлар сараламаси билан давом эттирдик. Баҳсининг қанчалик узоқ давом этиши албатта ўртага ташланган мавзуга боғлиқ. Ўқувчиларни қўйилган савол анча ўйга толдирганга ўхшайди. Буни ҳанузгача улардан келаётган мактублар исботлаб турибди. Хат муаллифларининг ёшлари тенглиги сабабли фикрлари кўпинча бир жойдан чиққан.  
Ҳайронман, айрим одамлар тўғри, ҳалол йўл қолиб, ўзларини нопок йўлга уришади. Наҳотки, улар ҳаёт мазмунини енгил ҳою-ҳаваслардан, айш-ишратдан иборат деб ўйлашса. Менимча, инсон шундай яшати керакки, токи умрининг сўнгги дақиқалари қилган ишларидан афсусланишда ўтмасин. Саъдий Шерозий айтганидек:

*Дунёда икки умр лозим бўлур.  
Авалида — йилга билим, тажриба  
Сўнгисиди барчасин ишга солур.*

**Хусрад УСМОНОВ,**  
Бўстонлиқ ноҳияси, Хумсон қишлоғи.

\* \* \*

Тенгдошларимнинг ҳаёт тўғрисидаги тушунчаларини ўқиб ўйлашиб қолдим. Негаки, 10 йил мактабда адабиёт, тарих ва шунга ўхшаш бошқа фанларни ўрганибману, ҳаёт ҳақида бироз бўлса-

да, бош қотиришни ҳаёлимга ҳам келтирмабман. Журналдаги баҳс сабаб мен ҳам ҳаёт маъносини чақишга илк бор уриниб кўрдим. Ҳаёт — ҳар бир кишига, ҳар бир нарсасига берилган энг олий неъмат. Ундан нима олиш ёки нима бериш ҳар бир инсоннинг, ҳар бир мавжудотнинг ўзига боғлиқ.

**Фароғат ИСМОИЛОВА,**  
Хазорасп ноҳиясидаги 7-ўрта  
мактаб ўқувчиси.

\* \* \*

Ҳаёт бамисоли тоғ. Унинг энг юқори чўққиси ҳар бир кишининг ҳаётдаги кўзлаган мақсадига ўхшайди. Инсон чўққини забт этиши учун не-не қоялардан ошиб, узоқ тошлоқ йўллардан юриши керак. Ҳаётда ҳам олий мақсадга эришмоқ учун худди шундай сўқмоқлардан боришга тўғри келади. Бу эса, албатта, кишидан кучли ирода, билим ва меҳнат талаб этади.

**Гулшан ЭРҒАШЕВА,**  
Самарқанд ноҳиясидаги  
97-ўрта мактаб ўқувчиси.

\* \* \*

Мен инсоннинг бир умрлик ҳаёти лаҳзаларини фаслларга ўхшатгим келади. Қишда момиқ қор тагида ётган майса ҳали туғилмаган гўдак. Ваҳорда кўкарган ўша майсанинг бўй чўзиб қуёшга интилиши ўсмирлик. Ёзда унинг гулга кириб, кузда ҳосил бериши... Ҳа-

ёт шу тарзда давом этаверади. Келаси баҳорда худди шу майса илдизидан янги майса униб чиққанидек инсон ҳам шу тариқа дунёга келаверади.

**Феруза АҲМЕДОВА,**  
Булунгур ноҳиясидаги  
54-мактаб ўқувчиси.



Ҳаёт — муаллим деб бежиз айтишмайди. Ёш авлод ота-боболари ҳаётдан ўрганишади. Шу даврда оқни-оққа қорани-қорага ажрата билган енгади. Мен ҳаётда эзгуликни касб этган, виждонли, меҳр-оқибатли кишилар кўпроқ бўлса дейман.

**Жонгул ЖУМАНОВА,**  
Советобод ноҳиясидаги  
21-ўрта мактаб ўқувчиси.

«Баҳс мушоираси»ни ТошДД толиби  
**А. РАҲИМОВ** тайёрлади.



## Езувчи ён дафтарида- ги битиклар

Мухаббат борки — оғриқ. Кимки ўзгалар ҳақида ўйланиб хасталанмас экан, у ҳеч кимни севмайди.

\* \* \*

Нима юксакроқ, муҳаббатми ёки муҳаббат тарихими? Эҳ, нима бўлганда ҳам барча «муҳаббат тарихлари» «ҳозирги муҳаббат» лаҳзасидек бўлмайди.

\* \* \*

Биз ўйимиз учун севмаймиз, балки севгимиз учун ўйлаймиз. Ҳақто фикримизда — юрак биринчи.

\* \* \*

Мухаббатни тирноқларинг билан ҳимоя қил, муҳаббатни тишларинг билан эҳтиётла. Уни ақлдан, ҳокимиятдан асра. Мухаббатда мустаҳкам бўдсанг, Худо сени ёрлақай. Чунки муҳаббат — ҳаёт илдизи. Худо эса ҳаётнинг ўзи.

\* \* \*

Инсонга содиқ бўл ва шунда Худо ҳеч нимани сенга садоқатсиз қўймайди. Дўстликда ва муҳаббатда содиқ бўл: қолган башоратларни бажармасанг ҳам бўдаваради. Севмоқ — «сенсиз бўлмайман», «менга сенсиз оғир», «сен йўқ жой мен учун зарикарли» — демак. Бу юзаки тасвир, бироқ энг аниги севги ҳеч қандай олов эмас, севги — ҳаво. Ўсиз — нафас олиш йўқ, у билан бўлса «енгил нафас» олинади. Ҳаммаси шу ҳолдос.

\* \* \*

Биз муҳаббат учун туғилганмиз. Севгимизни қанчалик адо этолмаган бўдсак, биз дунёда шунчалар сарсон-саргардонмиз. Агар севгимизни қанчалик адо этолмаган бўдсак, биз у дунёда жазоланамиз.

Мирзаумар ХАЛИЛОВ тайёрлаган.

## САБОҚ

(эртақ)

Бор эканда, йўқ экан, оч эканда, тўқ экан, қадим замонда шаҳардан унча узоқ бўлмаган «Қизил деҳқон» қишлоғининг кенг буғдойзорлари чеккасида сон-саноксиз чумолилар қабиласининг бошлиғи ўз уруғ-аймоқлари билан аҳилликда, дўстликда яшашга кўп маслаҳатлар қилишар экан. Чумолилар доно бошлиқларининг чизган чизигидан чиқишмас, барча айтганларини аъло даражада бажаришга ҳаракат қилишаркан.

Дов-дарахтлар энди ниш ураётган кунларнинг бирида деҳқонларнинг даладаги ҳосилларини турли жонли ширалар, замбуруғлар босиб кетибди, буни деҳқонлар сезишмай қолишибди.



Расмларни М. УНГАРОВ чизган.

Далаларда ўз ризқи-рўзи борлигини сезган чумолилар, аввало, зараркунадалар билан курашиш чорасини олдиндан белгилаб, мажлис ўтказишибди. Шунда қабила оқсоқоли «Биз мингминг йиллар давомида деҳқонлар билан иноқ бўлиб келганмиз. Уларнинг бошига ташвиш тушганда қараб туролмаймиз. Ҳосил мўл бўлса, тўкилган дон-дун ҳам бизнинг насибамиз. Ҳамма далага!» дебди.

Мажлис тугагач, чумолилар галага бўлишиб кир-адирларга, кенг буғдойзор-у арпазорларга йўл олишибди.

Бир қозон ошни бир қумалоқ булғабди деганларидек, қабила оқсоқолига қарши чиққан невара-чевараларидан: Қўрсикбой, Тўрсикбой, Дангасабой, Ялқовбой, Қоринбой қабила ўз атрофларига ишқмасларни тўплаб, Нега, биз деҳқонларга ёрдам берар эканмиз? Ўзимиз мустақил яшаб, деҳқонларнинг кўмагисиз бегона ўтлардан унган донларни жамғарсак ҳам кунимиз ўтади-ку дейишиб узоқ-узоқларга жўнаб кетишибди. Деҳқонларга кўмакка қолган миллион-миллион чумолилар қайғусиз, ташвишсиз, қишдан чиқиб, тўқ ва фаровон кун кечираётган кунларнинг бирида Қўрсикбой, Тўрсикбой, Дангасабой, Ялқовбой ва Қоринбойлар оч-наҳор, табатазарру билан ўз қабила бошлиғининг олдига қайтиб келишибди. Қабила бошлиғи улардан хафа бўлса-да, сўзларига қулоқ тутибди.

Биринчи бўлиб элидан ажралиб чиқиб кетишга бошқаларни ҳам ундаган Қўрсикбой шундай дебди:

— Биз жуда катта хатога йўл қўйдик. Маслаҳатингизга қулоқ солмадик. Кечиринг! Бошқаларни йўлдан урган мен эдим. Бизлар сизлардан ҳам яхшироқ яшашни орзу қилиб, мақтаниб қўйгандик. Деҳқоннинг кўмагисиз, уларнинг дўстлигисиз яшашимиз мумкин, деб ўйлабмиз. Биз қиш гами учун кузда адирлардаги қуш қўнмас, шўра, олабута каби ўтларнинг уруғларини жамлаган эдик. Мағизлари пуч, тахир, тўқ тутадиган қуввати бўлмагач, қорнимиз емишга тўймади. Очликдан дилдираб, ҳолимиз танг бўлиб қолди. Агар кечира олсангиз, ўз қабиладошларимиз бағрига қайтсак... «Дўстсиз яшаш-қанотсиз қуш», «Тадбирсиз ишлаш-мақсадсиз кун кўриш», деган насиҳатингизга амал қилмабмиз.

— Бир каттанинг, бир кичикнинг айтганини қил, деб бекорга айтмаганман. Бемаслаҳат, бережа хом хаёлга ишонган боши берк қўчага кириб қолади. Ҳа... Ўйламай қилинган иш—келтирар ташвиш, деб шуни айтадилар! — деб бошлиқ уларни кечирибди.

Мана шундан буён баҳор, ёз фаслларидеда чумолилар доимо иноқ, меҳнаткаш, юк кўтаришда ким ўзарга тенги йўқ асил жониворлар ҳисобланаркан. Ўз меҳнатлари билан бошқа жониворларни қойил қолдирган бу чумолилар бир умр деҳқонларнинг дўсти бўлиб қолишибди.

Нодир САИДАЛИЕВ,  
Тошкентдаги 288-мактабнинг  
11-синф ўқувчиси.

## ЛУҒАТ ДАФТАРИНГИЗГА

### АСИЛ — АСЛ

Асил — аъло сифатли, энг яхши, тоза, соф, қалбаки ёки паст эмас; чин, ҳақиқий, табиий, соф; қиммат турадиган, қимматбаҳо; яхши хислатларга, фазилатларга эга бўлган; олижаноб, бебаҳо; эркаклар исми.

Асл — бирор нарсанинг асоси, асос, асл нусха; ҳақиқий ҳол, туб, негиз; дастлабки ҳол, кўриниш; ҳақиқий нусха; келиб чиқиш жойи, муҳити ёки зоти, насл-насаби; чин, чинакам, ҳақиқий.

### АСИР — АСР

Асир — асирликка тушган одам, тутқун, банди, қул; бирор кимса ёки нарса-

га берилиб кетган, шайдо бўлган киши, мафтун.

Аср — юз йиллик давр, юз йил; давр, замон; қуёш ботиш чоғидан бир соатча олдинги пайт ва шу пайтда ўқиладиган намоз.

### АТОҚЛИ — ОТОҚЛИ

Атоқли — бирор соҳада ном чиқарган, шуҳрат қозонган, донгдор; атоқли от — бирор шахс ёки предметга хос ном.

Отоқли — донг таратган, кўзга кўринган, таниқли, барча биладиган, машҳур.

### АХИР — АХИ(И)РИ (ОХИРИ) — ОХУР

Ахир — таъкид юклагаси. Маънони кучайтиради, таъкидлайди; охири, пиравордида, ниҳоят, оқибат.

Ахи(й)ри (охири) — ахир, охири, пиравордида; охир — пиравордида.

Охур — уй ҳайвонларига ем-хашак солиб бериш учун ёғочдан қилинган маҳсус идиш, яшиқ, жой.

### АҲИЛ — АҲЛ

Аҳил — тотув, иноқ, иттифоқ, бир жон-бир тан, бир ёқадан бош чиқарган.

Аҳл — бирор соҳа, касб ёки маълум доирадаги кишилар; бирор жойда истиқомат қилувчи, яшовчи кишилар; аҳоли; қатнашчи.



# бу олам бир сурат. хона





Сен улрайгин, болажон!

ТошДД  
журналис-  
тика кул-  
лиётининг  
толиби, иқ-  
тидорли  
қаламкаш  
Ҳалимжон  
САИДОВ-  
нинг шах-  
сий кўргаз-  
маси.



Терим ҳам, суҳбат ҳам жонга тегди.




«Олтин давр»нинг файзли дастурхони.






Гулипроқчалар — табиат мўъжизалари.



Ўқийверсанг,



Ўқийверсанг,



Ўқийверсанг!..



Эшитмадим деманглар, суратга тушириш ҳадисини олган етти ёшдан етмиш ёшгача истаган муштарий диққатига! Ноёб ва фавқулодда лавҳалар бўлса, гўзал манзаралардан кўпчилик бахра олсин десанглар, марҳамат, «Бу олам бир суратхона» қўш саҳифаси Сизларга мунтазир!

«Еш куч».



Тақдирингга нималар битилган, кучукча?..



**К**ундалик воқеа-ходисаларни нешма-неш идрок этиш, таҳлил қилиш — улардан келиб чиқадиган худосаларнинг сарағини-саракка, нуқатини-нуқатка ажратилиш ҳам мушкул бўлиб қолди. Яшаётган давримизни, истиқомат қилаётган муҳитимизни муқуррок идрок этиш ва улардан келиб чиққан ҳолда тарбиядек энг муҳим ва муқаддас бурчимиз хусусида қайғуриш ўринга ўткичи, енгил-елли, арзонгаров шов-шувларга алданётганимиз айниқса ташвишли. Шундан эътиборга олган ҳолда айни наврўз ойидан бошлаб ойномамизда «Фалсафий суҳбатлар» саҳифасини ташкил этдик. Ўзбекистон Фанлар академияси Фалсафа ва ҳуқуқ институтининг илмий ходимлари, фалсафа фанлари доктори Бахтиёр КАРИМОВ, фалсафа фанлари номзодлари Абдуқодир ЗОҲИДОВ, Бахтиёр ТУРАЕВ, психология фанлари номзоди Алишер ФАЙЗУЛЛАЕВ ҳамда муҳаррират ходимлари иштирокида ўтган давра усталида жамият, давр ва тарбия мавзусида суҳбатлашилди. Табиий, қизғин ўтган суҳбатни тўла-тўқис, батафсил ёритиш имкони йўқлиги боис уни қисман қисқартиришга тўғри келди.

«Еш куннинг ушбу фалсафа мактабидан кўзланган мудоао битта — кўп сонли муштарийларимизни фалсафий тафаккурга тортиш, хоҳ жамиятда, хоҳ шахсий ҳаётда юз берадиган воқеа-ходисаларни мулоҳазакорлик билан, теган идрок этишнинг афзаллигини намойиш этиш. Бундай суҳбатларнинг нечоғли қизқарган бўлиши Сиз муштарийлар тақдиф этган хилма-хил мавзуларга боғлиқ.

## Жиноятимизга яраша

жазо


**Х. ДУСТМУҲАММАД** — Қайта қуриш даврида яшаётганимизга ҳам 6 йилдан ошди. Фавқулодда тўфону зилзилалар билан бошланган бу ижтимоий инқилоб ҳар қандай одамнинг фикр-ўйини ларзага солади. Лекин у ларза ҳар кимга турлича таъсир кўрсатгани табиий. Мана, дастлабки алғов-далғовлар ортда қолди, қайта қуриш қандай ҳодиса эканини озми-кўпми кўриб турибмиз. Аслида жамиятни қайта қуриш деганда нимани тушунмоқ керак? Шахсан Сизлар илм кишиси сифатида ундан нималарни кутган эдинглар?

**Бахтиёр ТУРАЕВ** — Аслида ҳокимиятни сақлаб қолиш учун одатда шундай ислохотлар ўтказилади. Бу ниятда халққа қайсидир микдорда енгилликлар берилади. Ислохот деб аталувчи ҳодиса ҳам ўзи шундан келиб чиққан, яъни халқ билан давлат орасидаги зиддиятлар кучайган паллада шу зиддиятни юмшатиш эвазига ҳокимият қўлда тутиб қолинади.

**Абдуқодир ЗОҲИДОВ** — Ҳозир кўпчилиكنинг

оғир вазиятдан чиқиш учун чиройли бир восита ўйлаб топишган. Эҳтимол, бундай қилиш америкаликларга қўл келса келгандир, аммо бизнинг вазиятимизда қочиб қутулиб бўлмай қолди. Шундай экан, агар қайта қуриш бирор натижа бермас экан, биз «қайта қуриш»нинг ўзини қайта қуришмизга тўғри келади. Масалан, Хитойдаги қайта қуриш биздагига қараганда анча самара бермоқда, шу маънода, агар ҳаётнинг барча томонлари издан чиқиб кетган бўлса, унинг ана шу ҳамма томонини бир йўла қайта қуришга интилиш объектив қонуниятга ҳам тўғри келмас экан. Биз бунинг тасдиғини кўриб турибмиз. Хитойлар қашшоқликдан қутилишнинг биринчи чораси сифатида аввало қишлоқ хўжалигининг айрим тармоқларида «дастлабки капитални йиғиш» ишларини олиб бордилар. Демак, беш панжани бирварақайига озига тикқандан кўра, ишни босқичма-босқич амалга оширган кўпроқ фойда беради.

**Б. Т.** — Ўрта Осиё халқларининг маданий ва иқтисодий тараққиёти ўтмишда у қадар паст эмас эди. Лекин социализм тажрибаси шунга олиб келдики, Биз Хитой сингари ҳаддан зиёд қарздор мамлакатга айланиб қолибмиз. Демак, социализмнинг ўзи мамлакатларни маълум даражада қашшоқлашувига олиб келаётган экан.



Абдуқодир ЗОҲИДОВ — агар қайта қуриш сунъийликдан халос бўлмаса...

кинлик, тенглик берадиган тузум — социализмни қарор тоштирдигу биз фойдаланган воситалар аксинча — инсонга, шахсга қарама-қаршидек бўлиб қолди. Чунки инсоннинг ҳуқуқий эркинлиги, ҳатто фикрлаш эркинлиги маълум маънода инкор этилди. Энди социализм қуриш жараёни чоғида йўл қўйилган хатоларни тан олиш вақти етиб келди.

**А. З.** — «Правда» рўзномасида Ленинград ёзувчилар уюшмасининг раҳбари партия аъзолигидан чиққанлар ҳақида ёзибди. Муаллифнинг фикрича, партия жузъий ўзгаришларни амалга ошириш йўлидан бориб, масаланинг моҳиятига эътибор бермаёти. Ваҳоланки, эндиликда жамият олдида қилинган жиноятни тан олиш керак ва майдонни шармандаларча ташлаб чиқиб кетиш эмас, балки жамиятни халос этиш йўлларини халқ билан биргаликда ишлаб чиқиш керак. Гарчи бу вазифа

# Жамият, Давр ва Тарбия

тасавурида қайта қуришни сиёсий партия бошлаб берди, деган фикр шаклланган. Аслида эса ҳаётимиз шу қадар фожиали аҳволга келиб қолган эдики, бу қайта қуриш ниқоби остидами ёки бошқа шаклдами, барибир ўзгариш юз бериши муқаррар эди. Яъни у объектив зарурият эди. Ҳозир қайта қуришни назарияга айлантиришга уриниш кучайиб кетди, аслида у назарий ҳодиса эмас. Утган асрларда Америка буржуа фалсафасида ғалати бир анъана кашф этилганди. Яъни



Бахтиёр КАРИМОВ — Миллий сиёсатни буткул қайта қуриш лозим.

**А. З.** — Шу ўринда мен бир мулоҳаза билдирмоқчиман. Мана ҳозир бизда ва Хитойда ҳукмрон бўлган социализмнинг баъзи бир кўринишларини эсладик. Лекин ўйлаб кўрсак социализмнинг бошқа белгиси — моделлари ҳам мавжуд экан. Бизга ўрناк қилиб кўрсатилаётган Швецияда ҳокимият социал-демократлар қўлида. Лекин, қизғин шундаки, социал-демократлар 40-йилларда ҳокимият тепасига келган бўлса, ўша даврда Швеция жон бошига маҳсулот етиштиришда жаҳонда 3-ўринда турар экан. Социал-демократлар ҳокимият тепасига келиб уларда ҳам социализмнинг маълум бир унсурлари бўлганлиги сабабли ҳозирги Швеция учинчи ўридан 17-ўринга тушиб қолибди. Ва энди Швеция ҳукумати қандай қилиб бўлса-да ўз иқтисодиёти ва ҳаётида капитализм қонуларининг қарор топишига ҳаракат қилмоқда.

**Бобур ТУХТАБОЙ** — Демак, «Социализм ва тараққиёт» тушунчалари ўзаро зид» деган хулосага келсак бўладими?

**А. З.** — Йўқ, биласизми, бу ўринда социализмнинг биздаги шаклини ҳисобга олмоғимиз лозим. Биз, нотўғри йўлга қўйилган тажрибамиз натижасида социализмни таназзулга олиб бордик. Аслида эса социализм ўта тараққий этган жамият бўлиши керак.

**Б. Т.** — Шундан ғалати бир қонуният келиб чиқаяпти-да. Капитализмни ҳеч ким қонун йўли билан жорий этган эмас, у жамият тарихий ривожланишнинг бир босқичи сифатида вужудга келган. Ва унинг тараққиёт диалектикасини кашф этган кишилар, хусусан К. Маркс капитализм тараққиёти абадий давом этмаслигини, маълум бир даврда ўзидан олийроқ тузумга ўрнини бўшатиб беришни ҳисоб-китоб қилиб чиқди. Лекин биз капитализмдан жуда эрта, шовқалоқлик билан воз кечиб юбордикми? Гўё кишиларга эр-

амалга оширилмас экан сизу биз қанча гапирмайлик, халқнинг партиёга ишончи тикланмайди, партиядан чиқиш кундан-кун кўпаяверади. Ва биз масаланинг моҳиятини қанчалар бежаб кўрсатишга ҳаракат қилсак, яъни жиноят қилсак бизга бериладиган жазо шунчалар оғир бўлади. Чунки қарама-қаршиликлар қонуни, объектив диалектика шунга тақозо этади. Бироқ бу бизнинг марксизмга нисбатан эътиқодимиздан воз кечишимиз керак, деган маънони билдирмайди. Дейлик, партия ҳозир таназзулдан қутилиш учун курашаётган экан, бу курашдаги асосий шиор «Эътиқодга содиқ қолиш» шиори бўлиши керак. Бу менинча, эътиқодга доимо содиқ қолиш бобида ёшларга ҳам ўзига хос сабоқ бўлади.

## Ҳалокатли синиш нима? Биз нега уни пайқамадик?

**Х. Д.** — Биз истаимизми-йўқми, номи «қайта қуриш» деб аталган жараён даврида яшаймиз. Ана шу жараёндан нима кутган эдингиз? Шу ҳақда гаплашсак.

**А. З.** — Маркс жамият тараққиёти ҳақида фикр юритиб туриб «тарихий жараён» деган иборани тилга олади. Бизнинг қайта қуришдан кутаётган ўзгаришлар шундай бўлиши керакки, ниҳоят бизнинг жамият ҳам бошқа мамлакатларда юз бераётган табиий тараққиёт йўлига ўтиб олса. Бу ўтиш ҳар қандай тажриба зўрма-зўракиликдан ҳоли бўлиши керак. Агар қайта қуриш бундай сунъийликлардан халос бўлмаса у ҳолда



жамият яна шунга ўхшаш бир даврни ўз бошидан кечиршига тўғри келади.

**Шоҳрух АКБАРОВ:** — 85-йили қайта қуриш бошланганда бирдан ҳаммининг дилида кўтаринки кайфият пайдо бўлганди. Бу ҳол бор-йўғи 86-87-йилгача етиб келди, холос. Энди одамлар яна тушқунлик ботқоғига ботиб қолди.

**Б. Т.** — 85-йилда кишилар психологиясида ғалати кайфият юзага келди. Гўёки партия ўзи йўл қўйган хатоларини бўйнига олиб, уларга чек қўйгандек бўлиб туюлганди. Лекин ҳозиргача илгари йўл қўйилган хатолар, дейлик мафкура-бозлик ёки иқтисод соҳасидаги хатолар ҳамон давом этиб келаётир. Мен ўша пайтлар энди бундай хатоларга йўл қўйилмайди, деб умид қилган эдим.

**Х. Д.** — Ошкоралик, эркинлик даврида юз берган халқлар ўртасидаги тўқнашувлар, қон тўкилиш ҳодисалари табиийми ёки уларнинг олдини олса бўлармиди?

**Б. Т.** — Ошкоралик даврида зиддиятларнинг бўртиб юзага чиқиши табиий ва зарурий ҳол, лекин бу даражада қон тўкилишига йўл қўймаслик мумкин эди.

**Х. Д.** — Бундай фожиаларни шахс тарбияси тўғри йўлга қўйилмаганлиги билан боғлаш мумкинми? Ахир шу пайтгача бизда шахс тарбияси эътибордан четда қолиб келди.

**Б. Т.** — Бу ерда ҳамма айб шахс тарбияси борасидаги нуқсонларда деб ҳам бўлмайди. Тарбия масаласи жамият тараққиёти жараёнида ўз ўзидан шаклланиб бораверади. Маълумки, шундай ижтимоий қонулар борки, улар ёрдамида хушёрроқ одам пишиб етилаётган маълум бир зиддиятларни олдиндан пайқатиш мумкин. Ўш ҳодисасини олайлик. Фожа бошланмасдан илгари, хабарингиз бор, норасмий жамиятлар шундай воқеалар эҳтимолини башорат қилгандек эди. Аммо улар нуқтаи назари маъмурият томонидан етарли даражада ҳисобга олинмади. Ҳисобга олинганида Ўшдаги кўнгилсизликлар юз бермаслиги мумкин эди.

**А. З.** — Хуршиднинг гапига аниқлик киритиш керак. Сизнинг фикрингиздан шундай хулоса келиб чиқадики, гўё тарбияни тўғри йўлга қўй олганимизда бу қонли тўқнашувларни четлаб ўтиш мумкиндек бўлиб туюлади. Ҳолбуки, биринчидан қонли тўқнашувларнинг юзага келиши биздаги социализм иқтисодий модели кўпол равишда қурилганлигининг объектив оқибати. Лекин биздаги қайта қуриш деб номланган жараён сохта умидни туғдирди, яъни партия бир томондан жамиятни инқироздан олиб чиқиб кетишга етарли куч бор, деб даъво қилмоқда, иккинчи томондан кўриб турибдики, жамият бутунлай чокчокидан сўқилиб бўлган. Энди у сиёсий мавқеини сақлаб қолиш илминжида.

**Бахтиёр КАРИМ:** — Абдуқодир ака, партия ўз умрини узайтириш учун курашмоқда, дедингиз. Шундай бўлса, нега бунинг учун иқтисодий ёки мафкуравий ислохотлар ўтказмапти? Лаоқал ўз манфаати нуқтаи назаридан шундай қилиши керак эди-ку.

**А. З.** — Аслида, марксизмда ижодий тафаккурга ниҳоятда катта ўрин берилган. Дейлик, жамият тараққиёти уни 50-100 йилдан кейин

қаерга олиб боришни доимо олдиндан кўра олиш зарурлиги таъкидланади. Бироқ негадир, партия раҳбарлари бунга эътибор бермаганлар, ҳозир ҳам қаратмаптиларки, бу жуда ачинарли ҳолдир.

**Б. Т.** — Ҳозир фанда шундай бир соҳа юзага келаяпти. «Ҳалокатлар назарияси» деб аталадиган бу соҳа янги қонуниятлар назариясини илгари суради. Бу назарияни иқтисодчилар, математиклар, механиклар жуда чуқур ўрганишмоқда. Шу назарияга кўра, ҳар қандай система ўз тараққиётининг маълум бир босқичида ўзининг шундай бир нуқтасига етадики, ўша ерда синиш юз беради, агар шу синиш пайтини ўз вақтида англаб етиб, синиш юз бермай туриб эски система янги системага ўрнини бўшатиб бериш билангина ҳалокатнинг олдини олиш мумкин. Агар пишиб етилаётган янги кучларга ўз вақтида эътибор берилмаса, зиддият янада мураккаблашади ва ҳалокат муқаррар бўлиб қолади. Қайта қуриш бошланган даврда биз ўша узилиш-синиш нуқтасига яқинлашиб қолган, лекин турли хил сиёсий-иқтисодий ислохотлар билан ҳалокатнинг олдини олиш мумкин эди.

**А. З.** — Бахтиёр айтаётган назарияни нафақат социализмнинг биздаги сунъий моделига, балки ҳар қандай жамиятдаги табиий моделга нисбатан ҳам айтиш мумкин.

## Мубҳам тенглик — амалий тенгсизликка тенг

**Х. Д.** — Жамиятда кечаётган ўзгаришлар ҳар бир индивидга таъсир кўрсатмай қолмайди. Биздаги ҳодисалар ёшлар тарбиясини қай аҳволга солади?

**А. З.** — Ёшлар тарбиясига бевосита алоқадор бўлган бир нарсани айтиш. Менга қаранг, коммунистик партиянинг сўнги дастурида коммунистик ахлоқ кодекси баён қилиб берилган. Лекин бизнинг жамиятимиз социализмга тўғридан-тўғри келган эмас, бўйнидан бўғиб олиб келинган. Аслида эса ёшларни тарбиялаш бобида бу жамиятнинг ўз қадимий қадриятлари мавжуд бўлган, хусусан Ўрта Осиё халқларида. Коммунистик ахлоқни ёшларга синдириш усуллари эса на назарий, на амалий жиҳатдан ишлаб чиқилган эмас. Бизнинг тарбиямизда эса бутунлай бошқача ҳолат юз берган. Ибн Мискавайхнинг «Таҳзиб-ул-ахлоқ ва таъсирул-аъроқ» деган китоби бўлган, яъни «Ахлоқни тўғрилаш ва одамларни тозалаш». Унда инсоннинг ахлоқи назарий жиҳатдан биттама-битта айтиб ўтилиб, уни оилада, мактабда, мадрасада қандай жорий этиш кераклиги ипидан-игнасиғача ёзилган. Коммунистик тарбияда ғоя такомиллаштирилганда унинг амалий дастурини ишлаб чиқишга эътибор берилмаган. Бу ёғи нима бўлди? Фалсафада одам ижтимоий муносабатлар мажмуаси, деган гап бор. Агар ижтимоий муносабатларни одамдан олиб ташласангиз, у соф биологик вужуд. Одамни инсон сифатида шакллантирган омиллар ижтимоий муносабатлардир, яъни одоб, ахлоқ. Агар ўша ижтимоий муносабатларни ёшларга синдира олмасак, борини синдириб ташлаган бўлсак, унда бугунги ёшларнинг аҳволи не кечади?! Турган гап — Ёшларнинг тарбияси бутунлай қўлдан чиқариб юборилганлиги сиз айтган фожиаларнинг юзага келишига сабаб бўлади.

**Х. Д.** — Қўпол қилиб айтганда, агар хушёр бўлмасак бугунги ёш авлодни инсон сифатида тарбиялаш ҳозирги тўфонлар чоғида издан чиқиб кетиш хавфи борми?

**А. З.** — Муқаррар шундай!  
**Бахтиёр КАРИМОВ:** — Мен миллий масала хусусида гапирмоқчи эдим. Ҳозирги тўқнашувларга сабаб бўлаётган асосий муаммо — миллий мустақилликка эришишдаги машаққатлар. Бу борада, Сталиннинг мухториятлаштириш назарияси тараққиётга анча путур етказди. Бу назария миллий мустақиллик — истиқлолни инкор этади. Ваҳоланки, миллий мустақиллик — бу умуминсоний қадриятлардан бири! Европа халқлари ўз миллий давлатларини тузиб олгунга қадар озмунча урушдими, энди эса улар ҳамкорлик устида бош қотирмоқдалар. Менимча, ССЖИнинг жамики жумҳуриятлари миллий мустақилликка эришадиган пайтлар келди. Масалан, ҳатто гагаузлар ҳам мустақил давлат тузишга ҳаракат қилмоқдалар. Бу жуда табиий ҳол, бунга қарши турган куч охир-оқибат мағлубиятга учрайди. Шу маънода ҳозирги ҳукумат ҳар бир жум-



Алишер ФАЙЗУЛЛАЕВ — Олмани тақсимлашнинг энг мақбул йўлини биласизми?

ҳурият учун мустақил давлат тузишга йўл очиб берган чоғидагина низолар барҳам топади.

Авваллари Сталин концепцияси миллий мустақилликка имкон бермаган. Умуман мустабид жамиятда шахс учун ўз истагини амалга ошириш имкони яратилмаганлиги сабабли миллий ҳаракатлар ўзини намоён қила олмаган эди. Ошкоралик шароитида бу ҳаракатлар ҳам юзага қалқиб чиқиб, ўз ҳуқуқларини қайтиб олмоқчи. Бу ҳуқуқлар 70 йил аввал шўро халқларидан тортиб олинган эди. Бугун эса бундай сиёсатнинг асоратлари шахснинг ҳуқуқларини таъминлаш борасида юзага қалқиб чиқмоқда. Бизда шахслар миллатидан қатъи назар ўзаро тенг деб айтилади. Аслида миллатни ҳисобга олган ҳолда ўзаро тенг бўлиши керак. Яъни ҳар бир миллий давлат ўзининг таркибида яшаётган фуқароларнинг миллатини ҳисобга олиб, тенглигини таъминлаб бериши керак. Миллатни инкор этиб таъминлаш — бу масалага абстракт — мубҳам ёндошиш бўлади. Мубҳам тенглик — амалий тенгсизликни юзага келтириши мумкин. Авваллари Сталин концепцияси бўйича миллатнинг қадри инобатга олинмасди. Кичик миллатларнинг устидан қора чизик тортиб юборишга ҳаракат қилинди, ваҳоланки бу башарият қаршисидаги олий жиноят эди.

Агар эндиликда миллий сиёсатни йўлга қўйишга ҳаракат қилар эканмиз, бунда бир принцинга амал қилмоғимиз керак. Мен бунга «этносизм», деб атадим. Яъни, ҳар бир миллатнинг тилини, урф-одатларини, қадриятларини қадрлаб уларни сақлаб қолишга бел боғлаш. Бунда жамики миллатлар бир-бирига ёрдам қўлини чўзиши керак ва ўз-ўзини сақлаб қолган ҳолда, ўзини намоён қилиб, ривожлансин. Бугунги кунда халқлар этносистик гуманизмга ўтиши керак. Ҳозир биз гуманизмга — инсонпарварликка эътибор берамиз, этносизмни унутамиз. Аслида эса шахсни ҳам, миллатни ҳам қадрламоғимиз керак. Бу соҳа ҳали бизда мутлақо ўрганилмаган.

**Б. Т.** — Кечирасиз, гапингизни бўламан, сиз жуда нозик масалани ўртага ташлаясиз. Бу бевосита ёшларнинг тарбиясига ҳам боғланиб кетади. Биз тарбия жараёнида кўпинча қадимий миллий қадриятларни инкор этиш йўлидан бордик. Оқибатда, тарихимиздан узилиб қолдик. Кимки тарихидан маҳрум экан, тарихий тараққиётнинг узлуksизлиги, бузилиши туфайли, унинг келажаги ҳам бўлмайди. Этносизм илми ўз қадриятларини, тарихини ривожлантиришга ҳар бир халқнинг ўз имконияти етади деб таълим беради. Шу боис бир шахс мисолида айтсак, мен ўз халқимнинг фарзанди сифатида унинг ўзига хос хусусиятларини ўз-ўзидан биламан ва унинг тараққиётига ҳисса қўлиши имконим бор. Бордию, мени тарихимдан маҳрум этсалар, халқим тараққиётига ҳисса қўлиши имконидан маҳрум бўламан. Афсуски, бизда шу ҳодиса юз берди. Шунинг учун ҳам ёшларга ўтмишимизга муҳаббатли муносабатда бўлишларини маслаҳат берадим.

**А. З.** — Этносдан, яъни ўз тақдирдан ажралиб қолишдан келиб чиқадиган фожиалардан бири шундаки, Айтматов манқурт образи орқали ифодалагандек муайян миллат ўз тарихи, ўзининг миллий асосларидан фахрланиш у ёқда турсин, аксинча уяладиган бўлиб қолади. Бунга тарихдан кўп мисоллар келтириш мумкин. Миллатини эслаш, яъни «сен ўзбексан» деган гапни эшитиш ҳақоратдек жаранглаш хавфи туғилди.



Бахтиёр ТУРАЕВ — хушёрроқ одам пишиб етилаётган зиддиятларни олдиндан пайқатиш мумкин.



**Б. К.** — Сталин концепцияси асосида миллатга берилган таърифда назарий жиҳатдан бўш томон бор эди. Бу камчилик шундан иборатки, худди инсоннинг кўли бор, оғзи бор, бурни бор деб айтиб чиққандек, у ҳам миллатни иқтисодий, худудий, тил, психологик бирликлари бўлиши шарт деб таърифлаган. Бундай зоҳирий таъриф инсоннинг моҳиятини очиб бермаганидек, бу ҳам чуқур билим бермайди. Миллатнинг моҳияти бутун дунё миллатларининг муносабатлари мажмуасидан келиб чиқади. Миллий муносабатлар силсиласи шу миллатнинг ўзига хос хусусиятини белгилайди. Сталин сиёсати натижасида миллатлар умумдунё муносабатларга кириша олмайдиган бўлиб қолди. Яъни, ҳар бир миллат ўз моҳиятини йўқота бошлади. Бугунги кунда миллий низоларнинг кучайиб кетганлигининг асоси ҳам шунда.

**Х. Д.** — Қайта кўриб чиқишда маҳаллий зиёлиларнинг, норасмий жамоаларнинг ҳам фикр-мулоҳазалари, талаб-истаклари ҳисобга олинадими?

**Б. К.** — Шубҳасиз, бу борада зиёлиларнинг ҳиссаси катта бўлади. Норасмий ҳаракатлар таърибидан ҳам кўз юмиб бўлмайди. Фақат ҳозирги бу тоифадаги ҳаракатлар янги сифатий босқичга кўтарилмоғи зарур. Умуман, мавжуд расмий-норасмий уюшма ва жамоалар фаолиятдан қатъи назар миллий масалаларни ўрганадиган нуфузли илмгоҳ — институт очиш жуда-жуда зарур.

## Миллий муносабатлар ёхуд олмани тақсим- лашнинг энг мақбул йўли

**Х. Д.** — Ҳақиқатан ҳам, ўзбекмиз деб кўксимизга урамиз, миллий анъаналаримиз андоғдир-мандоғдир деб мағрурланамиз, «Қани, хўш, ҳозирги ўзбекининг соф ўзига хос фазилатлари ёхуд хусусиятлари нимада?» деган савол кўндаланг кўйилса тайинли жавоб айтолмаймиз. Жумладан, ҳозирги ўзбекларнинг жаҳон халқлари билан муносабати, ҳозирги ўзбек маданияти, хунармандчилиги, урф-одатларидаги ўзгаришлар, оила тутишидаги ангилликлар, гўзаллик тушунчалари, динга, имон-эътиқодга, қолаверса жиноятга муносабати ва ҳоказо муаммоларга ойдинлик киритадиган — шунга ўхшаш масалаларни жой-жойига қўйиб ўрганадиган тайинли марказ йўқ.

**Б. К.** — Масалан, ўзбеклар билан месхети турклари ёки қирғизлар ўртасида тўқнашув келиб чиқди. Бу тўқнашувнинг аниқ ва туб сабаблари нима эди, деган саволга жавоб олганимиз йўқ. Эртага шундай келишмовчилик бошқа қайсидир миллат билан юз бермайди, деб ким кафолат бера олади? Ҳеч ким!

Бордию, мен таклиф қилаётган илмгоҳ бўлса, у ерда миллатлараро муносабатларни кузатиш, тадқиқ этиш, башорат қилиш ишлари илмий равишда йўлга қўйилса, бу улғу мақсадларга хизмат қилган бўлур эди. Мен шу ният баён этилган таклифларимни жумҳуриятимиз Олий Кенгашига йўллаган эдим, афсуски у ёқдан қўл учиде ёзилган жавоб билан кифояланишди.

**А. З.** — Менинг назаримда бизда умуминсоний, ахлоқий кадриятлар жуда кучли. Ёшларда ҳам шундай. Бундай фазилатлар кейинги асрда ҳам халқимизнинг, жумладан ёшларимизнинг асосий белгилари сифати бўлиб қолади. Фақат ҳозирги жараёнларнинг фожиалилиги ёшларимизнинг ҳафсаласини пир қилмаслиги керак.

Биз ўзбеклигимизни йўқотмаймиз!

**Х. Д.** — Ўзбеклигимиздан уялмаймиз ҳам!

**А. З.** — Мутлақо! Айрим ҳолатлар қанчалик фожиали бўлмасин, халқимизнинг туб фазилати — умуминсоний кадриятларни ҳамма нарсадан юқори қўйиш сифатлари албатта сақланиб қолади.

**Х. Д.** — Сўз — Алишер Файзуллаевга. Психолог сифатида сиз ҳам муносабат билдиринг.

**А. Ф.** — Тасаввур қилайлик, биз коммунал уйда яшаётган, бу уй бошқа уйлардан ажратилган эди. Темир девор билан. Биз уйимиз дунёдаги энг кўркам уй, бошқа ҳеч кимда йўқ бундай уй деб ўйлар эдик. Энди-энди бундай қарасак, уйимизнинг аҳволи танг: томи илма-тешик, девори хароб — қулай деб қолибди. Уйни қайта қуришдан ўзга иложу чора йўқ!

Бу уйда бирталай ака-укалар яшар эдилар. Уларнинг орасида оилалиси бор, энди уйланиш арафасида тургани бор. Бири алоҳида яшаш истагида, бошқаси шу ерда қоламан дейди. Учинчиси яна бировига қарам. Тўртинчиси эса — мустақил. Хўш, шундай пайтда нима қилиш керак? Бир

уйни созламоқ ёки қайта қурмоқ учун одатда аввал режа, ҳисоб-китоб қилиб олинади. Қурилиш ашёлари келтирилади. Уста ва мардикор чақирилади. Биров ўзича паҳса урса, бошқаси деворга миҳ уриб, деразасига парда осган билан уй қайта қурилиб қолмайди. Иш бошладан аввал режалаштириб олинади. Режалаштирганда ҳам қатта ака ёки кичик ука томонидан эмас, балки ҳамма билан ҳамкорликда, баҳамжиҳат барча ака-укаларнинг эҳтиёжи ҳисобга олинган ҳолда режалаштирилади.

Биз нима қилдик? Ҳар ким кўлидан келганича хароба уйнинг у ер-бу ерига ямоқ солишга киришдию, лекин бояги укалар етилиб қолганини, уларнинг ҳам ўзига яраша эҳтиёжи, истаги борлигини унутдик. Худоба шукур, энди ҳалиги темир дарвозаю деворлар бузилди, бундай қарасак, нариги томонда бири-биридан гўзал, бири-биридан дангиллама уйлар қатор-қатор қад ростлаган, одамлар эмин-эркин яшаётган экан. Уйлар озода экан. Ҳар бир ака-ука ўзининг уйига эга экан. Қўшнилари билан бир-бирига муносабати гўзал, маданӣ экан. Хуллас, уларни кўриб, билиб ўзимиз солаётган ямоқлардан уялиш, норозилик пайдо бўлди. Ҳалиги ажралиб чиқмаган, уйланаман деганларнинг норозилик овози бир-биридан баландроқ келиб, ҳар хил низолар пайдо бўла бошлади. Қарабизки, ҳамма ёқ галвагарчилик.

Одатда зиддиятли ҳолатларда 5 хил ечим бўлади. Тасаввур қилинг, икки киши битта олмани таллашиб қолди. Битта йўли — биринчи киши олмани тортиб олади. Иккинчи йўли — ўша одам олмани бериб қўтилади. Учинчи йўли — олма ўртадан тенг тақсимланади. Тўртинчи йўли — олма девордан отиб юборилади. (Сенга ҳам, менга ҳам эмас қабилда). Бешинчиси — иккала киши бир-бирининг эҳтиёжидан келиб чиқиб муросага келишади. «Ке, менга олманинг шу қизил жойи ёқади. Шу еридан бир тишлай» дейди. Иккинчисига кўк жойи ёқиши мумкин. Еки, биринчисига олманинг пўсти маъқулу, иккинчисига эти ёқади, дегандек. Хуллас ҳар икки томон хурсанд!

Бизда нима бўляпти? Уйнинг харобалигини бирдан кўриб қолган ва таъмирлашга ижозат олганларнинг бири ҳеч ким билан ҳисоблашмай ҳар ким ўзабошимчалик қиляпти. Жумҳуриятлараро, миллатлараро муносабатларда шундай ҳолат кузатиляпти. Бир нарсадан воз кечилса олмани тақсимлашнинг тўртинчи йўлидагидек ит-қитиб юбориляпти. Ваҳоланки, воз кечилаётган нарса кимгадир зарурдир, эҳтимол?! Е бўлмаса, бутун Иттифоққа бир хил қонун чиқарилади — олмани кўр-кўрона ҳаммага тенг тақсимлагандек. Ахир, бунақаси ҳам одилона эмасда! Дўппини ерга қўйиб олма ҳар кимга эҳтиёжига яраша тақсимланмас экан, ҳозирги оғир аҳволдан қутулиб бўлмайди.

## Шахс кадрияти давлат кадриятидан устун

**А. Ф.** — Бояги — шахс масаласига қайтсак, менингча, бу борада олдинда яна бир катта қайта қуриш турибди. Бу — шахсни қайта қуриш! Ҳали бу масала ҳеч кимнинг хаёлига келмаётгани йўқ. Албатта, дунёқарашимиз унча-мунча ўзгарди. Сўз эркинлиги, дунёқараш эркинлигига эга бўлдигу, лекин шахсимиз ҳали қайта қурилаётгани йўқ. Эски ақидаларимиз, эски қарашларимиз ҳамон ҳукмрон. Юз бераётган ҳодисалар кишилар дунёқарашининг моҳиятига етиб бормади, яъни моҳиятга айланмаёпти.

Юқорида миллатнинг ўз-ўзини англаш хусусида ҳам гапирилди. Менингча, асосий нарсалардан бири — шахснинг ўз-ўзини англаш! Узоқ йиллар давомида шахснинг роли ерга уриб келинди. Жамият ривож қандайдир объектив дунёқарашларга бўйсунди, шахсга унчалик боғлиқ эмас, деган фикр кўп йиллар давомида одамларнинг онгига қўйиб келинди. Ваҳоланки, иқтисодий, сиёсий қонулар билан бирга шахсий қонуларни ҳам эътиборда тутмоғимиз лозим. Биз кўп йиллар бадалида давлат кадрияти билан шахс кадрияти бир-бирига зид келиб қолса давлат кадриятини биринчи навбатга қўйдик, шахс кадрияти эса ўнинчи, йигирманчи, мингинчи ўринга сурилди. Гўё давлат учун шахснинг чумолича кадр йўқ. Мен, бу борада Достоевский ва бошқа алломаларнинг фикрига қўшиламан. Биринчи навбатда шахснинг кадриятини давлат кадриятидан устун қўяман. Негаки, давлат шахсга шароит яратиб берадиган, шахсни ривожлантириш учун бир восита бўлиб хизмат қиладиган, шунга кўмаклашувчи нарса бўлиб қолиши керак, акси эмас.

Ўзбекларнинг келажаги масаласига келсак, мен шуни айтишим мумкинки, ҳозир турфа тоифадаги шахслар, дунёқарашлар пайдо бўляпти. Биров, айтилик, дин йўлини танлаётди, иккинчиси Ғарбга, Ғарбдагиларнинг маданиятига қизиқаяпти ва ҳоказо.

Фикримча, бизга унисиям, бунисиям керак. Миллат шундагина ривожланади. Йўқ, ўз билгимдан қолмайман, деб бошқаларни қисиб, инкор этиш миллат ривожини таъминламайди.

Мени хавотирга солаётган нарса — ўз қобиғимизга ўрналиб қолиш. Тарихга мурожаат қилсак бошқа миллатдан, бошқа маданиятдан ажралаб, ўз ёрига ўзи қовурилган миллатлар фақат зарар кўрганни биламиз. Шунинг учун ўз-ўзимизни англаш бошқалар билан мулоқотни йўқотмаслик асосидагина рўёбга чиқишини мутлақо унутмаслигимиз керак.


**Б. ТУХТАБОЙ:** — Алишер ака, сиз бир неча бор АҚШда бўлиб қайтдингиз, Америка ёшларида миллий ифтихор туйғуси борми?

**А. Ф.** — Шуни айтиш керакки, Америка — муҳожирлар мамлакатидир. Америкада ўзга миллатларга тоқатлилик кучли. Тўғри, муаммолар ҳам бор. Кимдир бу ўлкага 200 йил аввал Европандан келган бўлса, биров 5 йил бурун Осиёдан кўчган. Бу нарса кўзга кўринади.

Улардаги миллат гурури давлат гурурига яқинроқ туради. «Америкаликман» деган гурур бор. Мисол учун уйга ёки ётоқхоналарга кирсангиз, ҳар бир уйда Америка байроғини кўришингиз мумкин. Қолбуки, уларни ҳеч ким байроқ осибга мажбур қилмаган. Бу — миллий гурур!

Кези келиб қолди. Илгари биз Американи фақат қора бўёқларда кўрсатардик. Энди эса уни идеаллаштиришга уриниш кучайди. Менингча, бу иккала йўл ҳам нотўғри. Тўғри, Америкадан биз кўп нарсани ўрганишимиз керак. Лекин ўз тарихимизни ўрганиб, ўз йўлимизни танлашимиз, ўз бошқариш тартиботимизни топишимиз керак. Худди ўз миллий тарихидан фойдаланган ҳолда ўз бошқариш йўсини кашф қилган японлар сингари.

**Б. К.** — Бошқариш масаласи ижтимоий ривожланишда муҳим аҳамиятга эга. Айниқса, меҳнат жараёнларини ривожлантиришни бошқариш жамият ривожини учун ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Агар меҳнат фаолиятидаги шахснинг интилишини, қизиқишини, тарихий келиб чиқиш анъаналарини инobatга оладиган бошқаришни ташкил қила олсак жамият жуда катта силжишга эришади.



Бобур ТУХТАБОЙ — «Социализм ва тараққиёт тушунчалари зид» деб ёзаверайми?

Биз ҳам жумҳуриятда ўз бошқариш системани ярата олсак меҳнатимиз жуда унумдор бўлади. Ўзбекининг келажаги ҳақида айтадиган бўлсак, ўзбекининг қиёфасини Ўзбекистонсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Ўзбекистон қандай юксак мавқега етишса, ўзбек ҳам шу қадар юксалади, Ўзбекистоннинг мавқеи ҳам ўзбекларнинг, хусусан, ҳозирги ёшларнинг камолига боғлиқ.

**А. З.** — Ана ўшанда Ўзбекистон халқаро ҳам-жамиятнинг табиий-таркибий қисми бўлган мустақил давлатга айланади.

Сухбатни: Бахтиёр ИБРОҲИМОВ ва Бобур ТУХТАБОЙ ёзиб олдилар.



# Фан оламнига саёҳат

«ВИКТОРИНА — САВОЛ-ЖАВОБ ҲАМ ҲАМРАЎДА» ГА МАРҲАМАТ!



Азиз муштарийлар! Сизларнинг илтимосларингга кўра бу йилдан бошлаб «Еш куч» саҳифаларида «Фан оламнига саёҳат» рубрикаси остида «Викторина — савол-жавоб ҳами» ташкил этмоқдамиз. Унда сиз фан оламидаги янгиликлар, қизиқ-қизиқ воқеалар билан танишиш баробарида турли фан соҳасидаги дунёвий билимларингизни ҳам синая кўрасиз. Тўғри, саволлар сизни бир оз ўйга толдириши табиий. Лекин бош қотирган, китоблардан қидирган унга жавоб топа олади. Келгусида бу саҳифани сиз азиз ўқувчилардан келган хатлар, саволлар асосида тузмоқчимиз. Унда ҳар бирингиз қатнашишингиз мумкин. Ҳабиблар журналда эълон қилиб борилади.

## Математика

### Ҳайлаб топ!

Мана сенга беш жумбоқ,  
Сен уларни ҳайлаб топ!

1. Буюк Пифогордан сўрабдилар:

— Сизнинг мактабингизга қанча ўқувчи қатнашади ва улардан нечтаси суҳбатларингизни эшитишади?

— Менинг ўқувчиларимнинг ярми математикани ўрганишади, тўртдан бири музикани, еттидан бири сукут сақлаб ҳаёл суриш билан машғул бўлади, улардан кейин эса яна 3 ўқувчи қолади, — деб жавоб қилибди Пифогор.

Қани сиз ҳам бир бош қотириб ҳайлаб кўринг-чи, Пифогорнинг қанча ўқувчиси бўлган экан?

2. Етти кишининг ҳар бирида 7 тадан мушук бор. Ҳар бир мушук 7 тадан сичқонни ейди. Ҳар бир сичқон эса бир ёз давомида 7 буғдой бошоғини гумдон қилади, бу йўқотилган ҳар бир буғдой бошоғидан эса 7 ҳовуч дон ўсиб етилар эди.

Шундай қилиб, мушуклар шарофати билан бир йилда неча ҳовуч дон кутқариб қолинган экан?

3. Беш ҳўкиз ва 2 қўй 11 таел туради (таел — Хитойнинг асосий пул бирлиги). 2 ҳўкиз ва 8 қўй 8 таел туради.

Айтингчи, 5 ҳўкиз сотиб унинг пулига неча қўй харид қилиш мумкин?

4. Одам дарё кечувидан қайиқ ёрдамида бўри, эчки ва қарам билан ўтиши керак. Қайиққа эса одам билан бирга фақат ё бўри, ёки эчки ё бўлмаса қарам жойлашади холос. Агар бўри эчки билан қолдирилса, одам бўлмаса бўри эчкини еб қўяди, агар эчки қарам билан қолдирилса, у қарамни еб қўяди. Одам билан бирга бўлишганларида эса ҳеч бири ҳеч нарсани емайди. Хуллас ўша одам дарёнинг у қирғоғига бўри, эчки ва қарам билан ўтиб олибди. Қани бир фикрлаб кўринг-чи, у одам бу ишни қай тариқа амалга оширган экан?

5. Отаси ўғиллари Чарлз ва Робертга 100 доллар қолдирди. Агар Чарлзнинг учдан бир улушини Робертнинг тўртдан бир улушидан айриб ташласак 11 доллар қолади. Топинг-чи, ака-уканинг ҳар қайсиниси қанчадан доллар олган?

## Қора денгиз ростдан қорами?

Нега Қора денгиз деб аталади? Денгизга-ку шу номни беришган экан, хўш унинг қоралигига қандай қилиб ишонса бўлади? Бунинг қийин жойи йўқ.

Темир пластинка олиб уни узун арқонга боғлаймиз-да, денгизда 150 метр чуқурликка тушираемиз. Ва бир неча дақиқа ушлаб тураемиз. Кейин тортиб олиб қарасак, темир пластинканинг барча қисми қоп-қора рангга бўялган бўлади.

Қора денгиз-ку биздан узоқда, яқин бўлганда бу тажрибани ўзингиз амалга ошириб ишонч ҳосил қилардингиз.

Хўш, бу ерда қандай ҳодиса юз берди? Пластинканинг қорага бўялишининг сирини мада?



## География

### Ўлкамизни ўрганинг

1. География термини биринчи марта қачон ва ким томонидан қўлланилган?

2. «Европа» ва «Осиё» сўзларининг маъноси нимани билдиради?

3. Ўзбекистон аҳолиси ва майдонининг салмоғи бўйича Иттифоқда нечанчи ўринни эгаллайди?

4. Буюк ўзбек олимларидан қайси бирини ўрта Осиё географиясининг асосчиси дейиш мумкин?

5. Абу Райҳон Берунийнинг географияга бағишлаб ёзган қандай асарларини биласиз?

6. Жумҳуриятимиз ҳудудининг қанча қисми тоғларга ва қанчаси текисликларга тўғри келади?

7. Қунига 30 қақиримдан йўл босганда Ўзбекистон чегарасини неча кунда айланиб чиқиш мумкин?

8. Япония, Мексика, Греция, Бельгия давлатларидан қайси бири Ўзбекистон билан деярли бир кенгликда жойлашган?

9. Жумҳуриятимиз шимолдан жанубга неча градус ва неча қақиримга чўзилган?

10. Тошкент, Урганч, Термиз шаҳарларида кутб юлдузи горизонтдан неча градус бурчак остида кўринади?

## Географик топишмоқ

Бриз бу шаҳар эмас, у нима?  
Айсберг бу вулқон эмас, у нима?  
Жунгли бу халқ эмас, у нима?  
Саванна бу дарё эмас, у нима?



## Муроджон УНГАРОВ расмлари. Пергамент нима?

Қадим замонларда, яъни қоғоз кашф этилгунга қадар аждодларимиз ёзув материали сифатида ундан фойдаланишган. Пергамент мол ёки бузоқ терисига ишлов берилиб тайёрланган. Унинг ҳар икки томонига ҳам ёзилган. Бундай тери ҳам, ёки унга ёзилган қадимги кўлёзма ҳам пергамент деб аталган. Сув, ёғни ўзига шиммайдиган қилиб ишланган қоғозга ҳам шу ном берилган.

Қачонлардир пергаментдан ўроғли хат сифатида ҳам фойдаланилган. У букилиб ўралса ҳам сира унга шикаст етмас, синмас эди. Келажак китобини пайдо бўлишида ҳам у муҳим роль ўйнаган. Ўша вақтларда ундан тайёрланган илк китоблар худди ҳозирги дафтарга ўхшар, иккига қатланган варақ шаклида бўлиб ип билан тикиларди. Бу дафтар шаклидаги китоблар маҳсул тахтачалар орасига жойланарди. Кейинчалик бундай тахта муқовалар ўрнида тери ишлатила бошлади. Бора-бора китобнинг янги шакли — кўп варақлиси юзага келди. Ҳозирги китобларнинг авлодлари Европада ўрта асрларда худди шу йўл билан ўз ўтмишдошларидан пайдо бўлган эди.

«Викторина» саволларининг жавоблари журнализмнинг кейинги сонларидан бирида эълон қилинади.



# ҚИССАСУЛ АНБИЁ

Рабғузийни биласизми? «Қиссасул анбиё» китобинчи? Ҳойнаҳой боболарингиз ҳикояларида ёки отин ойлларнинг тилидан эшитгандирсиз. Мактабда сизга, «араб алифбосида ёзилган китобларнинг бари диний, ҳаммаси ёлғон» деган бўлсалар ҳам ажаб эмас. «Қиссасул анбиё» асари эса узоқ замонлардан буён халқимиз севиб ўқиб, асраб-авайлаб келган ёзма ёдгорликлардан бири. Унинг муаллифи турк наsrининг шаклланишига ва ривожига катта ҳисса қўшган, туркий арузни, хусусан туркийда тасаввуф шеърининг бошлаб берган мумтоз сўз санъаткори Носириддин Бурҳониддин ўғли Рабғузийдир. У XIII аsrнинг охири XIV аsrнинг биринчи ярмида яшаб, ижод этган ва биз уни биргина, лекин, доноликларга бой «Қиссасул анбиё» асари орқали таниймиз. Асар адибнинг шахси билан ҳам таништирадиган ягона манба ҳисобланади.

Ёдгорлик муқаддимида келтирилган «Бу китобни тузган, оз оз уғлуғ Работ Уғузнинг қозиси Бурҳониддин ўғли Носириддин» жумлаларига кўра олимларимиз адиб Хоразмнинг Работ Уғуз деган мавзедан бўлиб, у ерда қозилик қилган, «Рабғузий» тахаллуси «Работ Уғуз»дан олинган деб кўрсатадилар.

Рабғузийнинг қачон туғилгани, яна қандай асарлар ёзгани шу пайтгача номаълум бўлиб келмоқда. Рабғузий бу асарни Ислонни қабул қилган мўғул бекларидан бири Носириддин Тўқбуға талабига кўра «тарих етти юз тўққизинда, ит йилининг ўнинда» бир йил ичида ёзиб тугатади. Бу мелодий 1310—1311 йилларга тўғри келади.

Асар анъанавий кириш — ҳамд билан бошланади, сўнг китобнинг ёзилиши сабаби, муаллифининг ўзи ҳақида хабар берувчи сўзбоши келади.

«Қиссасул анбиё» етмиш икки қиссадан иборат бўлиб, ундан ўрин олган ҳикоят ва ривоятлар, халқ оғзаки

ижоди, тарихий асарлар ва «Таврот», «Инжил», «Қуръон» каби муқаддас китоблар асосида яратилган. Араб ва форс-тожик тилларини яхши билган, ўз давригача бўлган она тилини чуқур эгаллаган Рабғузий арабий, форсий манбалардан ижодий фойдаланиб, ўзбек тилида мустақил асар ярата олган.

Гарчи 20 — 30-йилларда кўп китоблар қатори «Қиссасул анбиё»нинг ноёб нусхалари йўқотиб юборилган бўлса ҳам бахтли тасодиф туялган унинг бир қанча қўлёзма ва босма нусхаларига эгамиз.

Асарнинг XV аsrга оид қўлёзмаси Лондонда, XVI аsrга оид нусхаси Ленинград давлат кутубхонасида сақланмоқда. Элликка яқин қўлёзма ва тошбосма нусхалари Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Беруний номидаги Шарқшунослик институтида ҳамда Ҳ. Сулаймонов номидаги қўлёзмалар институтида асралмоқда.

Асарнинг қўлёзма ва босма нусхалари турли йилларда маърифатимизнинг фидойи ва жонкуяр тарғиботчилари томонидан кўчирилган ва чоп этирилган. Чунончи, татар маърифатпарвари Раҳматулло Амирхон ўғли «Қиссасул анбиё»нинг турли қўлёзмаларини солиштириб, унинг танқидий нусхасини яратади. 1859 йилда Қозон дорилфунуни босмахонасида бостириб чиқаради. Шундан сўнг асар 1891 йилгача олти марта нашр этилади.

Бу нашрларни юзага келтиришда Маҳмудхон Мифтоҳиддин ўғли, Мулло Асқархўжа, Ориф Мусо ўғли, Мулло Назарбек Муҳаммад ўғли, Абдулқосим Самарқандий, Акмалхон, Солихўжа эшон каби ношир ва хатотларнинг хизматлари катта бўлган.

Дастлаб «Қиссасул анбиё» ҳақида рус олими Н. Остроумов, татар адабиётшунослари Г. Азиз ва Г. Раҳим муҳим фикрлар билдиришган. Шунингдек турли даврларда профес-

сор Фитрат, Н. Маллаев, Т. Ғафуржонова, Ҳолид Расул, Шорасул Зунун, Иброҳим Ҳаққул ушбу асарга доир тадқиқотлар олиб бордилар.

Шунга қарамай, «Қиссасул анбиё» ҳали махсус ўрганилган эмас. Унинг дунёвий характердаги ўнлаб ҳикоятлари бугунги кунда ҳам гоёта муҳим ахлоқий-маърифий аҳамиятга эга. Ҳикояларда дунёвий адабиёт учун хос бўлган меҳнатсеварлик, ватанпарварлик, тўғрилик, ҳалоллик, инсонпарварлик, имон ва эътиқодда устиворлик, катталарга ҳурмат, кичикларга иззат, билим олиш, касбунавар эгаллаб халққа хизмат қилиш каби ижобий хислатлар тарғиб қилинади. Инсон ҳаётини хавф-хатарга солувчи, унга нафрат ва кулфат келтирувчи урушқоқлик, текинхўрлик, очкўзлик, ёлғончилик, фикрсилик, майший бузуқлик каби салбий феъл-атворлар қораланади.

Бу ҳикоя ва ривоятларда тарихий шахслар, ярим тарихий-ярим афсонавий, фантастик одамлар, азиз-авлиёлар, ҳаким ва моликларнинг ҳаёти ва фаолияти баён этилади. Рабғузий реал ҳаётга бўлган муҳаббатни куйлаб, дунёвий иш ва ташвишларга бўлган рағбатни ифода этиб, чекланган ахлоқ-одоб кўринишларини танқид қилиб, унга юксак инсоний эътиқодни қарши қўяди.

Мисол учун Аюб тўғрисидаги ҳикояни олиб кўрайлик.

Рум шаҳрида истиқомат қилувчи Аюб алайҳиссалом яхши хўйлиғ,

зардор, гани киши эди. Бир киши у яшаб турган шаҳарда оғир тан жароҳати олиб, кўчада ётиб қолади. Яраси тезда тузалмай, ёмон сассиқ бўй пайдо қилади. Енидаги ҳовли эгаси ундан жирканиб, бу ердан бошқа ерга жўна, деб уради, сўқади. Шу пайт Аюб ўтиб қолади. Дардлик киши раҳм қилинг, ҳайдамасин, юргани мажолим йўқ, деб арз қилади. Аюб

Навой УСМОНОВ чизган расм.



## ҲАЗРАТ

**Х**икоят қилибдурларки Ҳазрат Лукмон халқга кўп манфаат еткурур эрдилар. Ҳар киши пул-мол қарз олса бегуноҳ қарз-ҳасна берур эрдилар. Бир кун бир одам келиб минг мисқол олгун қарз олдилар. Олгонидан ҳеч киши йўқ эрди. Бу киши кўнглида тасаввур қилдики, «бермай» деб.

Бир қизил латтага тугуб ёнида қўюб эрди. Гўшт фаҳм қилиб бир қарға олиб қочти. Олиб бориб Ҳазрат Лукмонни олдиларига ташлади. Кўрсаларки, ўзлари кишига берган олгунларидур. Олиб уйига қўйдилар.

Ул киши яна келиб минг мисқол олгун керак, дедилар. Яна минг мисқол олгун бердилар. Кўнглида айдик, «аввалда ҳам киши йўқ эрди, алҳол ҳам киши йўқтур» деб бадният бирлан бир катта сувдин ўтуб борур эрди, қўлидин сувга тушуб кетти. Ҳарчанд истади — тополмади. Ул кеча Ҳазрат Лукмон гусл қилғоли тушуб топиб олиб, уйларига қўйдилар.

Ул киши яна минг мисқол олгун лозим, деб келди. Яна бердилар. Яна ёмон ниёт қилиб эрди, ёнидан тушуб қолди. Кўчада Ҳазрат Лукмонга учради. Олиб ҳам олиб бориб уйларига қўйдилар.

Алқисса, тўртинчи навбат мулоҳаза қилиб айдиларки, «Лукмондин уч минг таंगा қарздор бўлдим. Эмди илож йўқ, яна андин минг мисқол олгун олиб савдогарчилиғ қилиб тўрт минг таंगा халос қилиб ўзумни қутқарай» деб яна минг мисқол олгун олиб савдогарчилиғ қилиб, савдодин фойда кўруб, тўрт минг мисқол олгун олиб Ҳазрат Лукмон алайҳиссаломни хизматларига келди.

Ҳазрат Лукмон минг мисқолни олдилар, андин қолгонни олмадилар. Бу киши ҳайрон қолди. Лукмон айдилар:

— Аввал мендин минг мисқол зар олдингиз,

ул ҳам менинг кўлимга келди, ало ҳаз ал-қиёс (худди шунингдек) уч мартабадаги ҳам менга тегди. Бир минг мисқол сизда ҳаққим бордур. Бу киши хушқоҳ бўлуб, уч минг таंगा олгунни олиб кетти.

\* \* \*

Ҳазрат Лукмон бир кун мунодий қилдиларким, «ҳар ким қарз-ҳасна олса менинг қошимга келасун» деб.

Бир шаҳардин бир киши келиб қарз олди. Келтуруб бермади. Ани олиб келғоли фарзандларини юборур бўдилар. Айдилар:

— Эй ўғлум, йўлда борғунча бир марди калон ҳамроҳ бўлса, ани сўзидин ҳаргиз чиқманг, ёлғуз дарахтни тагида ухламанг, шаҳарга кирганда бир хотун кўрсатурлар, ҳаргиз олманг, пул олгон кишининг уйида қўнманг.

Уғуллари шаҳардан чиқиб бир фарсанг йўл юруб эрдилар, бир марди калон ҳамроҳ бўлди. Вақтеки, бир дарахтга егдилар ул пир:

— Шу дарахтни тагида бир нафас ётоли, — дедилар.

Бу ўғул:

— Отам ёлғуз дарахтни тагида ором олма деб эрдилар, — деди.

Пир аиди:

## ЛУҚМОН

(«Қисаси Рабғузий»дан)

— Йўлда бир марди калон учрар, ани сўзидан ҳам чиқмағил, деб насихат қилмадимму? — дедилар.

Ондин кейин тушуб ул дарахтни соясида ётиб эрди, бу дарахтдин бир илон тушуб қасд қилди. Ул пир илонни ўлдириб, бошини олдилар, тўрвага солиб қўйдилар.

Андин ўтуб шаҳарга кирдилар. Одамлар бир хушрўй мазлумани олғил, деб далолат қилди. Олмадилар.

Пир аиди:

— Олғил, аммо мендин берухсат яқинлик қилмағил, — дедилар.

Ул хотинни олдилар. Пир илонни бошини берди. Айдилар:



уй эгаси рост айтибди, бошқа жойга кет, деб жавоб қилади.

Шунда дардли киши дили оғриб, «Пайгамбаринг менга раҳм қилмади, менинг дардимни унга ҳам бергил» деб худого ёлворади. Илтижоси мустажоб бўлиб, Аюб баданида қуртли жароҳат вужудга келиб, у сурункали азоб тортишга гирифтор этилади. Жаброил: «Эй, Аюб, нега касал кишига раҳм қилмадинг?» деб панд-савол беради. Аюб бу сўзларни худонинг қахридан дарак берувчи нидо деб билиб, руҳий азоб чекади. Касал кишини излайди, аммо топа олмайди. Шундан сўнг ўз гуноҳини ювиш учун касалманд, заиф кишини парвариш қилади, хайр улашади. Охирида жароҳати тузалади.

Билдикки, Рабғузий яратган Аюб образи илоҳий қудратга эга бўлган афсонавий пайгамбар эмас, балки инсонга хос фазилат ва камчиликлардан ҳоли бўлмаган, кеч бўлса-да ўз айбини англаб, олижанобликка қадам қўйган раҳмдил, кичик кўнгил киши образидир.

Жаброилнинг сўзларини эса инсоннинг ўз виждони олдидаги ички кечинмалари деб қабул қилмоқ керак.

Жамол Камол диний тафаккурга қуйидагича баҳо беради:

«Дин — тарих, дин — тажриба, дин — тарихий маърифат ва донишдир. Елғиз угина эмас, дин — меҳр ва шафқат, инсоф ва диёнатдир, инсоният ўзи устидан ўрнатган олий назоратдир... худо — восита, назорат воситаси, мақсад эмас. Мақсад — инсонга шафқат, инсоф ва адолат». («Еш ленинчи» рўзномаси, 1989 йил, 19 август)

«Қиссасул анбиё»ни синчиклаб ўқиган киши бу фикрлар, жумладан Рабғузий каби адиблар ижодининг ўзак магзини кўзда тутиб айтилганига ишонч ҳосил қилади.

Қирқ тўртинчи қисса — «Асқоб-ар Раҳим»нинг воқеасига эътиборингизни қаратмоқчимиз.

Булар уч тан эрдилар. Сайру томоша учун сахрога чиқиб эрдилар. Кўп ёмғур ёғди. Бир горга кирдилар. Ул горнинг озини бир тош (тепадан) келиб тутиб қолди. Қамалиб қолдилар.

Айдилар: «Алло, ёмғур кўп ёғди. Бовужуди тош сарпўш бўлиб қолди. Йўлимиз манқатъ бўлди», деб уч кун ётдилар. Ўзлари ҳам уч тан эрдилар. Бирлари деди:

— Аллох, бир кун уйимга бир мардикор олиб келиб ишлаттим. Муздини бермадим. Айдим:

— Эй, биродар, эртага ҳам келинг. Ул киши «хўп» деб, эртасига келмади. Они муздига бир товук олдим. Ул товукни тухумини сотиб, бир сийир олдим. Ул сийирдан нечанд моллар қилдим. Бир куни ўтиб борсам, ул йигит гадо бўлиб юрибдур. Ул мол — сийирларни анга бердим. Агар қилган ишим даргоҳинда маъкул бўлгон бўлса, шуни ҳаққи-хурмати кушодлиг бергил, деб эрди. Горни учдан бири очилди.

Яна бирлари:

— Аллох, кўп вақт бурун шаҳримиз қаҳатлик бўлди — эл бесару самон бўлди. Уйимизга бир хушрўй хотин кирди. Қўлини тутиб эрдим, айдики, «Менга доҳил қилмагил, ҳазрат ҳақ-субҳона таоло қахридан қўрқил». Мен сени қаҳриндан қўриқиб, хотинга яқинлик қилмадим. Агар ушбу қилгон ишим маъкули даргоҳи бўлгон бўлса, ани хурмати-дин кушодлиг бергил, деб эрдик, насаки очилди (ҳолати ўзгарди).

Яна бирлари:

— Худоё худовандо, ҳар куни мен отамга бир кўза сув олиб бориб берур эрдим. Бир кун қаҳратон кишида туриб, сув олиб келдим. Эшик маҳкам. Отам ухлаб ётурлар. Агар эшикни очсам, уйғонурлар, деб эшикда пойлаб турдим. Совуқдан идишдоғи сув яхлаб қолди. Мен ҳамма азобни ўзимга кўрдим. Ани хурмати-дин кушодлиг бергил, дедилар — ҳаммаси очилди. Булар ўз жойларига кетдилар.

Тан олиш керак, ҳикоянинг сюжети пухта ишланган. Шу билан бирга кизиқарли ва ширали.

Уч ўртоқнинг саёҳатга чиқиши, ёмғирда қолиши, гор ичига қочиб кириши, тоғдан думалаб тушган тошнинг айна улар турган жойга келиб тўхтаб қолиши, ҳар бир сайёҳнинг ўз бошидан кечирган воқеалардан бирини ҳикоя қилиб беришлари, гордан соғ чиқиб кетишлари ҳикоя фабуласини (асосини) ташкил этади. Ҳар бир киши саргузашти ҳам алоҳида-алоҳида мустақил ҳикоя бўлиб, бош ҳикоядан тармоқланиб кетган. Ҳикоя шу қадар табиий ва ҳаётийки, сиз ҳам улар билан бирга бўлгандек ҳис этасиз ўзингизни. Чиндан ҳам одамлар бирор нарсани биргалашиб кутсалар ёки сафарда дам олиб ўтирсалар бир-бирларига ўз бошларидан кечирган воқеалардан

сўзлашадилар. Бу жиҳатдан олиб қараганда Рабғузий ҳикояси «Минг бир кеча» ва «Чор дарвиш» эртақларини ёдимизга солади.

Тошни ҳам, горни ҳам, ёмғирни ҳам ҳозирча бир четга қўйиб турайлик. Дикқатингиз бу уч одам нима ҳақида сўзлар экан, деган ўйда бўлсин. Биринчи ҳикоячи мардикор йигитнинг ҳалол ҳақини вақтида бермаганидан нафратимиз ошади. Сўнг инсоф ва мардлигига тан берамиз. Иккинчи ҳикояда уйига бегона хотин тиланчилик қилиб келганда унга нисбатан ахлоқсизлик қилмоқчи бўлган, сўнг аёлнинг бир оғиз сўзи билан тубан ниятидан қайтган кишига раҳмат айтамыз. Учинчи йигитнинг ҳикояси эса беихтиёр ўз ота-онамизни ёдимизга солади. Биз улар хизматини ўрнига қўйган бўлсак севинамиз, агар менсимай, нонкўрлик қилган бўлсак, ичимиздан зил кетиб, изза тортамыз.

Уч ўртоқнинг ТОШ сабабли горда қамалиб қолиши — ҳаётда киши бошига тушиши мумкин бўлган тасодифий кўргулик ва кулфат, ногаҳоний тухмат ва адолатсизлик рамзи. Бу оғир синовдан омон чиқиш ёки чиқмаслик инсон ўз умри давомида қандай яшаганлиги, ўз вақтини не ишларга сарф этганлигига боғлиқ. Адиб бу билан «Эй, одам, сени гаму кулфатдан доим тўғрилиқ, ҳалоллик ва садоқат кутқаради», деганидир.

Адабиётимиз ва маърифатимиз мақсади фикрловчи, яъни, яхшини ёмондан, ҳалолни харомдан, тўғрини хатодан, фойдани зиёндан ажрата олувчи, дунёдаги барча эгуликларнинг меросхўри бўлган инсонни тарбиялашдир.

Демак, Рабғузийнинг «Узум ҳикояти», «Ҳазрати Луқмон ҳикояти», «Учар отлар», «Фиръавн ҳақида», «Довуд ҳикояти», «Сулаймон ва чумоли» асарлари каби «Асқоб-ар Раҳим» ҳикояси дунёвий-ҳаётий асар сифатида бугунги кунда ҳам бизнинг хизматимизда. «Қиссасул анбиё» адаб гулзори бўлса, унда ибралар ҳикоялар шу гулзорнинг чечакларидир.

Икром ОСТОНАҚУЛОВ,  
Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институтининг илмий ходими.

лари бирлан шаҳардин ташқари зиндон қилдирув анга солиб, озини беркитиб қўйиб эрди. Ҳазрат Луқмонни хўрақларига қирқ ботмон мавиз олиб кириб эрдилар. Минг йил анда қолдилар. Ул подшоҳ ўлди. Неча вақтдин сўнг бир подшоҳ бўлди. Бир пир киши айдики:

— Фалон вақт подшоҳ Луқмон деган Ҳакимни икки ўғли бирла зиндонга солиб, зиндонни озини маҳкам қилиб эрди. Неча йил бўлди — нечук бўлди экан?!

Шу замон подшоҳ киши йигиб ўзи отланиб бориб чоҳни ёнидан лаҳм қовлаб кириб кўрдилар. Икки ўғли ўллубдур. Аммо ўзини нафаси бор.

Чиқиб айтдилар. Андин сўнг нечанд аҳли ҳикматлар тушдилар. Хўп яхши эҳтиёт қилиб кўрдилар. Пўстлари нозик бўлуб турур, аммо қўл тегса гўштлари кўчуб кетар эрди. Ҳикмат бирлан бир бисот устига фахта (пахта) солиб ётгон жойларида тўшақни тутуб Ҳазрат Луқмонни тўшақ устига юмалатиб олиб, уч кун тургуздилар. Тўртинчи куни сариғмой бирлан шира қилиб бир қошиқдин уч вақт оғизларига қўйдилар. Егги кундин сўнг кўзларини очдилар. Андин кейин кундин-кунга дармон кириб сўзладилар...

Ҳазрат Луқмонни бу тарика риёзатлар тортоқликларини боиси улким, бир кун икки ўғиллари бирлан бир ердин ўтуб борур эрдилар. Бир чумчуқ уясига кўзлари тушти. Болалари чумчуқ болаларини тутуб беринг, деди. Ҳазрат Луқмон ковакга латта тиктиларики, қайтуб келурда олурмиз деб. Мутлоқ ёдларидин чиқиб кетти. Чумчуқни икки боласи бор эрди, ўлди.

Ўзи рамақ бўлиб (чалажон) ётти. Неча фурсатдин кейин ёдларига келиб оносини чиқариб юбордилар. Ўғлонларига йиглаб айдиларки, жазомиз шулки, биз ҳам зиндонга тушуб, сизлар анда ўларсиз, мен яна чиқарман дедилар.

## ВОҚЕАЛАРИ

— Бу кун мунда кўнунг, эрта бирлан берай, — деди.

Қабул қилмаб эрдилар, марди калон «Қўнгил», деди. Қўндилар. Ул киши буларга дарёни лабига ўрун солиб берди. Аммо ўзин ўғлига дарёдин йироқ ерга солиб берди.

Ул марди калон:

— Ўз ўғлига ўрун солгон жойда ётгил, — дедилар. Анда ётдилар. Бойни ўғли келиб дарёни лабига ётдилар эрса, кечаси дарё мавж уруб, бойни ўғлини оқизиб олиб кетти. Ҳазрат Луқмонни ўғиллари саломат қолди.

Эртаси пулни олиб йўлга чиқиб яна шул марди калон (мўйсафид киши) билан ҳамроҳ бўлдилар.

Ул марди калон айдилар:

—Эй ўғул, менинг маслаҳатим бирлан ўлумдин ҳалос бўлдинг, менга нима берурсан? Бул ўғул айди:

— Ҳар нимани хоҳласангиз олинг.

Ул пир:

— Менга ҳеч нимарса даркор эрмас, мен хизр-дурман, — деб ғойиб бўлдилар.

\* \* \*

Ҳикоят қилибдурларки, Ҳазрат Луқмонни вақтларида бир подшоҳ дарғазаб бўлиб икки ўғлон-

## ҲАКИМ

— Бу илонни бошини ўтга солиб, хотинингни тагига тутмасанг бўлмас.

Бу ўғул ани ўтқа солиб ул хотунни тагига тутуб эрдилар. Ул хотуннинг тагидин бир илон тизи устига тушуб ўлди. Аммо илон ул хотунни бачадонида захар солиб ўлдурур эрди — мундоғ қилиб нечанд кишилар ўлгон эрди. Ҳар ердин мусофир — савдогар келса, бу хотун йигит ўлгондин сўнг мол-амволдин олур эрди.

Алқисса, бу йигит хотунга яқинлик қилди. Эртасига ул хотунни қавм-қариндошлари ул йигит ўлгондир деб келса, ўлмабдур — таажжубга қолдилар. Сўрдилар — хотун воқеани бир-бир баён қилди.

Алқисса, ул пул олгон кишига бордилар.



# ЖОФФИЗИМ

*Машҳур ҳофиз Маъмуржон Узоқов ҳақида оналаримиздан кўп эшитамиз. Лекин у киши ҳақида ҳеч нарса ўқимаганмиз, суратларини кўрмаганмиз. Йлгимос, ушбу талабимиз ерда қолмаса.*

Дилафрўз ҚУЛИЕВА,  
Тожикистоннинг Ҳисор ноҳиясидан.

**Х**алқимиз ҳурматлаган ва ардоғида ҳанузгача ўлмас қўшиқларини — исми билан бирга фахр билан хотирланиб келаётган халқ ҳофизи Маъмуржон Узоқовни ким билмайди дейсиз.

«Соғиниб», «Йиғлади», «Фигонким», «Айрилмасун», «Парво этиб кет», «Жонон бўламан деб» каби қатор лирик тароналарни тинглаганимизда кўз ўнгимизда парда танламас, авжларининг поёни йўқ, ёшу-қариларнинг ҳаммасига ҳам баробар ёқиб тушадиган ноёб, табиий, сеҳрли, хушовоз соҳиби Маъмуржон Узоқов келади. Лекин бу асл ҳофизни кўрмаган ёки унинг дилкушқ суҳбатидан баҳра олмаган шинавандалар бўлсачи?

Гўзал Фарғона водийсининг Марғилон шаҳрида 1904 йили дунёга келган, оддий бўз тўқувчи хунарманд оиласида меҳнат билан катта бўлган ёш Маъмуржоннинг санъатга бўлган чексиз муҳаббати бир неча ўн йиллар ичидаги тинимсиз изланишлар, халқ йўриғидаги ялла ва патнисаки «Катта ашула»лар, шу билан бир қаторда санъаткор учун жуда муҳим бўлган классик мақомимизнинг бир қанча шўъбаларини кунт билан ўрганиб кенг халқ оммасига ўзининг юрагини ва тилагини қўшиб куйлаб обрў-эътибор қозонишлар ривож топа борди.

Маъмуржон Узоқовнинг қўшиқ куйлашдаги яна бир ибратли жиҳати шундаки, у қўшиқ учун асос бўлган шеър ёки ғазалнинг ҳар бир байти ва сўзларига алоҳида аҳамият билан ёндошарди. Қўшиқ шеъридаги шоирнинг асл мақсадини тингловчига аниқ етказишга ва мазмунини оширишга ҳаммиша интилиб сидқидил куйлашни одат қилган эдилар. М. Узоқов ўзининг асосан лирик қўшиқчилигини шоир Фурқатнинг дардли ғазалларига ҳамдардлик билан ёндошган ҳолда куйлашни, ундаги халқпарварлик, халқ учун фидожонлик каби фикрларни сеҳрли авжиларида ифода этишни олий мақсад қилиб қўйган эдилар. Жумладан:

*Ҳар кеча ишқингда, жоно, кўзларим қон йиғлади,  
Лола қон ютдию, охуйи биебон йиғлади.  
Кечалар анжум эмас, ерга тўкилган он қадар —  
Раҳм этиб, ҳолим кўриб, гардуни гардон йиғлади.*

Бу мисралардаги чуқур ўкинч ва ёрдан жудолик каби дилхунлик ҳолатларини кенг халқ оммасига куйлаб етказа олган Маъмуржон Узоқовнинг бетақрор ҳофизлиги туфайли ҳанузгача халқимиз дилида яшаб келмоқда. Катта Фарғона каналида, Каттақўрғон сув омборида, Тошкент каналида, Фарход ГЭСи каби қурилишларда баркамол қўшиқчи Маъмуржон Узоқовнинг ҳам ҳиссаси бор, албатта. Ҳалима Носирова, Ғанижон Тошматов, Мукаррамахоним Турғунбоева, Тамарахоним, Гавҳархоним, устози — Жўраҳон Султоновлар билан бир сафда бўлиб, буюк қурилишларни барпо этаётган халқимиз гайратига-гайрат, шижоатига-шижоат қўшган. Айниқса Ж. Султонов билан ҳамнафасликда куйлаган ўша йиллардаги шижоатли халқ қурилишлари таъсирида яралган «Фарҳондинг келур», «Норин», «Каналимга келинг», «Найлайин» каби тароналарнинг куйланиши ҳар сафар байрамона кайфият бахш этар эди.

1952 йили Ўзбекистон халқ ҳофизи Маъмуржон Узоқов Тошкентдаги Ўзбекистон Давлат эстрада театрига ишга таклиф этилди. У устози Жўраҳон Султоновнинг тадбиркорлиги туфайли «Сурагинг», «Кўзларинг», «Эй, чехраси тобоним», «Ер истаб ва мустаҳзод», «Йўлинг» каби қатор янги қўшиқлари билан санъат ихлосмандларига танилди ва тез орада унинг довуғи бутун Ўрта Осиё бўйлаб тарқалди.

Маъмуржон ака Фурқат ғазаллари билан айтиладиган қўшиқлари қаторида мавлоно Муқимий

ғазалларини куйлаш тараддудига киришди. «Намоён қил», «Айрилмасун», «Шўҳи паривашга», «Якка бу Фарғонада» каби тароналари шулар жумласидан.

Кейинги йилларда Маъмуржон Узоқов Ўзбекистон радиосида, эстрада театрида яккахон лирик ҳофиз сифатида халқимизга холисанилло хизмат қилди. Айниқса Ўзбекистон радиосининг нодир қўшиқлар ёзуви хонаси бетақрор қўшиқлар билан бойиди.

Маъмуржон Узоқов чинакам халқ ҳофизи эди, зеро у қариялар дуосига, ёшларнинг самимий раҳматларига сазовор бўлди. Ҳа, у чинакам халқ суйган ва ардоқлаган санъаткор эди. Ахло-

санъати ва адабиёти ўн кунлигида рўй берган воқеани унуттиш қийин: Московлик йирик профессор санъатшунослардан бири намойиш этилган катта концертлардан кейин Маъмуржон ака хузурга келиб устозингиз ким? — деб сўрайди. «Устозим — Жўраҳон ака!» — деган жавобни эшитган профессор ҳайратдан ёқа тутиб, «Италия қўшиқчилиги мактабини битирган бўлсангиз керак!» — деб ўзбек ҳофизининг истеъдодига тан беради.

1963 йилнинг 12 июнь куни Марғилоннинг сўлим боғида Тошкентдан сафарга борган ўзбек академик драма театрининг йирик санъаткорларини ўз хонишлари билан хушнуд этмоқчи бўл-



ку-одоб, инсоний муомала, камтаринлик, вадасига вафодорлик каби фазилатларни ўзида мужассамлаштиришга эришган эди. Маъмуржон Узоқовнинг ҳаёти ва ижодиёти ҳақида фикр юришининг ўзи санъат оламидаги бир қанча муаммоларни кўз ўнгимизда гавдалантиришга кўзгу вазифасини ўтай олади. Чунки М. Узоқовнинг забардаст санъаткорлиги: суҳбатда дилкашлиги, нозик таъб ва ҳушёрлиги, ҳар қандай шароитда ҳам яхшилик устулигини исбот эта олиш каби инсоний фазилатлари барча санъат аҳлига бундан кейин ҳам маданий мактаб бўлиб қолаверади. 1959 йили Москвада бўлиб ўтган Ўзбекистон

ган Маъмуржон Узоқов яқин улфатларидан бўлиши Шукур Бурхоновнинг ёнида ўтириб, ликобча тутиб, катта ашуланинг авжига чиққанда жони узилди. Бу кутилмаган ҳодиса бутун санъат аҳлини, шу билан бирга ўзбек халқини ларзага солди.

Ажойиб хонанданинг вафоти ўзбек қўшиқчилиги мухлисларининг қайғусига айланди.

...Орадан 20 йил ўтмоқда — Маъмуржон Узоқов ҳамон эл ардоғида, унинг санъати ғойибона шогирдлар, шинавандалар қалбида давом этмоқда.

Озод КАРИМОВ,  
санъатшунос.



**Н**аврӯзда бош кўтарган ҳар бир ниҳолнинг ўз гўзаллиги бўлганидек, инсон баҳорини безовчи гўзалликлардан бири — унинг илк севгисидир. Шундай экан, ҳар бир инсон шу гўзаллик ниҳолини асраб-авайлаб ва унинг мевасидан баҳраманд бўлишга интилмоғи керак. Бу гўзаллик ниҳоли — севги нима ўзи?

Севги — олий инсоний сезги. Бу сезги шу қадар катта таъсирчан кучга эгаки, баъзан инсон ўз хатти-ҳаракатларини назорат қилишга қурби етмай қолади. Айни мана шу даврда шўх-ўйинқароқ ўспиринлар қуйилиб қолишади. Энди улар дунёга умуман бўлакча кўз билан қараб, табиатдаги бор гўзалликларни яққол англаб, бу гўзалликни аввал сезмаганликлари учун ҳайрон ҳам бўлишади. Мактабда, кўчада ва жамоат жойларида ўзлари учун азиз бўлиб қолган инсонни излашдан кўзлари толмайди, кўзлари тушгач эса юракларининг тепиши тезлашиб, юзларига қизиллик югуради. Беихтиёр у томонга

ли қилишим мумкин? Қандай қилиб севгимни асраб қолишим мумкин?» деб кимга мурожаат этишларини билмай изтироб чекадилар.

Севиш ва севилишдек бахтга муяссар бўлган ҳар бир ўспирин ўз севгисини пок сақлаши ҳамда уни мустаҳкамлаш учун изланмоғи керак. Севишганлар кузатув орқали бир-бирларини шу қадар чуқур ўзлаштириб оладиларки, натижада бошқалар учун сезилмайдиган гўзаллик ва камчиликни фақат уларгина кўра оладилар.

Бас, шундай экан, энди улар севган кишиларидаги камчиликни бартараф этиш йўлини излашлари ҳам шарт. Демак, севгини сақлаб қолиш йўлларида бири ўз севгисини тарбиялашдан иборат экан. Бироқ тарбиялашдан бурун севгилисининг қандай жиҳатларини тарбиялаш кераклигини билиш жуда зарур. Бунинг учун сизларга қуйидаги жадвал тавсия этилади. (Жадвалга истаганингизча ўзгартириш киритишингиз мумкин).

тўлдириш мақсадга мувофиқ. Учинчи жадвални тўлдириб уни аввалги иккитаси билан қиёслайсиз. Қарабсизки, ўзингиз кузатаётган одамнинг фазилатлари ҳам, нуқсонлари ҳам ойдек равшанлашаверади — унинг фазилатидан қувониб, нуқсонларини бартараф этиш йўлларида излашга киришасиз.

Юқорида айтганимиздек, ўзимиз ёқтирган, кўнглимизга яқин кўрган одамимиздаги айрим нуқсонларни йўқотишда ёрдам беришингиз ҳеч қандай ёмон жойи йўқ. Шундай экан, қўлимиздаги феъл-атвор кўрсаткичларидан келиб чиқиб ўша кишини тарбиялашингиз мумкин. Тарбияга киришганингизни яхшиси, ўша одам билмагани маъқул.

Мисол учун у одам математикага қобилияти бор дейлик, аммо бунинг ўзи сезмайди. Нима қилиш керак? Бунинг учун у билан кўпроқ математика ҳақида суҳбатлашиш, баҳслашиш, буюк математиклар ҳаётидан мисоллар келтириш керак. Шу тариқа унинг яширин қобилиятини юзага чиқаришингиз мумкин.

# МУҲАББАТНИ АСРАЙ ДЕСАНГИЗ...

қарагиси келади. Бундай дамларда ҳар бир ўсмир ўзига «менга нима бўлди» деб савол бериши табиий. Бу саволга жавоб битта — бу — севги таъсири. Агар сиз севган инсон ҳам сизга нисбатан худди сиздек таъсир остида бўлса бундан ортиқ бахт йўқ.

«Севиш, — деб ёзганди Антуан де Сент Экзюпери, — бир-бирига термулишгина эмас, балки бир мақсад сари интилишдир». Бу мақсад ҳаётда бирга бахтли бўлишдан иборат эканлиги ҳеч кимга сир эмас.

«Ҳаётда бирга бахтли бўлиш» деган ибора замирида мустаҳкам оила қуриш маъноси ётганини тушуниш мақсадга мувофиқ. Оила тинч ва мустаҳкам бўлса маҳалла тинч бўлади. Маҳалла тинч бўлса юрт тинч бўлади. Оила қуришга ҳозирлик кўраётган ҳар бир ўсмир шунинг унутмаслиги керакки, мустаҳкам оиланинг пойдевори пок ва синалган севгидан мустаҳкамланади.

Агар ўсмирга «Севишдан мақсадингиз нима?» деб савол берсангиз, шубҳасиз уларнинг кўпчилиги «Севишдан мақсад бир одамни бахтли қилиш» деб жавоб берадилар. Ана шу кўпчиликни ташкил этган ўсмирларга «севгилингизни қандай қилиб бахтли қилмоқчисиз?» деган иккинчи саволни кўндаланг қўйса, улар ўйланиб қолишлари табиий.

Келинг, сизни биров бўлса-да ўйлантриб қўйган иккинчи савол ҳақида мулоҳаза юритайлик. Ҳар бир шахс севиш ҳуқуқига эга экан, демак севгилисини қандайдир йўл билан бахтли қилиш ҳуқуқига ҳам эга. Унга ҳеч ким «ундай қил», «бундай қил» деб кўрсатма бера олмайди. Аммо, кўпчилик ўсмирлар «Севган кишимни қандай қилиб бахт-

№ Хусусиятлар	Ҳа	Йўқ	№ Хусусиятлар	Ҳа	Йўқ
1. Иродали			16. Ута таъсирчан		
2. Дангаса			17. Енгилтак		
3. Қизиққон			18. Бардошли		
4. Беқарор			19. Гиначи		
5. Рашкчи			20. Жанжалкаш		
6. Елғончи			21. Олифта		
7. Хаёлпараст			22. Тажанг		
8. Ўзига ўта ишонувчан			23. Шафқатсиз		
9. Тақлидчи			24. Эзма		
10. Ўта ишонувчан			25. Қўрқоқ		
11. Лапашанг			26. Қўрс		
12. Аразчи			27. Қизганчиқ		
13. Сир сақлайдиган			28. Қайсар		
14. Ваъдабоз			29. Ҳовлиқма		
15. Яширин қобилияти бор.			ва ҳоказо		

Жадвалдан фойдаланиш осон. Ҳар бирингиз ўзингиз ёқтирган ўсмир ё қизни кузатсангиз унинг феъл-атворидаги шу хусусиятларни топасиз. Ва жадвалнинг «ҳа» ёки «йўқ» бўлинмасидаги ўша хусусият рўпарасига «+» белгисини қўйиб чиқасиз. Мисол учун: иродали бўлса «ҳа» бўлмасига, дангаса бўлмаса «йўқ» бўлмасига «+» белгисини қўясиз, натижада истаган кишингизнинг феъл-атворини аниқлайсиз. Жадвални бир марта тўлдириш билан кифояланмаслик керак. Уни ҳар ойнинг маълум кунинда аввал тўлдирилган жадвалга қарамасдан қайта

Баъзан «фалончига сира гап уқтиролмадим-уқтиролмадим-да» ёки бўлмаса, «ҳамма айб ўзимда, унинг камчилигини йўқотишга бошидаёқ киришмадим-да» қобилидаги афсусланишлар қулоққа чалиниб қолади. Худди шундай кечиккан афсусланишларга йўл қўймаслик учун ҳам бир-биримизга, хусусан кўнгилларимиз яқин кишиларга ҳушёр бўлмоғимиз лозим. Ана шундагина кишилар бир-бирларини, севишган қалблар бир-бирини бахтиёр қила оладилар.

**Лутфулла ТУРСУНОВ,**  
ТошДД ўқитувчиси, руҳшунос.

## Фақат дардмисан, севги?..

(Мактублардан сатрлар)

Муҳаббат илоҳий кучдир. Уни эъзозлаш керак. У ҳаммага ҳам насиб этавермайди.

Муҳаббат ташқи ҳусни эмас, дилни танлайди. Шу боис, Муҳаббатни дил билан танлаб, унга содиқ қолайлик.

**Замира ТУРДИМАТОВА,**  
Душанба шаҳар Ҳисор ноҳияси.

Мен хаёлпарастман. Учувчи бўлишни, машина ҳайдашни, спортчи бўлишни ва... сеҳргар бўлишни орзу қиламан. Ешим ўн тўққизда. Севганим мени ташлаб кетди. Бир пайтлар севги бахтсизларни бахтли қилган илоҳият, дердим. Ундай эмас экан. Мен бахтли эдим, бахтсиз бўлдим. Дўст-

ларимдан беркиниб юрадиган қилди мени. Мен сеҳргар бўлганимда қизларни асрадим...

Умида, Гиждувон.

Мен ҳаётни кўркем боғга ўхшатгим келди. Лекин афсус: бу боғ — жиноят боғига ўхшаяпти. Аёллардаги бардош, меҳр-муҳаббат қайларда ҳозир?

**Дилшода БЕРДИЕВА,**  
Шахрисабз.

Мени яхши кўриб юрганди. Ишонаётганим. Энди маҳалладошим билан бир-бирини севишармиш. Мен энди нима қилай?

Мавлуда, 10-синф ўқувчиси, Наманган.

Раъно Соиповаман. 10-синфда ўқийман. Ўзимдан олти ёш катта йигит билан севишганман. Бир кун қишлоғимизда тўй бўлди. Ушанда у мени

тўхтатиб, «Менга тегасизми», деди. Қўлини елкамга қўйган эди, «Олинг қўлингизни» дедим. Шунда тўйга кетаётган бир-икки аёл кўрибди. Қишлоғимизда гап бўлиб кетдим. Гап уйимизга етиб келганда, бўлди тўполон. Сўкиш эшитдим, калтак едим. Ҳатто ҳеч нима емай қўйдим. Зўрға ўзимга келиб, мактабга чиққанимда ҳайрон қолдим. Уқитувчилар мени қаттиқ назорат қила бошлади. Қизлар билан ишлаш бўлими масъули Мусоева менга қаттиқ чоралар кўришини айтди. Мен зинҳор айбдор эмаслигимни, боз устига баъзилардан анча пок эканлигимни айтсам ҳам ишонилмади. «Аёлларни кўрадиган шифокорга кўринасан», дейишди. Аввалига «хўп» дедим. «Фалончи ўзига ишонмай дўхтирга кўрсатиб юрибди» дейишларини ўйлаб розилик бермадим. Визда бу нарса — УЯТ.

Қилмаган гуноҳим учун мен гуноҳқорманми энди? Наҳот тоза севгига ҳеч ким ишонмаса?

Андижон вилояти Избоскан ноҳияси.



# НОМУС ВА УЛИМ

**С**амарқанд вилояти судида Қўшрабат ноҳиясидаги 59-ўрта мактаб ўқитувчисининг жиноий иши кўриб чиқилди. Ҳа ўқувчисини ҳомиладор қилиб, кейин уни отиб ўлдирган Самариддин Уролов (7 фарзанднинг отаси) қилмишига яраша жазо олди...

Мавзу қалтис. Унга қўл урган одам лангар-чўп ушлаган дорбоз ҳолатига тушади. Ҳар бир фикрни обдон ўйлаб кўриш керак. Йўқса, усиз ҳам қутилмаган кўргулик бошига тушган икки оиланинг гамига ҳам қўшиш ҳеч гап эмас. Самарқанд вилоят судида икки томлик жиноий иш билан танишаётганимда тушган ҳолатимни сўз билан баён қила олмайман.

Сухбатдошим — шу ишга қозилик қилган вилоят судининг аъзоси (суратда) Абдуғаффор МАМАДАЛИЕВ саволларимга жавоб бера бошлагач, ўзимни зўрға қўлга оламан.

— Абдуғаффор ака! «Еш куч» журналхонлари учун яхши таниш бўлиб қолган фожиа судда кўриб чиқилди. Муштарийларимизга шу воқеа тафсилоти ҳақида гапириб берсангиз.

— Маъқул. Фожиа журналхонларга яхши таниш, дедингиз. Менимча, фожиянинг кўп нозик қирраларидан «Еш куч» ўқувчилари беҳабар. Агар биз ана шу нозик жиҳатларни имкон қадар тўлароқ ёритмасак, умуман фожиа, хусусан суд ҳукми ёшларга тушунарсиз бўлиб қолади. Эмак, журнал ўқувчилари эътиборига ҳавола этган ҳодисадан чиқарилажак хулоса ҳам мукамал бўлмайди.

1955 йилда туғилган Уролов Самариддин судланмасдан аввал 9 йил ўрта мактабда ишлаган. У ўз кўрсатмаларида 1973 йилда туғилган Холматова Манзурага ўқувчиси сифатида танишини ёзади. Самариддиннинг айтишича, Манзура унга 7-синфдан ишқий хатлар ёза бошлаган. Ўқитувчиси аввалига жавоб хати ёзмаган. Кейинчалик хатлар оқими тўхтамагач, қизга унинг ҳали ёш эканини оғзаки тушунтирган. Қиз томонидан учрашувга таклиф қилинганда ҳам бориб ётиги билан насиҳат қилган. «Чўнтакка бевақт тушган пулдан қулоқнинг тагига ўз вақтида тушган шапалоқ афзал», дейдилар. Насиҳат қизга икки йилча қор қилган. Кейин, 9-синфга ўтгач, Манзура яна хат ёза бошлаган. Самариддин энди қиз билан учрашганда ўзаро муносабатлар жиддийлашиб борган ва... ўқитувчи 8-март байрамга қизга қўл соати тақдим этган. Қиз соатни мактабда тақиб юрган. Ўқувчисида ўзига

мойиллик сезган ўқитувчи 1989 йил 4 апрель куни у билан биринчи марта жинсий алоқада бўлган. Ёз ойларига келиб Манзура Самариддинга ҳомиладор бўлиб қолганлигини айтади. Афсуски, бу воқеалардан на Манзуранинг яқинлари, на мактаб бохабар бўлади.

Келинг, шу ерда бироз мавзудан чекинайлик. Мухбир шарҳи: Қўлимиздаги хатлар ўқувчиларнинг ахлоқ тарбияси билан мактаб, ота-оналар жиддий шуғулланиши даркорлигини билдиради.

«Хурматли «Еш куч!» Сен менинг сирдошимсан. Хатимни журналда чиқар, лекин адресимни ёзма. Мен 7-синфда ўқийман. Мени 9-синфда ўқийдиган Болтабой исмли ўқувчи ўнди. Мен нима қиларимни билмай довдираб қолдим. Ахир мен 8-синфдаги Ғуломқодир ақани севардим-ку? Энди нима қилай? Маслаҳат бер. Болтабойга ўптириб, Ғуломқодир акага тегсам, умр бўйи қийналмайманми? Салом билан Ойсултон».

«Хурматли редакция! Мен 9-«А» синфда ўқийман. 9-«В» даги Назарматни кечаги кунгача севардим. Севимни баён қилиб, унга хат ёзгандим, биз учрашдик. Аммо Назармат менга «сен қиз эмассан» деб туҳмат қилди. Менга бу жуда алам қилди. Мен охири ўйлай-ўйлай ўзимнинг поклигимни унга исботламоқчи бўлдим. Овоқ жойда учрашгач, унга ўзимнинг қиз эканимни, истаса текшириб кўриши мумкинлигини, лекин мен ҳақимда ёмон фикрга боргани минбаъд нотўғри эканини айтдим. Биз у билан жинсий алоқа қилдик...

«Ана, кўрдингми» деган эдим, у «яхши, қиз экансан, лекин барибир сени олмайман» деди.

Хурматли редакция! Сен кўпларнинг ҳожатини чиқаргансан. Менга ҳам ёрдам бер. Адресимни ёзма. Маслаҳатингни интизорлик билан кутувчи сирдошим Тўтиниса».

Редакцияга бир кун Тошкент вилояти Оҳангарон ноҳиясидан 13 (ўн уч) ёшли она кириб келди. Қўлидаги чақалогининг ҳали чилласи чиқмаган. «Хўжайинимни қамқондан чиқариб берингла» деди у. Маълум бўлишича у 6-синфда ноқ 21 ёшли йигит билан мунтазам равишда жинсий алоқада бўлган. Натижада ҳомиладор

қилиниб, уларни бартараф этиш чора-тадбирлари кўрилади. Узим педагог бўлганим учун яна шунга айтишим керакки, ўқитувчилар орасида ҳамон педагог деган мўтабар номни оқлай олмаётган, ўз устида ишламайдиган, бунинг оқибатида болаларга юзак билим бериб, уларнинг келажагига зомин бўлаётганлар, афсуски, учраб турибди. Мактабларда ўқитувчиларни аттестациядан ўтказишдан мақсад ўқитувчилар савия ва маҳоратини аниқлаш ва шунга яраша муносабатда бўлиш. Лекин, бу кўрслик қилиш, инсоний кадр-қийматларини оёқ ости қилиш керак дегани эмас. Асло! Биз Сайфиддин қандай ўқитувчи эди, деган масалага сал кейинроқ қайтамиз.

Ҳозир икки оғиз ўша кенгаш ҳақида.

Биз ўша кенгашдаги воқеа хусусида ўқитувчилар билан суҳбатлашганимизда кўплари раҳбарлар Сайфиддинни танқид қилишганини эътироф қилишди. Лекин унинг шаънига тегадиган гап айтилганлигини инкор этишди. Аммо ўқитувчи О. Тошқувватовнинг сўзлари кишини ўйлантириб қўйди.

«Педагогика кенгашида директор Қилич Муродов ўқитувчи Сайфиддин Шодиевни Сиз аттестациядан шартли ўтдигиз. РайОНОдан келган ходимнинг олдида комиссия саволларига жавоб бера олмадингиз, мени шарманда қилдингиз. Сиз О. Тошқувватовга ўхшаб чаласавод экансиз. Бажарсангиз ишланг, нонингизни оқлаб энг...» деган гапларни айтди».

33-мактаб Мусоқоқ қишлоғида жойлашган. Бир йилча муқаддам шу мактабнинг ўқитувчиси, йигирма олти ёшли йигит, икки норасиданинг отаси, мактаб комсомол ташкилотининг котиби Сайфиддин Шодиев қутилмаганда ўз жонига қасд қилди — ўзини осиб қўйди.

Бундай пайтда, табиийки, энг аввало, нега, нима учун деган саволлар туғилади, турли тахминлар, узун-қисқа гаплар кўпаяди. Тахмин ва гап-сўзларнинг бир учи мактабга бориб тақалаверди.

Хўш, ўша куни мактабда Сайфиддиннинг бўйнига ўз қўли билан сиртмоқ солишга мажбур қилувчи қандай воқеа юз берган эди? Бу саволга жавоб топиш учун марҳумнинг отаси Жуманазар Шодиевнинг муҳарририятга йўллаган шикоятини ўқиймиз.

«1990 йил 12 январь куни мактабда навбатдаги педагогика кенгаши бўлиб ўтган. Бу кенгашда асосан бешта масала кўрилган. Лекин директор Муродов Қилич педагогика кенгашида ўғлимга кун тартибда бўлмаган масала юзасидан саволлар берибди. «Сен аттестациядан шартли ўтдинг» деб ҳақоратлабди. «Комсомол ишларини олиб бормайсан, ўқувчиларни комсомолга ўтказмайсан» деб дўқ-пўписалабди. «Сен дарс бериш қобилиятига эга эмассан, билиминг йўқ» деб шарманда қилибди. Эргашев Нарзулла (директор ўринбосари-ред.) ўтирган жойида: «сен ўқувчиларни бошқара олмайсан» дебди. Ташкилотчи Орзиқулов Боймироз (илмий бўлим мудир — ред.) эса «сени қачонгача машинага ортиб юриш керак» деб ноўрин сўзлар билан ҳақорат қилибди. Бу гап-сўзлардан руҳий таъсирланган ўғлим ўзини ўзи осиб ўлдирди...»

Бундай олиб қараганда, юқоридаги сатрларни ўқиб, мактаб раҳбарлари талабчанлик қилган экан, фақат Сайфиддин танқидга чидамай иродасизлик қилибди-да, деган хулосага келиш мумкин. Чунки педагогик кенгашлар ҳамма вақт таълим-тарбия жараёнининг муҳим муаммоларига бағишланади, ютуқлар оммалаштирилади, нуқсонлар чуқур таҳлил

бўлиб қолгач, ота-онаси уйдан ҳайдаб юборган. Ота-она йигитни судга беришибди. Оҳангарон ноҳия халқ суди йигитни 4 йил озодликдан маҳрум қилишга ҳукм чиқарибди.

Манзурага қайтсак. Манзура ўқитувчисига уйда ўзини осмоқчи бўлганини, аммо бунинг уддасидан чиқа олмаганини айтади. «Ўқитувчи» ўқувчисига бу фикри хато эканини айтиб, насиҳат қилади. Шу куни кечқурун у Самариддиннинг уйига келиб «бугун мени ўлдирасиз, бўлмаса шарманда бўламан» дейди. Самариддин уни оғилхонага яшириб, кейин тўйга кетади. Кечқурун ширакайф қайтиб келиб Манзурага «фикрингдан қайт, ёмон бўлади» деб насиҳат қилади. Манзуранинг қарори эса қатъий эди. Улар кечаси оғилхонадаги эски милтиқни олиб кимсасиз тепаликка боришади. Шу куни кечаси ўқитувчи Самариддин Уролов милтиқ билан Манзуранинг юрагига ўқ отади. Ярим соатдан сўнг, Манзуранинг ўлганлигига ишонч ҳосил қилгач, унинг мурдасини 7 метр чуқурликдаги кимсасиз ертўлага ташлаб юборади.

Манзура ўша куни Самариддинга ўз ихтиёри билан ўлаётганлиги ҳақида маълум қилган хатини уйдаги шолча тагига яширганмиди?.. Унда Манзура нима деб ёзган экан?

«— Салом онажон. Хўп хайр. Мана бугун 17 ёшга тўлган қизингиз вафот этмоқда. Майли, ҳаммаша соғ ва саломат бўлингизлар. Мана 2 йилдирки опамларнинг остонасига қадам босолмадим. Энди менинг ўрнимга ҳам тез-тез бориб турингла. Онажон, хўп хайр, қизингиз ҳам кетмоқда тупроққа тўлганиб. Янгам, акам, укаларим ҳамда синглим, ҳамма-ҳаммаси соғу-саломат бўлишсин. Мени шу вақтгача катта қилганларнинг учун жуда катта раҳматлар айтаман. Мени ўқитган ўқитувчиларимга ҳам раҳматлар айтинг.

Акаларим, укаларим ҳаммаша бахтли бўлишсин. Ҳамзура эрталоқ катта бўлиб, менинг ўрнимни билдирмасин. Мен учун ҳам опамларникига тез-тез қидириб келиб турсин. Умр бўйи бахтли бўлингизлар. Менинг бундай қилганимнинг сабаби жонимдан тўйиб кетдим. Эссиз, опамларникига бора олмадим. Бундан кейин ҳам бормасликка кўзим етган эди. Майли, ҳаммаша тинч бўлишсин.

Соғ ва саломат бўлиб қолингизлар, деб қизингиз Манзу.

Мана мен кетмоқдаман дунёдан мангу.

Онажон, ўқитувчиларга китобларимни топширингизлар.

Сафаройда 2 та рўкам, 1 сўм пулим бор, бошқа ҳеч кимда ҳеч нарса йўқ, дугоналаримга ҳам салом деб қўйинг, пахтага яхши бориб келишин».

Ушбу хат Холматова Манзура хонасидан топилаган. Суд-хатшунослик экспертизаси уни Манзуранинг ўзи ёзганини тасдиқлаган. Шу сабабли суд судланувчи С. Уролов Холматова Манзурани унинг розилигига кўра отган, деб ҳисоблади.

— Қотиллик содир қилгандан сўнг Уролов жиноятни қачон бўйнига олди?

Бир дақиқа ўзимизни Сайфиддиннинг ўрнига қўйиб кўрайлик. Фараз қилинг кенгаш давом этапти. Бир-биридан ачиқ таъналар зийнатсиз. Агар раҳбарлардан бошқа ҳеч ким бўлмаса бу гап-сўзларга чидаш мумкин. Аммо ён-верингда қайнотанг, қайнинг, аканг ўтирган бўлса-чи? Унда бир таъна минг таънага айланади урилади кишига. Бундай вазиятда Сайфиддиннинг асаблари дош бермади. У уйига тушқун кайфиятда жўнади.

«Махлис (кенгаш — ред.) бўладиган куни ўғлим бизга ош қилдирди, лекин негадир ошини емасдан йиғилишга боришим керак, деб чиқиб кетди. Йиғилишдан қайтиб келганда соат олти ярим эди. Юзлари қорайиб кетган, менга совуқ сув берингла деди, биз унга уч пиёла чой узатдик. У чойни иссиқ бўлишига қарамасдан ичиб юборди. Кейин у «менинг ёзадиган ишларим кўп» — деб уйига кириб кетди. Эрталаб ўзини осиб қўйганини кўрдик».

(Марҳум Сайфиддиннинг онаси Анора холанинг тушунтириш хатидан).

«У аттестациядан ўтган кунлари жуда хит бўлиб юрди. Педсоветдан қайтган куни ҳам жуда хафа бўлиб келди. Боласи оёғига ёпишганда уни итариб ташлади. Овқат ҳам емади. Печкага олов ёқ, болаларга характеристика ёзма (комсомол ташкилотининг котиби бўлган) деди. Уйга борсам кўрпага ўралиб ўхлаб ётибди.

# ОТА ФАРЕДИНИ





— Манзура отиб ўлдирилгач, қишлоқда унинг йўқолиб қолгани ҳақида шов-шув туғилган. Уролов Манзуранинг тирик юрганлигига ота-онасини ишонтириш учун унинг номидан қалбаки хатлар ёзган. Кимларгадир ёздириб олган бу хатларни марҳуманинг ота-онасига жўнатган. Қиз йўқолгандан сўнг мактаб коллективи дружина тузиб уни яқин-атрофдан излашга тушишган. «Иалаш» ишларида С. Уролов ҳам «фаол» иштирок этган.

Шу аснода қизнинг уйдаги печка ичидан ўқитувчининг ишқий мактублари топилган. Аммо Уролов «хат меники, лекин қизни билмайман» деб туриб олган. Узининг айбисиз эканини «Правда» газетаси, «Еш куч» журналларига ёзган. «Правда» газетасидан «Шахснинг кимгадир ёзган ишқий мактуби уни қотиллик билан айблашга асос бўла олмайди» қабилдаги жавоб ноҳия прокуратурасига ҳам келган.

Уролов Манзурани топиб бераман деб кўп вақт тергов органларини алдаб, кейин қочиб кетган. 1990 йил март ойида Қувасойда қўлга тушган. 18 март куни у виждони қийналиб кетганини айтиб, бор айбини бўйнига олган. Манзуранинг мурдасини қаерга ташлаб юборганини кўрсатган.

Мухбир шарҳи: Жиноят иши билан танишаётиб, ларзага тушганимни мақола бошида айтган эдим. Негаки, «Иш»га бир қатор фотосуратлар ҳам илова қилинган эди.

Мана уларнинг бирида Самариддин Уролов кимсасиз тепалик олдида туриб, қизнинг мурдасини қайси ертўлага итқитганини кўрсатмоқда. Иккинчисида эса... ертўладан чиқариб олинган

Манзуранинг жасади, жасад таниб бўлмайдиган аҳволда. Суратларнинг учинчисидан шўрлик ота-она қизининг жасадини кийимидан таниб олаётган аянчли лаҳзалар тасвирга туширилган.

— Абдуғаффор ака, ушбу фожиа содир бўлишида ҳуқуқшунос сифатида яна кимларни айбдор деб ҳисоблаган бўлардингиз?..

— Бош айбдор ҳақида гапирдик. Лекин шу билангина кифоялансак адолатга тўғри келмас. Бу ерда мактаб жамоаси, марҳуманинг ота-онаси ҳам айбдорлар. Манзура ўлими олдида 4,5 ойлик ҳомиладор бўлган. Аммо буни на мактаб жамоаси, на синф раҳбари, на қизнинг ота-онаси пайқамагани ажабланарли.

Қолаверса, Манзура кечалари уйдан чиқиб, С. Уролов билан мунтазам учрашиб туришган. Юқорида айтилгандек, С. Уролов хотин-қизлар озодлиги кунига атаб қизга қўл соати тақдим қилганда, қиз уни тақиб юрганини кўрган гувоҳлар бор. Агар катталар, ёшларига хос ҳушёрлик қилганларида фожиа бунчалик аянчли бўлмаган бўлармиди. Афсуски...

Суд мактабдаги мутасадди шахслар ва халқ таълими устидан ажрим чиқариб мактабларда бундай фожиаларнинг олдини олиш учун зарур чора-тадбирлар кўришни талаб этди.

Икки оғиз сўз қиз ҳақида. Марҳума ҳақида гапириш гуноҳ. Лекин ҳаётдан бевақф, ўн гулидан бир гули очилмай хазон бўлган Манзура келгусида бўлмаслиги учун гапиришни шарт деб биламан.

Елгон гапларга учманг, азиз қизлар! Шарқ аёлларига хос шарм-ҳаё ва ғурурингизни сақланг.

Манзура ўқитувчиси С. Уроловнинг оилали, 7 нафар фарзанди борлигини, ўзидан қарийб 20 ёш катта эканини билгани ҳолда унга муҳаббат изҳор этган, қизлик иффатини поймол этишига рози бўлган. Манзуранинг бу хатти-ҳаракатларини оқлаш қийин. Бизда ёмон одат бор. Ешлар ўртасида бу ҳақда гапиришнинг ўзи уят, катта бўлса ўзи тушуниб олади, қабилда иш тутамиз.

Ҳозир бизнинг ёшларни турли порнографик, уятсиз кўрсатувлардан асраш имкониятимиз йўқ. Демак, ёшларга тўғри жинсий тарбия бериш жуда муҳим аҳамиятга эга.

Онанинг қизига, отанинг ўғлига бу ҳақда зарур маълумотлар беришни шарт деб ҳисоблайман.

Мактабда ҳам жинсий тарбия дарслари мутахассис врачлар томонидан ўтилиши лозим. 5-10-синф ўқувчиларини мунтазам тиббий кўрикдан ўтказиш эса одат тусига кириш керак. Қолаверса, журналларингизда бошланган жинсий тарбия бобидаги мақолалар мунтазам бериб борилса нур-устига аъло нур бўлур эди.

— Қотилга қандай жазо берилди?  
— Судланувчи Самариддин Уролов ЎзСЖЖ жиноят кодексининг 80-моддаси 5-банди ва 210-моддаси 1-қисми билан айбли деб топилиб 15 йил

## ЖИНОЯТНИНГ ИЛДИЗИ ҚАЕРДА?

муддатга озодликдан маҳрум этилди. У жазони кучайтирилган режимли ахлоқ тузатиш-меҳнат колониясида ўтайди. Судда жабранувчининг ота-онаси маҳкумга ўлим жазоси берлишини талаб қилганини айтиб ўтаман. Бир инсон сифатида уларнинг ҳолатини тўғри тушуниш мумкин. Аммо, судья ҳиссиётларга берилмаслиги керак. У айбдорнинг айбини егиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларни тўғри ҳисобга олиб, уларни тарозига қўйиши керак.

Биз С. Уроловга жазо тайинлашда унинг маст ҳолатда жуда оғир жиноят содир қилганини ҳисобга олиш билан бир қаторда унинг муқаддам судланмаганлигини, айбини бўйнига олиб, чин кўнгилдан пушаймон бўлганини, қарамоғида 7 нафар вояга етмаган бегуноҳ фарзандлари борлигини ҳам эътиборга олиб жазо тайинладик.

— С. Уроловнинг редакцияга ёзган хати хусусида нима дея оласиз?

— Бир нақл бор. Агар судья фақат бир томонни эшитиб, ҳаққоний ҳукм чиқарса ҳам у адолатсиз.

Демак ҳар қандай ҳолатда ҳам хат ёзган шахсу, унга қарши томоннинг фикрини тўла эшитиш, кейин муайян бир фикрга келиш мумкин.

Матбуотни ҳам миллионлаб кишилар ўқишини ҳисобга олсак редакциялар ҳам юқоридаги нақлга риоя қилса ёмон бўлмасди. Аслида матбуотдаги демократия, фикрлар плюралиزمидеб шуни тушуниш мумкин.

С. Уроловнинг журналхонларга таниш бўлган («Еш куч», 1990 йил 4-сон) хатига келсак, унинг ёлғонлиги суҳбатимиз бошидаёқ аён бўлди. Уни милиция ходимлари урганлиги ҳам судда ўз тасдиғини топмади.

С. Уролов жиноий жавобгарликдан қутулиш мақсадида семимли журнализмизни ва у орқали миллионлаб муштарийларни чалғитишга, алдашга ҳаракат қилди. (Буни судда ўзи тан олди.) Елгоннинг умри қисқа экан — ҳақиқат юзага чиқиб, ўзи шарманда бўлди.

Сўнгсўз ўрнида: Номус ўлимдан кучли. Марҳума Манзура охирикўқабат номусини ўлимдан юқори қўйибди. Лекин унинг ўлими, аянчли тақдири ҳаётга қадам қўяётган бошқа ёшларга ибрат бўлсин учун уни қаламга олишга мажбур бўлдик. Манзура ўлими олдида ёзган хатида «Жонимдан тўйиб кетдим», деб ёзган эди. Эҳтимол, қишлоқдаги файзсиз кунлар, ёши катта ҳам-қишлоқларининг ишсизлик ва бошқа ижтимоий адолатсизликка тўла ҳаётини тасаввур қилиб ҳам жонидан тўйгандир у?..

Бу ёғига ҳукм чиқаришни журналхонларимизнинг ўзига ҳавола қиламиз.

Бахтиёр КАРИМОВ,  
«Еш куч»нинг махсус мухбири.

Мен ҳам ўхлашга ётдим, ўхлаб қолибман, уйдан қачон чиқганини билмайман. Лекин доимо ишим кўп деб шикоят қиларди».

(Марҳумнинг турмуш ўртоғи Сабоҳат Шодиевнинг тушунтириш хатидан).

Сайфиддин Шодиев ёш ўқитувчилардан эди. Демак, у тажрибали муаллимларнинг йўл-йўриқ, маслаҳатларига ҳаммиса муҳтож бўлган албатта. Бу борада мактаб раҳбарлари қандай амалий ёрдамлар беришган? Биз Қилич Муродов, Боймирза Орзиқуловлардан шуни билиш мақсадида дарс таҳлили дафтариини сўрадик. Чунки ўқитувчиларнинг характер-хусусиятларини, билим даражасини билишнинг бирдан бир ягона йўли уларнинг дарсларига киришдир. Шу боис раҳбарлар дарс таҳлили дафтариини топиб беришолмаганда таажжубланиб қолдик. Наҳотки, улар дарсларининг ўтилиши, синф раҳбарларининг иши қай аҳволдалиги билан қизиқмасалар? Шунинг учунми ота-оналардан Қ. Йўлдошев, Оват ака Роззиқуловлар мактабда таълим-тарбиянинг бўшлиғи, болалар билимининг саёзлигини айтишганда унча ажабланмадик ҳам.

Энди эса сўзни ўқувчиларга берайлик.  
Низом ТУРСУНОВ, 11-синф ўқувчиси:  
— Бизнинг мактабимизда таълим-тарбия ишлари яхши эмас. Ўқитувчиларнинг баъзилари яхши дарс ўтмайди. Масалан: Муродов Қилич кўп дарс ўтмайди. Ўқувчиларга дарс вақтида ўзи тайёрланмасдан келиб, китобдан ўқиб беради...

Фарҳод УЛУҒОВ, 11-синф ўқувчиси:

— Адабиётдан Қ. Муродов яхши дарс бермайди, фақат китобдан ўқиб беради. Охирги икки чоракда қандайдир бир сабаб биланми ёки сабабсизми Қ. Муродов она тили ва адабиёт фанларидан бир неча соат дарс ўтмади.

Географиядан Сайфиддин Шодиев деган ўқитувчимиз дарс берарди. Ўқувчилар билан яхши муомалада бўларди.

Мактабимизда 1990 йил январь ойигача комсоргимиз С. Шодиев эди. Кейин бошқа комсорг сайланмади, шу сабаб 10—11 синф ўқувчиларига комсомол билети берилмади...

Менимча, энг талабчан, зукко имтиҳон қилувчилар ҳам ўқитувчига ўқувчилардек одилонга баҳо бериша олмайди. Уларнинг баҳолари эса ҳар қандай аттестация комиссиясидан афзал, нима дедингиз?

Мен ўқувчилар, ота-оналарнинг фикр-мулоҳазалари билан танишар эканман, ёдимга бундан беш йил олдинги бир воқеа тушди.

1986 йил 25 февраль район халқ маорифи бўлими кенгашида 33-ўрта мактаб директори Т. Халилов, директор ўринбосари Қ. Муродов, илмий бўлим мудири Б. Орзиқуловлар мактабда таълим-тарбия ишларини бўшаштириб юборганликлари учун кенгаш қарори билан ўз вазифасидан озод қилинган эди. Лекин халқ маорифи мудири М. Норматовнинг «кўнгилчанилиги» туфайли Қилич Муродов шу мактабга директорликка тайинланди. Қани бу ерда ман-

## БИР ХАТ ИЗИДАН

тиқ? Кўпгина мактаб директорлари ҳайрон бўлишди-ю, бу ҳолга кўникишиб кетишди. Мен бу ўринда ноҳия халқ таълими бўлими раҳбарларини танқид қилиб ўтмоқчиман. Бу ердаги кадрларнинг кўпчилиги бирор мактабга методик ёрдам ёки таълим-тарбияни яхши йўлга қўйиш борасида йўл-йўриқ кўрсатадиган тажрибага эга эмас. Устига устак ўз ишини бажаролмаган, ёки ўз обрўсини тўккан кишилар район халқ таълими бўлимига жойлашиб олган.

Агарда ноҳия халқ таълими мудири М. Норматов билан суҳбат қуриб қолгудек бўлсангиз қайта қуришни шу киши амалга ошираётган экан деб сизда шубҳага ўрин қолмайди. Аслида эса қайта қуришнинг аксини кўрасиз. Чунки бу ерда сен менга тегма, мен сенга тегинмайман қабилда иш юри-тиб келинмоқда.

Кимлардир мактабдаги таълим-тарбия борасидаги нуқсонларнинг Сайфиддин фожиасига нима алоқаси бор, дейишлари мумкин. Тўғри, бевосита алоқаси йўқ. Аммо воқеа замирига чуқурроқ назар солсак, билвосита алоқаси борлигини кўраемиз. Билими, савияси талабга жавоб бермайдиган кишиларнинг тўрда туриб талабчанлик қилишга маънавий ҳуқуқи йўқ эди. Уйлаб кўрайлик, фожиага айна шу нарса олиб келмадимикин?

Фожиа юз бергандан бери орадан бир йилдан кўпроқ вақт ўтди. Лекин мактабда ҳеч қандай ўзгариш бўлгани йўқ.

Биз нимани кутаяпмиз?

Фожианинг такрорланишиними?

Бобомурод МАВЛОНОВ,  
Самарқанд вилоят Советобод  
ноҳия Совети депутати, ўқитувчи.

# КИМ ТИЯНГАЙДИ?









## Нозикхон

— Битта хотинни шан-шан қилиб қўймаган эр-эрми? Ундан кўра қора ер яхши! Келин бўлиб тушибманки, ота-онам қилган сепдан кияман. Айтинг-чи, шу вақтгача бирорта тузукроқ нарса олиб бердингизми? Йўқ! Ҳа-а, тиллари келимага келмай қолди-ку? Эссизгина ёшлигим, гўзаллигим!.. Ақлим йўқ ўзи... Анов Салимжон ака совчи қўйса кўнмабман-а! Қанчалик севарди-я!.. Ҳа, нима дейсиз, севарди! Яширмайман буни. Тавба, тагин мени туппа-тузук рашк қилганига қуйиб ўлайми?.. Мана, Розияга уйланди. Чўп нимаю, у нима. Қайта шунақа бад-башараларнинг бахти кулади. Бирини кийиб

билан ади-бади айтишавергани тоқатим йўқ. Кўнсангиз — шу, кўнмасангиз, эр зоти анқонинг уруғи эмас!..

## Қимматхон

— Алло-о... Вой, Муқимжон ака, сизмисиз? Овозингиз нега унақа бўл қопти? Ростан ўзингизми? Кеча ўлардай ичгандирсиз-а? Улинг, одам бўлмай, жинни... Дарров шунақа дейсиз. Нима? Пуф... Ростданми? 280 сўмлигидан-а? Раҳмат, ўзимнинг рицарим! Имм, ёқадими? Биз ҳам ваъданинг устидан чиқадиганлардан. Карочи, соат бешу ноль-нолда — хурсандмисиз? Шоқосим ўртогингизми? Ҳа, кетди... Эрталаб, кузатиб қўйдим

Шунақами? Сиз келадиган мана шу йўлакни... ишонасизми, уч марта супурдим. Гўё киприкларим билан супурдим, Азиз ака! Сизни кутиш азоби ҳам, ўртови ҳам нақадар ширин...

Бугун ишга бора олмадим. Эрталаб сизни кузатгандан сўнг, уй юмушларини сарамжомладим. Ишга шошила бошладим. Бундай қарасам аямнинг ранглари бошқачароқ. Биласизми, аям жуда мастура аёл. У менга қайнона эмас — ўз онам! — Нима бўлди сизга, аяжон? — дедим бошларини кўксимга босиб.

— Хавотир олманг қизим, — дедилар ўзларини бардам тутишга ҳаракат қилиб, — ишингизга кетаверинг. Юрагим ғалатиноқ бўлиб турибди. Ҳа, кетди... Утиб кетади...

Онажонимни шу аҳволда қандай ташлаб кетман? Тўғрими, Азиз ака? Ишхонамга қўнғироқ қилдим. Кейин врач чақирдим. Келиб укол қилишди. «Қўйинг, овора бўлманг, болам» деганига қарамай иссиқ-иссиқ чой ичирдим, ширингина мастава қилиб бердим. Мунчоқ-мунчоқ терлаб, ухлаб қолдилар. Кўнглим жойига тушгач, сизнинг келишингизни орзиқиб кута бошладим. Келар вақтингиз ўтиб борапти. Бутун вужудим — кўз. «Мунча беқарор бўлмасам, келиб қоладилар» дейману, барибир сабр тушмагур... Азиз ака, ишқилиб, бахтимизга аямлар омон бўлсинлар. Юраклари сира безовта қилмасин. Бўлажак неварам... Вой, нима деб алжираяпман! Азиз ака, ўтиринг, анча чарчаган кўринасиз. Жиндекина коватакли ош дамлаганман. Мен аямни чақирай, бирга овқатланамиз...

Абдурахмон ЖУРАЕВ,  
Фаргона вилояти Киров ноҳияси  
Чеккўприк қишлоғи.

# КЕЛИНЛАР

бирини ечади. Устида шведский пальто, оғзи тўла тилла... пешонам курсин!.. Гапиринг, забондан борми ўзи? Ер чизиб қолдингиз? Тўғри, сиз ҳам топасиз. Топасизу, қўшқўллаб анов «Фармонбиби»га топширасиз. У зўр бериб синглингизга сеп йиғяпти. Бу-ку, майли-я, менга деса ўглининг топганини бундан буён ҳам пишириб ея берсин. Мени кўни-қўшниларга ҳадеб ёмонотлиқ қилаётгани нимаси? Манов тешик қулоқ ҳаммасини эшитади. Нон ёпишни билмайди дермиш, сигирдан кўрқади дермиш, оғзи шалоқ дермиш... Ул! Нимангга кериласан? Айтиб қўйинг. Хожиналик қилмасин менга! Тек юрсин. Эҳ... Уймас бу, гўр! Етар... Ҳой, менга қаранг, бугундан бошлаб уйни бошқа қиламиз, тамом! Бу вайсақи

деяпман! Улсин, лаб-лунжи шалвирамай. Ҳеч нарса билан иши йўқ. Уртамизда битта овсар юрса юрибди-да... Мунча кўп кўринди энди? Ихх... Командировкасини жуда кўпга берворибсизми? Емонсиз! Нима?! Шоқосим ака, бу сизмидингиз? Шоқосим ака... Алло! Алло... Вой ўлай-ай!.. Айтдим-а, овози танишроқ деб. Шарманда бўлдим-ку! Шарманда...

## Қутбия

— Азиз ака, нега ишдан кеч келдингиз? Икки соатдирки, кўзларим йўлларингизда. Ҳали қарайман, ҳали қарайман... Нима бўлди ўзи?

## Ўзингиз уйғотинг!

### Киноя

Эй, донолар, зеболар,  
Еримни уйғотинглар.

Нормурод НАРЗУЛЛАЕВНИНГ  
«Еримни уйғотинглар» шеърдан.

Ишлари кўп уларнинг,  
Вақтни олманг гап отиб.  
Ерингизни ўзингиз  
Ола қолинг уйғотиб.



## Четдан раҳбар келмаганда

### Киноя

Бу қандай кўргулик, савдо,  
Дўппи киймай қўйди халойиқ?  
Бошга лойиқ дўппи йўқдир, ё  
Бош қолмади дўппига лойиқ.

Муҳаммад Юсуфнинг  
«Дўппи» шеърдан.

Шаҳарларда ўзбеклар кам,  
Ўзбеклар боп шаҳар йўқ-да.  
Ҳамма ёқда аччиқ сўзлар,  
Чунки ҳозир шакар йўқ-да.

Авжга минди майлисбозлик,  
Ногиқларда бет қолмади,  
Келмай қўйди четдан раҳбар,  
Курсиларбоп кет қолмади.

## Ташвиқот

### Киноя

Қўйнимда бир ёр, кўнглимда бир ёр.

Қўшиқдан.

Бориб тураман у ёқ-бу ёққа  
Қолганман баъзан ҳатто таёққа.  
Борсам бўларкан яна қаёққа,  
Қишлоқда бир ёр, шаҳарда бир ёр.

Еғнинг устида пичоғим менинг,  
Ениқ ҳамиша ўчоғим менинг,  
Ҳаммага очиқ қучоғим менинг,  
Оқшомда бир ёр, саҳарда бир ёр.

Муқофот борми одиллик учун,  
Ҳар эшик очиқ кўп пуллик учун,  
Отиб оладирман дадиллик учун,  
Қушимда бир ёр, тушимда бир ёр.

Айт биров мени тергайдими ҳеч,  
Қайт бу йўлдан ҳов, дегаймиди ҳеч,  
Юракда муҳаббат тугамайди ҳеч,  
Уйимда бир ёр, ишимда бир ёр.

Бориб тураман у ёқ-бу ёққа,  
Қолганман баъзан ҳатто таёққа.  
Борсам бўларкан яна қаёққа,  
«Қўйнимда бир ёр, кўнглимда бир ёр».

Абдураззоқ ОБРУЕВ.



## Хандалар

### Математика дарсида

Ўқитувчи: — Юзни нима тент иккига бўлади?

Ўқувчи: — Бурун!

### Магазинда

Ўқувчи: — Сизда «Қизил шапкача» борми?

Сотувчи: — Бу — китоб дўкони, шапкача «Болалар дунёси» дўконида бўлади!

### Масаллар

— Мен бор жойда тозалик бор, шунинг учун мени эъзозлашади, — мақтанди Со-вун.

— Қарсақ икки қўлдан чиқишини билсанг экан, — гапга аралашди сув.

Ўзи тош, ўтда пишар,  
Сув билан ишга тушар.

(оҳак).

Енғоқ чақиб яшар бир хон,  
Мамлақати, чексиз ўрмон.

(олмахон)

Ярми сифат, ярми от,  
Кечирар чўлда ҳаёт.

(калтакесак)

Қўндоққа чиқиб олар,  
Басма-басга жар солар.

(хўрозлар)

Ўқдай учиб боради,  
Онаси манзил сари.  
Тизилишиб ортидан,  
Чопишар болалари.

(паравоз ва вагонлар)

Тошпўлат МАВЛОНОВ,  
Самарқанд.



## Сиртқи олимпиада

Биринчи тур жавоблари

(«Еш куч», 1990 йил, 9-сон)

### Математика

1. Бу мисол қуйдагича амалга оширилади:

$$\begin{aligned} a^8 + a^7 + 1 &= a^8 + a^7 + a^6 - (a^6 - 1) = \\ &= a^6(a^2 + a + 1) - (a^3 - 1)(a^3 + 1) = \\ &= a^6(a^2 + a + 1) - (a - 1)(a^2 + a + 1) \cdot \\ &(a^3 + 1) = (a^2 + a + 1)(a^6 - [a - 1](a^3 + 1)) = \\ &= (a^2 + a + 1)(a^6 - a^4 + a^3 - a + 1) \end{aligned}$$

2. Фарз қилайлик, 21 боланинг ҳар бирининг терган ёнғоқлари сони турлича бўлсин, у ҳолда терган ёнғоқлари қуйдагича бўлиши мумкин: 0, 1, 2, 3, 4, ..., 19, 20. Буларнинг йиғиндиси 210 га тенг. Агар терган ёнғоқлари юқоридагидан бошқача бўлса, йиғиндиси 210 дан ортиқ бўлади. Зиддиятга келдик. Демак, бир хил сондаги ёнғоқ терган болалар сони камида иккита эканлиги келиб чиқади.

3. Агар  $1 - 1990 X^2 = u$  десак, у ҳолда қуйдаги тенгламалар системасига эга бўламиз:

$$\begin{cases} X = 1 - 1990 X^2 \\ Y = 1 - 1990 X^2 \end{cases} \quad \begin{cases} X = 1 - 1990 X^2 \\ 1990(X + Y) - 1 = 0 \end{cases}$$

Бу системаларни ечиб, X га тегишли қийматларни аниқлаш қийин эмас.

4. Маркази берилган бурчак учда бўлган айлана ясаймиз. Сўнгра циркуль ёрдамида  $13^\circ$  ли ёйни 7 марта кетма-кет ўлчаб қўямиз.  $7 \cdot 13^\circ = 91^\circ$  ли ёйни ҳосил қиламиз. Виз  $90^\circ$  ли ёйни ажрата оламиз. У ҳолда  $1^\circ$  ли ёйни ясай оламиз. Сўнгра  $13^\circ$  ли бурчакни тенг 13 бўлакка ажратиш қолади, холос.

5. Фараз қилайлик, ўшандай пирамида мавжуд бўлсин. Пирамиданинг ён қирралари узунликларини X, Y, Z деб, асоси томонлари узунликларини a, b, c десак, у ҳолда қуйдаги системага эга бўламиз:  $X^2 + Y^2 = a^2$ ,  $X^2 + Z^2 = b^2$ ,  $Y^2 + Z^2 = c^2$ ,  $a^2 + b^2 = c^2$

Биринчи ва иккинчи тенгламаларни қўшсак,  $2X^2 + Y^2 + Z^2 = a^2 + b^2$  ҳосил бўлади. Учинчи ва тўртинчи тенгламаларга кўра эса қуйдаги ҳосил бўлади.

$$2X^2 + C^2 = C^2$$

Бу тенгламадан эса X=0 эканлигини топамиз. Масала шартига биноан X мусбат бўлиши керак. Зиддиятга келдик. Шундай қилиб бундай пирамида мавжуд эмаслигига ишонч ҳосил қиламиз.


Б. РИХСИЕВ,  
Т. ҚУРҒОНОВ.

### Физика

1. Берилган:  $L_1 = 630$  м;  $V_1 = 48,6$  км/соат;  $L_2 = 120$  м  
 $V_2 = 102,6$  км/соат

Топиш керак: t—?

Ечилиши: Юк поезда билан бирга ҳаракатланадиган координата системасини оламиз (расм. қ.), унинг боши юк, поездининг



боши билан, йўналиши ҳам ҳаракат йўналиши билан мос тушади. Бу координаталар

системасида электропоездининг тезлиги  $V$  нисб  $= V_2 - V_1$  га. Агар бошланғич вақт momenti учун қувиб ўтиш бошланган вақти қабул қилинса, у ҳолда электропоездининг охирининг ҳаракат қонуни қуйдагича бўлади:

$$S = -(L_1 + L_2) + V_{\text{нисб}} \cdot t$$

Қувиб ўтиш тугаш вақтида электропоезд охири координаталар системасининг бошида бўлади. Шунинг учун унинг координата-си  $S = 0$  бўлади. Демак, вақтнинг бу пайтида

$$L_1 + L_2 = V_{\text{нисб}} \cdot t$$

$$t = (L_1 + L_2) / V_{\text{нисб}} = (630 + 120) / 15 = 750 / 15 = 50 \text{ с}$$

2. Берилган:  $X = 30^\circ$ ;  $V_0 = 10$  м/с;  $h = 1$  м. Топиш керак: t—?

Ечилиши: Горизонтга нисбатан X бурчак остида отилган жисмнинг координата бўйича ҳаракат қонуни қуйдагича ифодаланади:

$$y = (V_0 \cdot \sin \alpha) \cdot t - \frac{gt^2}{2}, \text{ масала шартига}$$

асосан  $Y = h$  бўлганда t вақти учун қуйдаги тенгламани ёзиш мумкин, яъни:

$$h = (V_0 \cdot \sin \alpha) \cdot t - \frac{gt^2}{2}$$

$$gt^2/2 - (V_0 \cdot \sin \alpha) \cdot t + h = 0, \quad gt^2 - 2(V_0 \cdot \sin \alpha) \cdot t + 2h = 0$$

$$t^2 - 2V_0 \cdot t \sin \alpha + 2h/g = 0$$

Бу квадрат тенгламани ечиб, сон қийматларини қўйиб ҳисоблаш натижасида  $t_1 = 0,28 \text{ с}$  ва  $t_2 = 0,75 \text{ с}$ , бу тенгламанинг иккита илдизидир. У ҳолда тош  $Y = h$  баландликдан икки марта ўтишини кўрсатади.

3. Берилган: m,  $\alpha$ , h, K

Топиш керак: W—?

Ечилиши: Масала шартига асосан ҳаракат текис бўлгани учун арқоннинг F таранглик кучи оғирлик кучининг ва ишқаланиш кучининг қия текислик йўналишига туширилган проекциялар йиғиндиси тенгдир.

$$F = mg(\sin \alpha + K \cos \alpha)$$

Жисм h баландликка кўтарилганда у қия текислик бўйича  $l = h/\sin \alpha$  масофа босиб ўтади. F куч  $A = F \cdot l$  иш бажаради. Бу иш жисмнинг потенциал энергиясининг

## ЯНГИЧА ДАРС РЕЖАСИ

**Х**озирги мактаб ислоҳоти ўқитувчилардан ўз фаолиятини тубдан яхшилашни, таълим ва тарбия самарадорлигини оширишни талаб этмоқда. Бу эса педагогнинг ўз фанини назарий ҳамда методик жиҳатдан пухта билишига, дарс ўтиш маҳоратига, дарсни зарур кўргазмалар жиҳозлар билан ўтишига боғлиқ.

Маълумки, ўқитувчи дарсга тайёрланишни аввало, ўша дарс режасини ёзишдан бошлайди. Сир эмаски, кўпинча бу ёзувлар фақат уни бошлиқларга кўрсатиш учун ёзилади, дарсда ўқитувчи ундан кам фойдаланади.

Дарс самарадорлиги эса дарс режасининг қанчалик пухта ёзилишига ва ундан ўқитувчининг моҳирона фойдаланишига боғлиқ. Бунинг учун бизнинг мактабда аниқ фан ўқитувчилари (кимё, биология, физика) дарс режаси ёзишнинг янги усулини жорий қилишди.

Дарс режаси картонга ёзилади. Унда дарснинг ташкилий қисми, ўқувчилардан сўраш саволлари кўрсатилмайди, фақат янги теманинг баёни кўрсатилади. У қисқа, тезис шаклида ёзилиб, унда формулалар, шакллар ва графиклар алоҳида ранглар билан кўрсатилади. Ҳар бир дарс режаси  $20 \times 13$  см шаклдаги картонга жойлашади. Бундай дарсларда қоронғилаштириш мумкин бўлган ўқув хоналаридан фойдаланилади. Шунингдек, бу

хоналарда техник воситалардан — эпидаскоп, кодоскоп ва кўргазмалар қуроллар бўлиши керак.

Қуйда картондаги дарс режасининг қандай ёзилиши ва ундан қандай фойдаланишни ҳозирги VII (янги ўқув йилидан VIII) синфдаги бир соатлик машғулот мисолида кўриб чиқамиз. Дарс темаси: Электромагнит индукция ҳодисаси. Электр токининг генератори.

Бу тема картонга кичкина қилиб ёзилади ва унинг қисмларга ажратилган режаси тузилади.

Режа:


1. Токнинг магнит майдон ҳосил қилиши.
2. Магнит майдонининг ток ҳосил қилиши.
3. Токнинг ток ҳосил қилиши.
4. Электр токининг генератори, тузилиши ва ишлатилиши.

Картонга ёзилган ушбу дарс режаси эпидаскоп орқали экранлаштирилиб, ўқувчиларга бугунги янги дарснинг мақсади тушунтирилади. Агар дарс режаси юқоридаги ўлчамда олинган ойнага ёзилган бўлса, кодоскоп орқали экранга тушурилади. У орқали картонга ёзилган янги теманинг тезиси экранлаштирилади. Унда магнит стрелкаси ва унинг устида стрелкага параллел қилиб ўрнатилган токли ўтказгич чизмаси кўринади. Бу 1-чизма асосида ўтказгичдан ток ўтганда

магнит стрелкасини у ёки бу томонга бурилишига қараб, токли ўтказгич атрафида магнит майдон борлиги, яъни ток магнит майдон ҳосил қилиши тушунтирилади.



Шу картонда яна берк контур ва контур ғалтаги ичига туширилаётган ёки ундан чиқарилаётган табиий магнит кўрсатилган. Ушбу 2-чизма асосида магнит





ортишига ва тахта билан брусонинг қизишига сарф бўлади, яъни  $A = mgh + W$ , бундан  $W = mghkctga$  эканлиги келиб чиқади.

4. Берилган:  $R = 2000 \text{ Ом}$ ;  $\alpha_1 = -0,01k^{-1}$ ;  $\alpha_2 = 0,002k^{-1}$

Топиш керак:  $R_k = ?$ ;  $R_c = ?$

Ечилиши: Масала шартига асосан температурада кетма-кет уланган  $R_1$  ва  $R_2$  қаршиликли ўтказгичларнинг умумий қаршилиги

$$R = R_1 + R_2 = R_k(1 + \alpha_1 t) + R_c(1 + \alpha_2 t) = R_k + R_c + (\alpha_1 R_k + \alpha_2 R_c)t \text{ бўлади.}$$

Бундан  $R_k$  — кўмир стерженнинг қаршилиги,  $R_c$  — симнинг  $0^\circ\text{C}$  температурадаги қаршилиги. Агар  $\alpha_1 R_k + \alpha_2 R_c = 0(1)$  бўлса, умумий қаршилик температурага боғлиқ бўлмайди. У ҳолда исалган температурада

$$R = R_k + R_c(2)$$

(1) ва (2) тенгламадан қуйидагини топа-виз:

$$R_k = \frac{\alpha_2 R}{\alpha_1 - \alpha_2} = \frac{R}{6} = 333 \text{ Ом,}$$

$$R_c = \frac{-\alpha_1 R}{\alpha_2 - \alpha_1} = \frac{5R}{6} = 1667 \text{ Ом.}$$

5. Ғалтакдаги ўзгарувчи электр токи фаза бўйича  $180^\circ$  га сурилган, шунингдек, максимумга турли вақтларда эришади. Шунинг учун атрофдаги фазода доимий магнит ҳосил бўладиган магнит майдонига ўхшаш ўзгарувчи магнит майдони ҳосил бўлади. Ўзгарувчи магнит майдони дискда уюрма индукцион ток ҳосил қилади. Бу токларнинг магнит майдони ва ўзгарувчи магнит майдонининг ўзаро таъсирида диск айлана бошлайди.

М. ҚУРБОНОВ.

### Кимё


1. Масала шартига шароит кўрсатилмаганлиги учун берилган қийматлар нормал ҳолат учун деб ҳисобланади.

Миқдори 1 моль бўлган газнинг моляр массасини топамиз:

$$M_{\text{газ}} = P \cdot V_0 = 1,25 \cdot 22,4 = 28 \text{ г/моль.}$$

Шундай моляр массага эга бўлган газ азот, углерод (II) оксид ёки этан бўлиши мумкин. Масала шартига берилган газнинг моль миқдорини топамиз:  $n_{\text{газ}} = m : M = 25 : 28 = 0,893$  моль бўлади. Шу миқдордаги газнинг таркибдаги молекулалар сони  $N = n \cdot N_A = 0,893 \cdot 6,02 \cdot 10^{23} = 5,4 \cdot 10^{23}$  дона эканлигини аниқладик.

2. Реакция тенгламаси қуйидагича бўлади:



Бу тенглама бўйича ҳисобларни бажариш учун водород сульфид ҳажмини нормал шароитга Воль-Мариотт ва Гей-Люссакнинг бирлашган тенгламасидан фойдаланиб

$$\frac{P_0 V_0}{T_0} = \frac{PV}{T} \text{ дан } V_0 =$$

$\frac{P \cdot V \cdot T_0}{P_0 \cdot T}$  эканлиги кўрииб турибди. Масала шартига биноан  $P = P_0$ , ундан  $V_0 =$

$$= \frac{V \cdot T_0}{T} = 3,5 = 273,15 : 300,15 = 3,19 \text{ л}$$

ёки  $n(\text{H}_2\text{S}) = 3,19 : 22,4 = 0,142$  моль бўлади.

Реакция тенгламасига кўра ҳосил бўладиган азот (II) оксиди ҳажми водород сульфиднинг ҳажмига 3:2 нисбатда бўлади (Гей-Люссакнинг ҳажмлар нисбати қонунига асосан), яъни:  $V(\text{NO}) = 2/3 \cdot V(\text{H}_2\text{S}) = 2 \cdot 3,19 : 3 = 2,17 \text{ л}$  бўлади.

Ҳосил бўлган олтингугурт массасини қуйидаги мулоҳазадан фойдаланиб топамиз: 3 моль  $\text{H}_2\text{S} \rightarrow 3$  моль олтингугурт бўлса, 0,142 моль  $\rightarrow 0,142$  моль олтингугуртга айланади.

Олтингугурт массаси  $m(\text{S}) = n(\text{S}) \cdot M(\text{S}) = 0,142 \cdot 32 = 4,544 \text{ г.}$

3. Реакция тенгламаси:  $\text{KCl} + \text{AgNO}_3 = \text{AgCl} \downarrow + \text{KNO}_3$ , унда ҳосил бўлган кумуш хлориднинг моль миқдори  $n(\text{AgCl}) = m(\text{AgCl}) : M(\text{AgCl}) = 28,7 : 143,5 = 0,2$  моль экан. Шу миқдордаги кумуш хлоридни ҳосил қилишда 0,2 моль  $\text{KCl}$  қатнашган. Демак, эритмада 0,2 моль туз бўлган, унинг массаси эса  $m(\text{KCl}) = n(\text{KCl}) \cdot M(\text{KCl}) = 0,2 \cdot 74,5 = 14,9 \text{ г.}$  Эритма зич-


лигини сув зичлигига тенг деб олсак, тузнинг масса улуши:  $W(\text{KCl}) = 14,9 : 1000 = 0,0149$  ёки процент концентрацияси 1,49 экан.

4. Ҳажми 1 л бўлган ҳаво таркибдаги азот массаси  $m(\text{N}_2) = m(\text{ҳаво}) \cdot W(\text{N}_2) = 1,293 \cdot 0,755 = 0,976 \text{ г.}$


Унинг моль миқдори  $n(\text{N}_2) = m(\text{N}_2) : M(\text{N}_2) = 0,976 : 28 = 0,0349$  моль, молекулалар сони эса  $N(\text{N}_2) = n(\text{N}_2) \cdot N_A = 0,0349 \cdot 6,02 \cdot 10^{23} = 2,1 \cdot 10^{22}$  дона бўлади.

Масала шартига берилган ҳаво таркибдаги кислород массаси  $m(\text{O}_2) = 1,293 \cdot 0,232 = 0,3 \text{ г.}$ , унинг моль миқдори эса  $n(\text{O}_2) = 0,3 : 32 = 9,4 \cdot 10^{-3}$  моль бўлади. Молекулалар сони эса  $N(\text{O}_2) = 9,4 \cdot 10^{-3} \cdot 6,02 \cdot 10^{23} = 5,7 \cdot 10^{21}$  дона экан.

5. Глюкоза молекуласида альдегид группаси бўлганлиги сабабли у қайтарувчи хоссага эга бўлади:



глюкон кислота  
Бундан ташқари глюкоза Фелинг суюқлигининг таркибдаги мис (II) ионини қайтаради:



Бу реакциянинг ташқи аломати — кўк рангли эритма глюкоза аралаштириб қиздирилганда қизил рангли мис (I) оксид чўкмаси ҳосил бўлади.

Мальтоза таркибида иккита глюкоза қолдиғи бўлади, бу модда кислотали муҳитда гидролизга учраб, 2 молекула глюкоза ҳосил қилади.

Сахароза таркибида альдегид группаси бўлмагани учун у қайтарувчи бўлмайди. Лекин гидролиз натижасида глюкоза ва фруктоза ҳосил қилади ва фақат шундан кейингина қайтарувчилик хоссага эга бўлади. Бундай эритмаларда фруктоза бор эканлигини унга хос бўлган рангли реакция содир бўлишидан билиш мумкин: фруктоза резорцин билан кислотали муҳитда қизил рангли эритма ёки мочевина билан реакция натижасида ҳаво рангли эритма ҳосил қилади.



А. МУФТАХОВ, доцент.

## ДАРСЛИГИНГИЗГА ҚЎШИМЧА

майдони ток ҳосил қилиши тушунтирилади. Ток ҳосил қилиши учун эса у ўзгартирилиши уқтирилади. Бундай берк контурда ток ҳосил бўлиш ҳодисасини **электроманит индукция ҳодисаси** деб аталганини таъкидлангандан кейин картондаги 3-чизма асосида токнинг ток

Шунингдек, ўтказгич магнит куч чизиқларини кесиб ўтганда ҳам ток ҳосил бўлиши картондаги чизма асосида тушунтирилади. 4-чизмада тақасимон магнит орасига учлари гальвонометрга уланган ўтказгич тушуриляётгани ва чиқариляётгани кўрсатилган. Ўтказгич магнит куч чизиқларини кесиб ўтганда ток ҳосил бўлишидан генераторларда

намоиш тарзда кўрсатилади. Янги тема режаси яна экранлаштирилиб, ўқувчилардан такрор сўралади. Бу билан янги тема мустақамланади. Аввал ўтилган темалар ҳам шу усулда ўқувчилардан



ҳосил қилиши тушунтирилади. Чизмада берк контур ғалтаги устига ток ўтаётган ўзакли ғалтак қўйилган. Ғалтакдаги ток пайдо бўлганда, йўқолганда, кўпайганда, камайганда унинг магнит майдони ўзгариб, берк контурда ток ҳосил қилади. Бу — токнинг ток ҳосил қилиши деб юритилади.

фойдаланиш зарурлиги айtilган. Шундан кейин эса генератор чизмаси экранлаштирилади. 5-расмдаги генераторнинг тузилиши ва ишлаш принципи тушунтирилади ва қўлланилиши айtilади.

Чизмалар ва қисқа ёзувларнинг ранглилиги ўқувчиларнинг тушуниши, ҳодисаларни ажратишлари учун қулай бўлади. Картондаги тушунтирилган ҳодисалар

сўралади ва уларнинг билими баҳоланади.

Бу усулда дарс ўтилганда ўқитувчи ва ўқувчиларга ундан тўлиқ фойдаланиш имконияти ошади. Чизмадаги схемаларга, графикларга қараб ўқувчиларнинг сўзлай олиш, фикрлаш қобилияти кўпроқ ривожланади. Картондаги дарс режасидан янги темани баён қилишда, ўтилган дарсни ўқувчилардан сўраб мустақамлашда, чорак ва йил охирида дарсларни такрорлашда фойдаланилади.

Ш. ҲУСНИДДИНОВ,  
Тошкентдаги 63-ўрта мактаб муаллими,  
ССЖИ халқ маорифи аълочиси.





— Ҳа, бу мавсумда «Пахтакор» — биз сен билан», «Омад сенга ёр бўлсин, «Пахтакор» каби шпорлар билан ўйинларда қатнашдик. Бу озгина бўлса-да, футболчиларимизни ғалаба сари руҳлантириб, уларга далда берган бўлса, биз бениҳоя хурсандмиз. Бу шпорларни асосан ўзимиз тайёрладик, баъзи бу ишларда бизга «Футбол юлдузлари» ширкати ҳам ёрдамлашди.

— Ўйинларни кузатгани бошқа шахарларга ҳам бориб турсизларми!

— Очиғи, ўтган йили фақат Олмаотага бора олдик, холос. Транспорт уюштириш муаммо. Уйлаймизки, янаги мавсумда командамизни сафарда қўллаб-қувватлаш учун барча имкониятлардан фойдаланамиз.

— Қайси футбол беллашувлари айниқса, ёдингизда қолган!

— Бундай ажойиб ўйинлар кўп. Аммо бир умр ёдимдан кўтарилмайдиган ўйин бу 1986 йилги мавсумнинг охириги «Пахтакор» — «Даугава» баҳсидир. Биз учун ҳам, рақиблар учун ҳам ҳал қилувчи ўйин, яъни ҳаёт-мамот жанги эди. «Қассобга мол қайғуси, эчкига жон қайғуси», деганларидай биз ютқазсак II лигага тушиб кетардик. «Даугава» ғалаба қилса, олий лигага йўлланма оларди. Ўйин кучли ёмғир остида ўтганлиги туфайли ўйингоҳга атиги 2 мингтача мухлис тушганди, холос. Беллашув давомида барча ишқибозлар кучли ҳаяжонда эди. Ўйин тугагани ҳақида хуштак чалинганида ишқибоз-

лар хурсандликларини яширолмасдан бир-бирларини кучоклаб табриклашди. Кўпчилик ҳатто кўз ёши ҳам тўкиб олди. Ҳа, бундай ўйинларни унутиб бўлмайди. 1979 йил 11 августда авиация ҳалокатига учраган футболчилар ва команда устозлари ҳам менимча ҳеч бир ишқибознинг ёдидан кўтарилмаса керак.

— «Пахтакорчи» клубига аъзо бўлиш, ўйингоҳга мунтазам тушиш албатта анча вақтни олади. Ашаддий ишқибоз кўпинча уйга кеч келиши табиий. Кечирасизу, турмуш ўртоғингизнинг футболга муносабати қандай!

— Турмуш ўртоғим менинг чин юракдан футболга қизиқишимни тушунади. Шу сабабдан уйга кеч қайтган вақтларимда ҳам мени яхши муомала ва табассум билан кутиб олади.

— «Пахтакор»га тилакларингиз!

— Мана, олти йилдан бери орзиқиб кутган онларимиз ҳам келди. «Пахтакор» яна кучлилар сафига қайтди. Командамиз аъзолари ва устозлардан илтимосим шўки, олий лигада кучлилар сафидан ўрин олишга астойдил ҳаракат қилсинлар, бу борада ўзбекистонлик миллионлаб футбол ишқибозлари қўлларидан келган ёрдамларини аямайдилар. Истагим, жамоамиз келажакда маҳаллий футболчилар ҳисобига тўлдириб борилса, биринчиликда муваффақиятли қатнашиб, Европа кубокларида кучли командалар билан муносабати беллашиб, биз ишқибозлар қалбини қувончга тўлдирса.

Дилшод ИСРОИЛОВ сўхбатлашди.

Клуб мутасаддиси  
М. МУҲИТДИНОВ

## ШАХМАТ КЛУБИ

### Зоти шариф таваллудига бағишлаб

**Т**арихдан маълумки, XIV—XVI асрларда Шарқда фан ва маданият жуда ривожланган. Шу даврда қадимий ақл-идрок ўйини — шахмат ҳам янада раванқ топди. Ўз ҳаёти ва ижодий фаолиятини инсон бахт-саодати йўли-

га, халқ осойишталигига, илм-фан камолоти-га, адабиёт ва санъат тараққиётига бағишлаган ўзбек халқининг улуғ шоири Алишер Навоий қолдирган мерос жаҳон маданиятининг ноёб обидалари сифатида яшамокда, кадрланиб-эъзозланмоқда. Навоий қадимий шатранж — шахмат маданиятининг юксалишига ҳам муносиб ҳисса қўшган, бу соҳанинг илғор вакилларини ўз қаноти остига олиб, уларга раҳномолик қилган. Буларни шоир асарлари ҳам тасдиқлайди.

«Мажолисун-нафоис» асарида Навоий ўша давр илғор кишилари қаторида шатранж устозларини ҳам бирин-кетин тилга олган. У ўз умрининг сўнги йилларида яратган фалсафий асари — олтинчи шеърини достони «Лисонут-тайр»да мажозий образлар ва уларнинг рамзли саргузаштлари орқали объектив борлиқни эътироф этган, инсонни кўкларга кўтарган. Бу асарда «Шатранжи-кабр ҳикояти» сингари реалистик ҳикоялар

ҳам бор. Таниқли навоийшунос олимларимиздан Абдуқодир Хайитметов унинг

*Икки шатранж йўнагувчи устод,  
Арсан шатранжга айлаб қушод,  
Икки жонибдин бўлиб оромгир,  
Тўждилар ўртада шатранжи кабир...*

сатрлари билан бошланган ушбу ҳикоясини қисқача таҳлил этиб, унда шатранжнинг усталик билан тафсифланганлигини, Навоий икки томоннинг бир-бирига қарши юришларини ҳарбий урушларга ўхшатганлигини ва ҳарбий атамалардан кенг фойдаланганини айтади. Навоий ҳикоядан ажойиб хулоса чиқариб «бу икки «шоҳ»нинг «уруши» тахтада турган доналар — сипоҳ-у пиёдаларни бир «силкиб юбориш билан ном-нишонни ўчадиган уруш», — деган. Ҳикоя қуйидаги байтлар билан тугалланади:




*Чун харита ичра боғланди бари  
Шоҳ қуйидир ё пиёда юқори.*

Бу сатрларда шоир ўйин бошланиши олдидан ҳурмат билан тахтага дастлаб терилган шоҳлар ўйин тугагач, халтага солинганда пиёдалар остида қолиб кетишига, яъни подшоҳларнинг тутган мавқелари сира ҳам турғун эмаслигига ишора қилган.

### Конкурснинг навбатдаги топшириқлари (1, 2, 3, 4-диаграммалар)

Диаграммаларнинг ҳаммасида оқлар бошлаб, 3 юришда мот қилади (Ҳар бир тўғри жавоб учун 3 тадан очко берилади).

Жавобларни почта открыткасида ихчам ва аниқ ҳолда юборинг!



Ижтимоий-сиёсий, адабий-бадний безакли ойнама  
МУАССИС — УЗБЕКИСТОН ЛКЕИ МАРКАЗИИ КҮМИТАСИ

1986 йил июль ойидан чиқа бошлади

№ 3 (57) март, 1991.

Ўзбекистон ЛКЕИ Марказий Қўмитаси «Камалак» нашриёти матбаа бирлашмаси

Бош муҳаррир —  
Худойберди ТҲХТАБОВ

Таҳрир ҳайъати:  
Шоҳруҳ АКБАРОВ —  
масъул котиб  
Хуршид ДУСТМУҲАММАД —  
бош муҳаррир ўринбосари  
Бахтиёр КАРИМОВ  
Эркин МАЛИКОВ  
Тоҳир МАЛИК  
Латиф МАҲМУДОВ  
Ҳасан НОРМУРОДОВ  
Абдуғафур РАСУЛОВ  
Акмал САИДОВ  
Исроил ТҲХТАЕВ  
Урол ХОЛМОНОВ  
Пирмат ШЕРМУҲАМЕДОВ  
Файзулла ҚИЛИЧЕВ  
Музроб ҚУРБОНОВ  
Турсунали ҚУРБОНОВ  
Садриддин ҒУЛОМИДДИНОВ

Бадий муҳаррир:  
Султон СУЛАЙМОНОВ  
Саҳифаловчи:  
Улуғбек ЯКВАЛХУЖАЕВ  
Мусаҳҳих:  
Мақсуда ҲАКИМОВА

«Еш куч» — ежесечный, общественно-политический и литературно-художественный иллюстрированный журнал

На узбекском языке  
Учредитель — ЦК ЛКСМ Узбекистана  
Мақонимиз: 700113, Тошкент — ЧСП,  
Қатортол кўчаси, 60.

Телефонлар:  
Бош муҳаррир ўринбосари: 78-93-24  
Масъул котиб 78-94-73

Бўлимлар.  
Хатлар 78-48-85  
Ижтимоий-сиёсий, адабиёт ва санъат 78-85-64  
Шеърят 78-85-64  
Мақтаб, фан-техника ва спорт 78-57-85

Таҳририят ҳажми 2 босма тобоқдан зиёд асарлар қўлёмасини қабул қилмайди. Бир босма тобоқ ҳажмидаги асарлар муаллифга қайтарилмайди. Ойнамадан кўчириб босилганда «Еш куч»дан олинди деб изоҳланиши шарт.

Таҳририят ўз тавсиясига кўра олинган бадий асарлар таржимасини эълон қилади.

«Еш куч» март, 1991.


© «Камалак» нашриёти матбаа бирлашмаси

Босмаҳонага туширилди 14.01.91 й. Босишга рухсат этилди 18.02.91. Офсет усулида чоп этилди. Китоб-журнал учун офсет қоғози. Формати 70×108<sup>1</sup>/<sub>8</sub>. Шартли босма тобоқ 5,6. Шартли буюқ нусхаси 16,8. Нашриёт босма тобоқ 10,6. 590000 нусха. Буюртма № 4690. Баҳоси обуначига — 55 тийин. Сотувга — 80 тийин.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ ордени босмаҳонаси.

Тошкент 700000, «Правда» газетаси кўчаси, 41.





Р. НУРИМБОЕВ суратга туширган.



Утган йилги жаҳон биринчилигининг энг яхши ўйинчиси Р. Скилаччи ҳақида гапирган мутахассислардан бири бундай футболчиларнинг аҳамиятини камситмаган ҳолда Марадона сингари ўйинни ташкил қилувчи тоифасидаги чарм тўп усталари камёблигини айтганди. Чиндан ҳам шўро футбол тарихида ҳам майдонни кўра биладиган, энг мураккаб вазиятларда совуқ

қонлигини йўқотмайдиган ярим ҳимоячилар кўп бўлмаган. В. Воронин, В. Турянчик, В. Мунтян, М. Ан. Ана шундай футбол юлдузларидан яна бири — «пахтакор»чи Миржалол Қосимов! Мамлакат биринчилигида Миржалоллар кўпайса ўзбек футболининг доғруғи оламини тутди. Ишқибозлар эса бемалол ёнбошлаб ўйинларни томоша қилаверадилар.





## Асқад МУХТОР

Ўзбекистон халқ ёзувчиси, Ҳамза номидаги давлат мукофоти совриндори.

«Опа-сингиллар», «Қорақалпоқ қиссаси», «Давр менинг тақдиримда», «Тугилиш», «Чинор», «Бўронларда бордек ҳаловат», «Бухоронинг жин кўчалари» асарларининг муаллифи. Софокл, Шекспир, Шиллер, А. Пушкин, М. Лермонтов, А. Блок асарларининг таржимони.

